



ДРАГЪ ТИШУ
ГРАММАТИКАСЯ

II

84.7(араб)

И - 15

Неъматулло ИБРОҲИМОВ
Муҳаммад ЮСУПОВ

АРАБ ТИЛИ


ГРАММАТИКАСИ

I жилд

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари
талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этган

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

Тошкент



Қўлланма араб тили грамматикаси назарий масалаларини ўзбек тилида изчил равишда изоҳловчи илк китобдир. Муаллифлар унда араб тилидаги грамматик ҳодисаларни ўзбек тилига қиёслаган ҳолда изоҳлаб, уни ўзлаштириш жараёнини оsonлаштирганлар.

Қўлланма араб тилини мукамал ўрганишни истаган мухлислар - университет ва институтлар талабалари, мактаб, мадраса ўқувчилари, шунингдек, курс тингловчиларига мўлжалланган.

Муаллифлар ушбу дарсликни падари бузрукворлари Иброҳимжон ДОВУДОВ ва Мирзомахмудхон ЮСУПОВларнинг руҳи покларига бағишлайдилар.

Масъул муҳаррирлар:
Абдулазиз МАНСУР

Тақризчилар: *Филология фанлари доктори*
Т.А.Мухторов
Филология фанлари номзоди **М.Саидумаров**
Филология фанлари номзоди **Ш. Ғ. Шомусаров**

4306020200
А _____ 97
358
ISBN 5-89890-138-8

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

МУҚАДДИМА

Араб тили сомий тиллар оиласига мансуб бўлиб, унинг адабий тил нормаси жоҳилият даврида шаклланган. Бироқ унинг грамматик нормалари милоднинг VIII-IX асрида ишлаб чиқилди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг юзага келиши араб адабий тилининг янада ривожланиши, таъсир доирасининг кенгайиши, араб бўлмаган бошқа халқлар томонидан ҳам араб тилини кенг ўрганилишига йўл очиб берди. Айниқса, Бағдод халифалигида ташкил этилган илмий марказ ва унда араб олимлари билан бир сафда кўплаб мусулмон ўлкалардан келган ақлом олимларининг тадқиқот ишлари олиб боришгани араб тилининг илм-фан соҳасидаги мавқеини янада юқори кўтарди. Натижада бу тил бутун мусулмон шарқи ҳудудиди Европадаги лотин тили каби фан тилига айланди. Шундан ташқари, у кўплаб мусулмон шарқ мамлакатларида узоқ вақт давлатлараро муомала тили бўлиб ҳам қиёмат қилди.

Араб тили бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш яқин кунларгача Тошкент давлат шарқшунослик институти (Тошкент давлат университетининг собиқ шарқ факультети) зиммасида эди. Бу даргоҳдаги араб филологияси кафедрасида узоқ йиллар ишлаб, малакали арабшуносларни етиштиришга катта ҳисса қўшган ҳамда дарсликлар нашр этиб, мухлислар эҳтиёжини қондирган Н.Д.Холидов, Э.Талабовлардан арабшунослар миннатдорликлари.

Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари ривожлана бошлади. Қолаверса, Республикамининг мустақилликка эришиши фаннинг айрим соҳалари олдига қўйилган сунъий тўсиқларни олиб ташлади. Шарқ тилларини, хусусан, араб тилини ўрганиш соҳасидаги чеклашлар бартараф этилди. Буларнинг ҳаммаси араб тилини ўрганувчилар учун ўзбек тилида битилган ҳар хил ўқув қўлланма ва дарсликларга эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ушбу қўлланма ҳам мустақиллик шарофати туфайли рўёбга чиқди, деб дадил айтиш мумкин.

Қўлланма икки жилдга мўлжаллаб тузилган. Қўлингиздаги биринчи жилд араб тили грамматикасининг назарий масалаларига бағишланган. У фонетика билан бошланиб, морфология ва қисман синтаксисни ўз ичига олади.

Иккинчи жилд эса биринчи жилдда ёритилган ҳар бир мавзунини мустаҳкамлаш, уни амалда қўллай билишни ўргатишга мўлжалланган машқлардан иборат.

Китобнинг биринчи қисмини тузишда бошқа қўлланмалар қатори «соддадан — мураккабга» усулига асосланилди ва унда турли даврларда чоп этилган, ўқув жараёнида қўлланилаётган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланилди.

Маълумки, чет тилини ўрганишнинг энг самарали усули уни она тили билан муқояса қилган ҳолда ўрганишдир. Бинобарин, қўлланманинг назарий қисмида ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидалари назарда тутилиб, мавзулар ўзбек тилига қиёсланган ҳолда тушунтирилди.

Қўлланмани тайёрлашдаги асосий муаммолардан бири лингвистик истилоҳларни қўллаш масаласи бўлди. Ҳозиргача араб тили соҳасида ўзбек тилида чоп этилган

қўлланмаларнинг камлиги, инқилобдан илгари араб тилини ўрганиш мактаб, мадрасаларда кенг олиб борилгани билан, ундаги таълим ўзбек тилига қиёслаб олиб борилмагани, шунинг учун ўша даврда нашр этилган қўлланмаларда истилоҳлар араб тилидан айнан иқтибос қилингани бу масалани алоҳида ўрганиб, истилоҳлар тизимини қайта кўриб чиқиш вазифасини кўндаланг қўйди. Бу масала қўлланмада турли усулларда ҳал этилди: ҳам араб, ҳам ўзбек тилларида мавжуд бўлган лингвистик ҳодисалар учун ҳозирги ўзбек тилидаги истилоҳлар ишлатилди (масалан, от кесимли гап, феъл кесимли гап, ҳол, тўлдирувчи ва ҳ.к.).

Ўзбек тили грамматикасида ишлатилмайдиган айрим истилоҳлар учун араб тилидаги муқобиллар қабул қилинди (масалан, ажваф феъллар, ноқис феъллар, масдари мутлақ, изофа ва ҳ.к.). Айрим тушунилиши қийин, ўзбек дитобхони учун ғализроқ терминлар эса ўзбек тилига таржима қилиниб, муомалага киритилди (масалан, чеклов, мослашган аниқловчи, биргаликни ифодаловчи тушум келишиги ва ҳ.к.). Юқоридаги усуллар имкон бермаган ҳолларда русча қўлланмаларда ишлатилган истилоҳлар калька сифатида қабул қилинди (масалан, солимсифат феъл, бирикма олмош, ҳампалаи феъллар, иккиланган ўзаклар ва ҳ.к.). Араб тилидаги *حَرْفُ الْعَزْمِ* категорияси учун русча «предлог» термини қабул қилинди. Шунинг учун ҳам қўлланмадаги истилоҳларнинг айримлари шартли деб қаралиши лозим. Масаланинг бу нозик томонини эътиборга олиб, хусусан, ҳозирги кунимизда мадрасаларда таълим олаётган толиби илмлар меҳнатини енгиллатиш, бу қўлланмани уларга янада тушунарлироқ қилиш мақсадида ишлатилган истилоҳларнинг арабча-ўзбекча ва ўзбекча-арабча лугати иловаланиб, унда сўзлар ўзак эътибори билан алифбо тартибида берилди.

Муаллифлар қўлланмада масалага у ёки бу ихтисос бўйича ўқув режаси кўзда тутган соат миқдорини эмас, ёритилиши керак бўлган назарий материаллар қажмини эътиборга олиб ёндошганлар. Шу жиҳатдан у амалдаги ўқув режалари соатларига мос келмаслиги мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, қўлланмада талабаларнинг оғзаки нутқ малакасини ўстириш масаласига алоҳида ўрин ажратилган.

Мазкур қўлланма ўзбек арабшунослигида кейинги даврда араб тили грамматикасини яратишдаги илк қадамлардандир. Бинобарин, бунда айрим нуқсон ва камчиликларнинг бўлиши табиий. Бу камчиликларга муаллифлар диққатини тортган биродарларга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Муаллифлар

Араб тилидаги товушлар учун қабул қилинган транскрипцион белгилар

ب — б	غ — ғ
ت — т	ف — ф
ث — с	ق — қ
ج — ж	ك — к
ح — ҳ	ل — л
خ — х	م — м
د — д	ن — н
ذ — з	ه — ҳ
ر — р	و (ундош) — в
ز — з	ي (ундош) — й
س — с	қисқа «а» — а
ش — ш	қисқа «и» — и
ص — с	қисқа «у» — у
ض — д	чўзиқ «а» — ā
ط — т	чўзиқ «и» — ī
ظ — з	чўзиқ «у» — ū
ع — ‘	қатъий ҳамза — ’

§ 1. УНДОШ ТОВУШЛАР

Араб тилидаги ундош товушларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: 1. Араб ва ўзбек тиллари учун умумий ундош товушлар. 2. Араб тилига хос ундош товушлар.

Араб ва ўзбек тиллари учун умумий ундош товушлар 19 та бўлиб, улар қуйидагилардир:

б — ب	д — د	з — ز	в — و	ж — ج	й — ی
к — ك	р — ر	х — خ	л — ل	с — س	ш — ش
м — م	т — ت	қ — ق	н — ن	ф — ف	ғ — غ
				ҳ — ه	

Эслатма. Ё ҳарфи ت ҳарфи билан бир хил талаффуз қилинади ва у «-атун» қўшимчаси билан тугаган сўзларда шу қўшимча таркибидаги «т» товушини ифодалаш учун ишлатилади. Унинг номи «тāун марбутатун» — «та марбута» дир.

Бу товушлар ичидан қуйидагиларнинг талаффузи ўзбек тилидагидан қисман фарқ қилади:

1. «В» товуши ўзбек тилидаги «в» товушидан ҳосил бўлиш ўрнига кўра фарқ қилади. Ўзбек тилидаги «в» лаб — тиш товушидир, араб тилидаги «в» эса икки лабнинг ўзаро яқинлашишидан ҳосил бўлувчи лаб — лаб товуши ҳисобланади.

2. «Л» товуши араб тилида юмшоқ талаффуз қилинади («'Аллāху» сўзи бундан мустасно).

3. «Х» товуши ўзбек тилидаги «ҳ» товушидан енгилроқ талаффуз қилинади.

§ 2. УНЛИ ТОВУШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Араб тилида учта унли товуш мавжуд: «а», «и», «у». Уларнинг ҳар бири ўз навбатида қисқа ва чўзиқ унлиларга бўлинади:

I. Қисқа унлилар:

1. Қисқа «а» унлиси. Бу унли ёзувда ا (фатҳа) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

йадун — يَدٌ — қўл, фамун — فَمٌ — оғиз,

шифатун — شَفْءٌ — лаб, қалбун — قَلْبٌ — юрак.

Қисқатма. Араб тилида кўпчилик сўзлар «-ун» қўшимчаси билан тугайди ва у ا (танвин дамма) ҳаракати билан ифодаланади.

2. Қисқа «и» унлиси. Бу унли ёзувда ي (касра) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

йишлун — رِجْلٌ — оёқ, бинтун — بِنْتُ — қиз,

йитифун — كَيْفٌ — елка, бисиллатун — بَيْلَةٌ — нўҳат.

3. Қисқа «у» унлиси. Бу унли ёзувда و (дамма) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

бусерун — بُسْرٌ — хом хурмо, бухтун — بَهْتُ — туҳмат,

гурфятун — غُرْفَةٌ — хона, шурфатун — شُرْفَةٌ — айвон.

II. Чўзиқ унлилар:

1. Чўзиқ «а» унлиси (ā). Бу унли ёзувда ا (алиф) ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

китабун — كِتَابٌ — китоб, бабун — بَابٌ — эшик,

жидарун — جِنَارٌ — девор, дāрун — دَارٌ — уй, ҳовли

2. Чўзиқ «и» унлиси (ي). Бу унли ёзувда **ی** ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

кариймун — كَرِيمٌ — Карим, жамйилун — جَمِيلٌ — чиройли,
тйнун — تَيْنٌ — анжир, кабйрун — كَبِيرٌ — катта.

3. Чўзиқ «у» унлиси (و). Бу унли ёзувда **و** ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

нўрун — نُورٌ — нур, гафўрун — غَفُورٌ — кечирувчан,
мактўбун — مَكْتُوبٌ — мактуб, қудўмун — قُدُومٌ — келиш.

Бундай унлиларнинг чўзиқлиги тахминан икки қисқа унлига тенг.

Эслатма. **ا،ى،و** ҳарфлари чўзиқ унлиларни ифодалаганда ҳаракат қабул қилмайди.

Юқоридаги қоида умумий бўлиб, кўпчилик сўзларнинг ёзилиши учун асосдир. Бироқ айрим сўзлар бу қоидага хилоф равишда ёзилади:

1. Айрим сўзлардаги «**а**» унлиси **_** ҳаракати ёрдамида ифодаланади. Масалан:

'аллаҳу — اَللهُ — Оллоҳ, ҳа'ула'и — هَؤُلَاءِ — булар,
'ула'ика — اُولَئِكَ — улар, ўшалар.

2. Баъзан сўз охиридаги «**а**» товуши **ى** ҳарфи ёрдамида ифодаланади:

мўса — مُوسَى — Мусо

фатва — فَتْوَى — фатво

мата — مَتَى — қачон.

Бу вазифада келган **ى** ҳарфи «'алифун мақсўратун» — «алиф мақсура» дейилади.

3. Айрим тарихий ёдгорликларда сўз ўртасидаги «а» товуши, ҳарфи воситасида ифодаланган. Масалан:

закотун — زَكْوٰتُ — закот, нажотун — نَجْوٰتُ — нажот,

Араб тилидаги «а» товуши ёнидаги ундошларнинг ўрнига қараб, ҳар хил талаффуз қилинади. Агар бу товуш б, ф, м, т, д, с, з, н, к, ш, й, ж, ҷ, з, ʻ, ҳ, ҳ ундош товушлари ёнида турган бўлса, ўзбек тилидаги «а» билан «о» товуши ўртасида талаффуз қилинади.

Масалан: مَاھِرُ — ма(э)ҳирун — моҳир.

Қолган ундош товушлар яқинида турганида, «а» товуши ўзбек тилидаги «о» товушига яқин талаффуз қилинади. Масалан:

تُرَابُ — турā(о)бун — тупроқ.

قُرَابُ — гурā(о)бун — қарға.

♦ 3. АРАБ ТИЛИГА ХОС УНДОШ ТОВУШЛАР

Араб тилига хос бўлган ундош товушлар 8 та:

1. «З» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олади, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқинининг иштирокига кўра жаранглидир. Бу товушни тўғри талаффуз қилиш учун тилнинг учини юқори ва пистки тишлар орасидан ташқарига бир оз чиқариш керак. Бу товуш ёзувда ʻ ҳарфи билан ифодаланади:

пашшабун — ذَبَابُ — пашша,

даразатун — دَرَّازَةٌ — дераза,

мазалиун — مَلَّيْذُ — мазали.

«С» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига ва усулига кўра з товуши билан бир хилдир. Овоз ва

шовқиннинг иштирокига кўра эса, жарангсиз товуш ҳисобланади. Бошқача айтганда, у «з» товушининг жарангсиз вариантыдир. Бу товуш ёзувда ث ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

савбун — ثوب — кийим, мйрасун — ميراث — мерос,

тамсийлийатун — تمثيله — спектакль, томоша

3. «Х» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра чуқур бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз товушдир. Бу товуш талаффузи давомида ўпкадан чиқаётган ҳаво бўғиздан тикилиб, куч билан чиқади ва бўғиз деворларига қаттиқ ишқалади. Ёзувда у ح ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

ҳибрун — حبر — сиёҳ,

руҳун — روح — руҳ,

миҳбаратун — محبرة — сиёҳдон,

милҳун — ملح — туз.

4. «‘» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра чуқур бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жаранглидир. Бу товуш талаффузи давомида чуқур бўғиз деворлари бир-бирига тегади ва ўпкадан келаётган ҳаво шу ерда портлаб ўтади. «х» ва «‘» товушларининг талаффузи анча қийин бўлиб, ўрганувчидан кўп машқ талаб қилади. Бу товуш ёзувда ع ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

‘арусун — عروس — келинчак,

бай'ун — بَيْع — сотиш,

ша'рун — شَعْر — соч,

шари'ун — شَارِع — кўча.

5. «Т» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз товушдир. Бу товушни тўғри талаффуз қилиш учун тилнинг учини эмас («т» товуши каби), балки тилнинг олдинги ярми қисмини тўлалигича танглайга тегизиш керак. Шу шайроитдаги ҳавонинг портлашидан мазкур товуш ҳосил бўлади. Бу товуш зарб билан айтилувчи (эмфатик) товуш ҳисобланади ва у ўзидан кейинги, қисман ўзидан олдинги «а», «я» товушини ўзбек тилидаги «о», «ў» товушига, «и», «й» товушларини рус тилидаги «ы», «й» товушларига ўзгартиради. «У» ҳамда «ў» товушига эса таъсир қилмайди. «Т» товуши ёзувда ط ҳарфи ёрдамида шифодаланади. Масалан:

талибун — طَالِب — студент,

матарун — مَطَر — ёмғир,

шаритун — شَرِيط — кассета,

тинун — طِين — лой.

6. «Д» товуши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра эса жаранглидир. Бошқача айтилганда, бу ҳарф «т» товушининг жарангли варианты бўлиб, уни талаффуз қилиш учун тилнинг олдинги қисмини кўчори танглайга қаттиқ тираш лозим. Бу товуш ҳам зарб билан айтилувчи ундош ҳисобланади ва «т» товуши атрофидаги унли товушларда бўладиган сифат

Ўзгаришлари бу товуш яқинида ҳам содир бўлади. «Д» товушини ёзувда ض ҳарфи ифодалайди. Масалан:

дабитун — ضابط — офицер,

маридун — مريض — касал,

миндадатун — منضدة — стол,

байдун — بيض — тухум.

7. «С» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиздир. Бу товушнинг «с» товушидан фарқи шуки, «с» товуши талаффузда ҳаво сирғалиб чиқувчи тирқиш тил учи билан олдинги тишлар орасида ҳосил бўлса, «с» ундоши талаффузда бу тирқиш тилнинг олдинги қисми билан юқори танглай орасида ҳосил бўлади. Шунинг учун «с» товуши анча бўғиқ, хира талаффуз бўлади.

«С» ундоши юқоридаги ундошлар каби зарб билан айтилувчи ундошдир ва унинг ёнидаги унлиларда юқоридаги каби ўзгаришлар содир бўлади. «с» ундошини ёзувда ص ҳарфи ифодалайди. Масалан:

сайдун — صيد — ов,

масйрун — مصير — тақдир,

мисбаҳун — مصباح — лампа,

баҳсун — باص — автобус.

8. «З» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жаранглидир. Бошқача айтганда, «з» товуши «с» товушининг жарангли вари-

антидир. Бу ундош талаффузида тилнинг олдинги қисми ифодари танглайга яқинлашади ва уларнинг орасидаги тир-қиндан ҳаво сирғалиб чиқади. «з» товуши ҳам зарб би-лан ййтилувчи товушдир. «з» товушини ёзувда ظ ҳарфи ифодайди. Масалан:

захрун — ظَهْر — бел,

қаззун — قَظْ — қўпол,

манзарун — مَنْظَر — манзара,

файзун — فَيْظ — ўлим.

§ 4. АРАБ АЛИФБОСИ

Араб алфавитида 28 та ҳарф мавжуд бўлиб, улар қуйидаги тартибга эга:

ا، ب، ت، ث، ج، ح، خ، ذ، ر، ز، س، ش، ص، ض،

ط، ظ، ع، غ، ف، ق، ك، ل، م، ن، ه، و، ي.

Ёзувда мавжуд бўлган ё («та марбута») алоҳида ҳарф шифлида алфавитга кирмаган, чунки у алфавит таркиби-данги ت ҳарфи билан бир хил товушни ифодайди.

§ 5. ТАНВИНЛАР

Араб тилида аксарият сўзлар «-ун», «-ин» ёки «-ан» қўшимчаси билан тугайди. Бу қўшимчалар қуйидаги ҳа-рякатлар ёрдамида ифодаланади:

1. «-ун» қўшимчаси — (танвин дамма) ҳаракати би-лан: байтун — بَيْت — уй,

гурфатун — غُرْفَة — хона,

масжидун — مَسْجِد — масжид.

2. «-ин» қўшимчаси __ (танвин касра) ҳаракати билан:

байтин — بَيْت , гурфатин — غُرْفَة .

3. «-ан» қўшимчаси __ (танвин фатҳа) ҳаракати билан. Бу қўшимча ʾ ҳарфи билан тугаган сўзларга қўшилганида, мазкур ҳаракатнинг ўзи кифоя қилади. Масалан:

гурфатан — غُرْفَةٌ , мактабатан — مَكْتَبَةٌ .

Агар сўз ʾ дан бошқа ҳарф билан тугаган бўлса, сўз охирига ўқилмайдиган ʾ (алиф) ҳарфи, масалан: китабан — كِتَابًا , байтан — بَيْتًا ; айрим сўзларда эса ўқилмайдиган ى ҳарфи қўшиб қўйилади. Масалан: мусташфан — مُسْتَشْفًى , маʼнан — مَعْنًى .

§ 6. ҲАМЗА ТОВУШИ

Араб тилида икки хил ҳамза мавжуд:

1. Қатъий ҳамза, яъни талаффуз қилинадиган ҳамза товуши. هَمْزَةُ الْقَطْعِ — ҳамзату-лқатʼи).

2. Васлалӣ ҳамза, яъни талаффуз қилинмайдиган ҳамза товуши (هَمْزَةُ الْوَصْلِ — ҳамзату-лвасли).

Қатъий ҳамза (ʾ) ҳосил бўлиш ўрнига кўра бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз ундош товушдир. Бу товушнинг талаффузи енгилгина ўтадиган йўталга ўхшаб кетади. У ўзбек тилида мустақил фонема ҳисобланмайди, лекин у талаффузда қисман мавжуд. Ўзбек тилидаги «ака», «ана», «ука» сўзларида сўз олдидаги

«и», «у» товушларидан олдин, «масъулият», «муал-
лиф» сўзларида «с», «у» товушларидан кейин бу то-
вушнинг мавжудлиги сезилади, лекин у ўзбек тилида
маълум бир ҳарф билан ифодаланмайди. Араб тилида
бу ўзига хос мустақил ундош фонемадир. Масалан:
'уммун, зи'бун, шай'ун.

Қатъий ҳамзани ёзувда « (ҳамза) белгиси ифодалайди
ва у баъзан ўзи, баъзан ا.و.ى ҳарфларидан бирининг ус-
тига ёзилади.

Ҳамза белгисининг имлоси:

1. Сўз бошида келган ҳамза товуши имлоси:

1. Ҳамза товушидан кейин «а», «у» унлиси бўлса,
ҳамза (алиф) ҳарфи устига қўйилади ҳамда фатҳа ёки
ҳамма ҳаракати ҳамза устига қўйилади. Масалан:

'уммун — اُم — она, 'аламун — اَلْم — оғриқ.


2. Ҳамза товушидан кейин «и» унлиси бўлса, ҳамза
(илиф) ҳарфининг остига қўйилади ва унинг остига касра
ҳаракати қўйилади: 'ибтун — اِبْتُ — қўлтиқ, 'инсанун —
اِنْسَان — инсон.

3. Ҳамза товушидан кейин «а» унлиси мавжуд бўлса,
ҳамза ва «а» унлисини маддали алиф билдиради. Маса-
лан: 'акала — اَكَل — биргалашиб овқатланмоқ.

4. Ҳамза товушидан кейин «ў», «й» унлилари мав-
жуд бўлса, ҳамза белгиси ا (алиф)нинг устига ёки остига
қўйилади ва кейинги унлиларни ифодалаш умумий қоида
асосида амалга оширилади:

'иманун — اِيْمَان — имон,

'умину — اُومِن — имон келтираман.



II. Сўз ўртасида келган ҳамза имлоси:

1. Ҳамза товуши сўз ўртасида келганида, уни тўғри ёзиш учун икки ёнидаги унлиларга эътибор бериш керак. Бунда унлиларнинг кучлилиги қоида-сига амал қилинади. Бу қоидага мувофиқ, энг кучли унли «и», «й», ундан кучсизи «у», «ў», энг кучсизи «а», «ә» унлиларидир. Ҳамзанинг икки ёнидаги унлилардан қайси бири кучли бўлса, ўшанга мос ҳарф ҳамза остига ёзилиши керак, яъни «и», «й» унлиси бўлса, **ى** ҳарфи, «у», «ў» унлиси бўлса, **و** ҳарфи, «а», «ә» унлиси бўлса, **ا** ҳарфи ҳамза остига ёзилиши керак. Агар ҳамзанинг бир томонида унли товуш бўлиб, иккинчи томонида йўқ бўлса, табиийки, бор унли кучли ҳисобланади. Масалан:

су'ила — سَئِلٌ — сўралмоқ,

су'алун — سَؤَالٌ — савол,

йа'иса — يَئِسَ — афсусланмоқ,

зи'бун — ذَنَبَ — бўри,

са'рун — قَارَ — қасос,

бу'сун — بُؤْسٌ — бахтсизлик.

2. Ҳамзадан олдин «ә» товуши, кейин «а» товуши мавжуд бўлса, ҳамза мустақил ёзилади. Масалан:

са'ала — سَاءَلٌ — биргалашиб сўрамоқ,

қира'атун — قَرَأَتْ — ўқиш.

3. Агар ҳамзадан кейин «ә» товуши бўлиб, олдин «а» товуши бўлса, ёки унли товуш бўлмаса, ҳамза ва ундан кейинги «ә» товушини ифодалаш учун маддали алиф ёзилади. Масалан:

ма'ахизу — مَاخِذٌ — манбалар,

қур'анун — قُرْآن — Қуръон.

III. Сўз охирида келган ҳамза товуши имлоси:

1. Агар ҳамза ундош товушдан ёки чўзиқ унлидан кейин келган бўлса, у мустақил ҳолда ёзилади. Масалан:

ма'ун — ماء — сув,

су'ун — سوء — ёмонлик,

дав'ун — ضوء — нур,

шай'ун — شيء — нарса.

2. Ҳамза қисқа унли товушдан кейин келган бўлса, уша унлига мос ҳарф устига ёзилади. Масалан:

қара'а — قَرَأ — ўқимоқ,

қури'а — قُرِئ — ўқилмоқ,

жару'а — جَرُؤ — журъатли бўлмоқ.

Ҳамзанинг бу имло қоидалари умумий бўлиб, кўп ҳолатларда бунга амал қилинади. Лекин шундай сўзлар ҳам мавжудки, улар истисно сифатида юқоридаги қоидаларга хилоф ҳолда ёзилади. Масалан:

ҳай'атун — هَيْئَة — ҳайъат, ёзилиши керак هَيَاة ,

мас'алатун — مَسْأَلَة — масала, ёзилиши керак مَسَاَلَة ,

мас'улун — مَسْئُول — масъул, ёзилиши керак مَسْوُول .

§ 7. ВАСЛАЛИ ҲАМЗА

Араб тилида айрим сўзлар талаффуз қилинмайдиган (васлали) ҳамза билан бошланади. Васлали ҳамза ёзувда васла ҳаракати билан ا (алиф) ҳарфи ёрдамида (ا) ифодаланади:

аён — ابن — ўғил.
исм — اسم

Васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг бошида турган бўлса ёки бундай сўз алоҳида олинганида, васлали ҳамза ўзидан кейинги бирор қисқа унли билан қатъий ҳамзага айланади. Масалан:

إِسْمٌ — 'исмун,

إِمْرَأَةٌ — 'имра'тун,

إِبْنٌ — 'ибнун,

أَخْرَجَ — 'ухруж — чиқ.

Агар васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг ўртасида ёки охирида турган бўлса, қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

1. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз қисқа унли билан тугаган бўлса, васлали ҳамза ўқилмайди ва иккала сўз қўшиб ўқилади. Масалан:

قَالَ أَخْرَجَ — қала-хруж — «чиқ» деди,

قَالَ ابْنٌ — қала-бнун — ўтил деди:...

2. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз чўзиқ унли билан тугаган бўлса, талаффузда чўзиқ унли қисқа унлига ўзгаради ва васлали ҳамза талаффуз қилинмасдан, ўша унлининг ўзи ўқилади. Масалан:

إِلَى ابْنِ — 'ила-бнин — ўтилга,

فِي اسْمٍ — фи-смин — номда,

لَدَى امْرَأَةٍ — лада-мра'атин — аёлда.

3. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз ундош товуш билан тугаган бўлса, ўша сўз алоҳида турганида, қатъий ҳамзадан кейин қайси унли келган бўлса, ўша унли товуш талаффуз қилинади. Масалан:

قَالَتْ أَخْرَجَ — қалатухруж — аёл «чиқ» деди.

Васлали ҳамзани ифодаловчи **ل** (алиф) ҳарфи сўзлардан ҳеч қачон тушириб қолдирилмайди. Фақат 3 та сўз бундан мустасно:

1. **اللَّهُ** сўзи олдидан **ل** предлоги келганида, **لِلَّهِ** эмас, **لِلّٰهِ** элилади.

2. **إِسْم** сўзи **ب** предлоги билан келиб, ҳаммага маълум бўлган қуйидаги иборада иштирок этганида:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّمَنِ الرَّحِيمِ эмас, балки **بِسْمِ اللّٰهِ**

3. **إِبْنُ** сўзи икки атоқли отнинг ўртасида келганида:

مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ эмас, балки **مُحَمَّدُ اللّٰهِ عَبْدُ**

زَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ эмас, балки **زَيْدُ ثَابِتِ بْنِ**

§ 8. «Ал-» АРТИКЛИДАГИ ҲАМЗАНИНГ ТАЛАФФУЗИ

Араб тилида феъл ва ёрдамчи сўз туркумларидан бошқа кўпчилик сўзларнинг олдидан «ал-» артикли қўшилиб келади. Бу артикл ёзувда **ال** шаклида бўлиб, биринчи ҳарфи васлали ҳамзадир (ал- артиклининг маъноларига кейинроқ тўхталилади). **ال** артиклини олган сўзнинг охиридаги танвин йўқолади. Масалан:

الْأَرْضُ – ер, **أَرْضُ** – ой, **الْقَمَرُ** – қамар.

ال – артиклли сўз гапнинг бошида турса ёки алоҳида олинганида, васлали ҳамза «а» га ўзгаради. Масалан:

الْقَمَرُ – 'алқамару, **الْأَرْضُ** – 'ал'арду.

ال – артиклли сўз гапнинг ўртасида келса ва ундан олдинги сўз қисқа ёки чўзиқ унли билан тугаган бўлса,

бу сўзнинг талаффузи васлали ҳамза билан бошланган бошқа сўзлардан фарқ қилмайди:

مَعَ الْحَبْرِ — ма'а-лҳибри — сиёҳ билан бирга,

فَوْقَ الْأَرْضِ — фавқа-л'арди — ер устида,

إِلَى الْكِتَابِ — ила-лкитаби — китобга,

فِي الْمَدْرَسَةِ — фи-лмадрасати — мактабда.

آل — артиккли сўздан олдинги сўз ундош товуш билан

тугаган бўлса, آل — даги васлали ҳамзанинг талаффузи олдинги сўз охиридаги ундошдан олдинги унли товушга боғлиқ. Агар у «а» бўлса, васлали ҳамза «и», агар «и» бўлса ва у сўз феъл бўлмаса, васлали ҳамза «а», «у» бўлса, васлали ҳамза ҳам «у» ўқилади. Масалан:

مَنْ الْمَرْأَةُ — мани-лмар'ату — аёл ким?

مِنَ الْمَدْرَسَةِ — мина-лмадрасати — мактабдан

هُمُ الْمُفْلِحُونَ — ҳуму-лмуфлиҳуна — нажот топувчилар ўшалардир.

Агар олдинги сўз ундош билан тугаган ва ундошдан олдинги унли «и» бўлса ҳамда бу сўз феълдан иборат бўлса, آل нинг васлали ҳамзаси ҳам «и» ўқилади.

Масалан:

اضْرِبِ الْكَلْبَ — 'идриби-л'калба — итни ур.

Артиклидаги I ҳеч қачон ёзувда тушиб қолмайди.

Фақат сўз олдидан ل предлоги ёки ل юкламаси келганидагина васлали ҳамза ёзилмайди. Масалан:

لِ الْقَلْبِ = ل + الْقَلْبُ — қалб учун, لَا الْقَلْبِ эмас,

لِ الْحَقِّ = ل + الْحَقُّ — чин ҳақиқат, لَا الْحَقِّ эмас.

§ 9. ҚАМАРИЙ ВА ШАМСИЙ ҲАРФЛАР

Араб алифбосидаги 28 ҳарф икки гуруҳга бўлинади:

1. Қамарий ҳарфлар, улар 14 та:

ا، ب، ج، ح، خ، ع، غ، ف، ق، ك، م، ن، و، ي

Булар араб тилида «**الْحُرُوفُ الْقَمَرِيَّةُ**» — 'алҳуруфу-қамариййату» дейилади.

2. Шамсий ҳарфлар, улар ҳам 14 та:

ت، ث، د، ذ، ر، ط، س، ش، ص، ض، ز، ظ، ل، ن

Булар араб тилида «**الْحُرُوفُ الشَّمْسِيَّةُ**» — 'алҳуруфу-шамсиййату» дейилади.

§ 10. «Ал-» АРТИКЛИДАГИ «Л» ТОВУШИНИНГ ТАЛАФФУЗИ

«Ал-» артиклидаги «л» товуши баъзан талаффуз қилинади, баъзан қилинмайди ва бу нарса сўзнинг биринчи ҳарфига боғлиқ:

1. Агар сўз қамарий ҳарф билан бошланган бўлса, «л» товуши тўлиқ талаффуз қилинади. Масалан:

مَدْرَسَةٌ — **الْمَدْرَسَةُ** — 'алмадрасату — мактаб,

هَرَّةٌ — **الْهَرَّةُ** — 'алҳиррату — мушук.

2. Агар сўз шамсий ҳарф билан бошланган бўлса, «л» товуши талаффуз қилинмайди. Унинг ҳисобига биринчи ҳарф бўлган шамсий ҳарф иккилантириб талаффуз қилинади. Ёзувда бу ҳарф устига (ташдид) қарикати қўйилади. Масалан:

شَمْسٌ — **الشَّمْسُ** — 'ашшамсу — қуёш,

دَلْوٌ — **الدَّلْوُ** — 'аддалву — челақ.

Исм ва феъл туркумига кирувчи сўзлар мужской (араб тилида **مذكر** — музаккарун — музаккар — уни биз қисқача «мз» билан ифодалаймиз) ва женский (арабча **مؤنث** — му'аннасун — муаннас — уни «мн» қисқартмаси билан ифодалаймиз) жинсларга, бирлик, иккилик кўплик сонларига эга. Бу категорияларга кейинроқ тўхталилади.

§ 13. КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Араб тилида кишилик олмошлари ёзувдаги ҳолатига кўра ажратиб ёзилувчи (**الضَّائِرُ الْمُنْفَصِلُ** — 'аддам'иру-лмунфа'силату) ва у ёки бу сўзга қўшиб ёзилувчи (**الضَّائِرُ الْمُتَّصِلُ** — 'аддам'иру-лмуттасилату) олмошларига бўлинади.

Ажратиб ёзилувчи кишилик олмошлари бош келишикда келган кишилик олмошларини билдиради ва шахс-сонда қуйидагича турланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	هُوَ ҳува	هُمَا ҳумā	هُمْ ҳум
	мн	هِيَ ҳийа	هُمَا ҳумā	هُنَّ ҳунна
II	мз	أَنْتَ 'анта	أَنْتُمَا 'антума	أَنْتُمْ 'антум
	мн	أَنْتِ 'анти	أَنْتُمَا 'антума	أَنْتُنَّ 'антунна
I		أَنَا 'ани		نَحْنُ нахну

§ 14. КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Араб тилидаги кўрсатиш олмошларининг ўзига хослиги шундаки, у қайси предметни кўрсатиб келса, ўша предметнинг жинсига, сонига, одамни ёки бошқа предметни билдирувчи сўз эканлигига қараб ўзгаради.

Кўрсатиш олмошлари икки хилдир:

1. Яқиндаги предметга нисбатан қўлланадиган кўрсатиш олмошлари. Булар ўзбек тилидаги «бу», «шу», «мана бу», «манави», «мана шу» сўзларига тўғри келади. Бу олмошлар кўрсатилувчи предметнинг жинси ва сонига қараб, қуйидаги вариантларда қўлланилади:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик		
			одам	учун	одамдан бошқа пр.
м.э	هَذَا хазза	هَٰذَان хаззани	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и
м.п	هَٰؤُلَاءِ хаззани	هَٰؤُلَاءِ хаззани	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и	هَٰؤُلَاءِ хд'ула'и

Масалан:

هَٰذَا الْكِتَابُ — бу китоб..., هَٰذَا الْمَجَلَّةُ — бу журнал....

2. Ўзоқдаги предметга нисбатан қўлланадиган кўрсатиш олмошлари. Булар ўзбек тилидаги «у», «ўша», «ана уша», «анави» каби сўзларга тўғри келади ва улар қуйидаги вариантларга эга:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик		
			одам	учун	одамдан бошқа пр.
м.э	ذَلِكَ заликка	ذَٰلِكَ залика	أُولَٰئِكَ 'ула'и	أُولَٰئِكَ 'ула'и	تِلْكَ тилка
м.п	تِلْكَ тилка	تِلْكَ тилка	أُولَٰئِكَ 'ула'и	أُولَٰئِكَ 'ула'и	تِلْكَ тилка

Масалан:

ذَٰلِكَ الْكِتَابُ — ўша китоб..., تِلْكَ الْمَجَلَّةُ — ўша журнал....

Тарихий китобларда ذَٰلِكَ, تِلْكَ — олмошлари تَٰكَ, تَٰك — шаклида ҳам учрайди.

Кўрсатиш олмошлари келишикда турланмайди.

§ 15. АНИҚЛИК — НОАНИҚЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Нутқ давомида гап баъзан сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган предмет ёки шахс ҳақида бориши мумкин. Баъзан мавзу умуман номаълум шахс ёки предмет ҳақида бўлиши ҳам мумкин. Агар гап олдиндан маълум бўлган предмет ёки шахс ҳақида бўлса, ўша предмет ёки шахсни билдирган сўз аниқ ҳолатда ҳисобланади ва у араб тилида **ال** артикли билан бошланади ҳамда, табиийки, охири танвин қўшимчасисиз тугайди. Масалан:

الرَّجُلُ — маълум одам, الْمَدْرَسَةُ — маълум мактаб.

Агар сўз гапирувчи ва тингловчига номаълум бўлган предмет ёки шахсни билдирса, у ноаниқ ҳолатда ҳисобланади ва **ال** артиклисиз, танвин қўшимчаси билан ёзилади. Масалан:

رَجُلٌ — номаълум одам, مَدْرَسَةٌ — номаълум мактаб.

Демак, **ال** қўшимчаси аниқлик артикли ҳисобланади ва у олдиндан маълум бўлган сўз олдига қўйилади.

Дунёда ягона бўлган предметни ифодаловчи сўзлар ҳар доим аниқлик артикли билан ишлатилади. Масалан:

الشَّمْسُ — Қуёш, الْقَمَرُ — Ой, الْأَرْضُ — Ер.

Араб тилидаги деярли барча отларни юқоридаги усул билан аниқ ёки ноаниқ ҳолатда ифодалаш мумкин. Лекин яна шундай сўзлар ҳам мавжудки, улар аниқлик артиклини қабул қилмайди, бироқ доим аниқ ҳолатда ҳисобланади. Булар қуйидаги сўзлардир:

1. Танвин билан тугайдиган киши номлари:

مُحَمَّدٌ — Муҳаммад, سَلِيمٌ — Салим, نُوحٌ — Нух, هِنْدٌ —

Ҳинд, سَعَادٌ — Суод.

2. Танвин билан тугамайдиган киши номлари:

أَحْمَدُ – Аҳмад, يَزِيدُ – Язид, يُوسُفُ – Юсуф, زَيْنَبُ –
Зайнаб, إِبْرَاهِيمُ – Иброҳим, فَاطِمَةُ – Фотима, خَدِيجَةُ –
Хадиджа.

3. Танвин олмайдиган географик номлар:

مِصْرُ – Миср, دِمَشْقُ – Дамашқ, بَغْدَادُ – Бағдод, مَكَّةُ –
Макка, تُونِسُ – Тунис, دَجَلَةُ – Тигр (дарё).

4. Кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари:

نَحْنُ – биз, هُمْ – улар (мз), هَذَا – бу (мз), تِلْكَ – ўша.

§ 16. ОТЛАРДА ЖИНС КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида отлар икки жинсга – музаккар ва муаннасга ажралади. Муаннас жинсининг грамматик белгиси сўз охиридаги -атун, -ату қўшимчасидир. Ушунда **ا** (та марбута) ҳарфи билан ифодаланади:

غُرَّةٌ – хона, الْمَدِينَةُ – шаҳар,
مَكْتَبَةٌ – кутубхона, الْقَرْيَةُ – қишлоқ.

Шунингдек, **ا** – а'у қўшимчаси билан тугаган ҳамда **ي** – а қўшимчаси билан тугаган сўзлар, агар **ي** ҳарфи ўшанг таркибига кирмаса, муаннас сўз ҳисобланади. Масалан:

صَعْرًا – саҳро, ذِكْرِي – хотира, حُبْلِي – оғироеқ.

Бошқа товуш (ҳарф) билан тугаган сўзлар музаккар жинс ҳисобланади. Масалан:

كِتَابٌ – китоб, بَابٌ – эшик, سَفْتُ – шифт, بَيْتٌ – уй.

Араб тилида яна шундай сўзлар мавжудки, уларнинг жинси грамматик белгига эмас, шу сўзнинг мазмунига қараб белгиланади:

1. **ё** — та марбута ҳарфи билан тугаган сўз эркак зотини билдирса ёки эркак кишига қўйилган исм бўлса, бу сўз музаккар сўз ҳисобланади. Масалан:

خَلِيفَةٌ — халифа, قَتَادَةٌ — Қатода,

حَمَزَةٌ — Ҳамза, طَلْحَةٌ — Талҳа.

2. Муаннаслик грамматик белгиси бўлмаган қуйидаги сўзлар муаннас ҳисобланади:

а) аёл кишини ёки аёлларнинг исмини билдирувчи сўзлар:

أُمٌّ — она, عَرُوسٌ — келинчак, زَيْنَبٌ — Зайнаб, بِنْتُ — қиз,

سُعَادٌ — Суод, وَدَادٌ — Вудод.

б) танадаги жуфт аъзоларни билдирувчи сўзлар:

عَيْنٌ — кўз, يَدٌ — қўл, أُذُنٌ — қулоқ, رَجُلٌ — оёқ.

в) аниқлик артиклини олмайдиган ва танвин қўшимчаси билан тугамайдиган географик номлар:

مِصْرٌ — Миср, بَصْرَةٌ — Басра,

بَغْدَادٌ — Багдод, طَرَابَلُسٌ — Триполи.

г) шамол, олов, уруш, қуёш каби сўзлар:

شَمْسٌ — қуёш, سَمُومٌ — шамол тури, نَارٌ — олов, حَرْبٌ — уруш, **ё** — та
қуёш, أَرْضٌ — ер, بَيْتٌ — қудуқ.

3. Бундан ташқари **ё** — та марбута билан тугамаган айрим отлар ҳар иккала жинсда ишлатилиши мумкин. Масалан:

قَرَسٌ — от, كَيْدٌ — жигар,

قَوْسٌ — ёй (қурол), مِلْحٌ — туз.

Араб тилида одамларнинг касб-ҳунари, мансаби, мавқеини, қариндошлик муносабатларини билдирувчи бир қатор музаккар отлар борки, уларнинг охирига **ё** — та

марбута ҳарфини қуйиш билан шу сўзларнинг муаннас
варианти ҳосил қилинади. Масалан:

طِفْلٌ -- гўдак бола, طِفْلَةٌ -- гўдак қиз,
تَلْمِذٌ -- ўқувчи бола, تَلْمِذَةٌ -- ўқувчи қиз,
طَالِبٌ -- студент йигит, طَالِبَةٌ -- студент қиз,
شَاعِرٌ -- шоир, شَاعِرَةٌ -- шоира,
حَالٌ -- тоға, حَالَةٌ -- хола,
مُهَنْدِسٌ -- эркак инженер, مِهْنَدِسَةٌ -- аёл инженер,
طَبِيبٌ -- эркак врач, طَبِيبَةٌ -- аёл врач.

§ 17. СЎЗ ЎЗАГИ ВА ЎЗАК ТУРЛАРИ

Араб тилида сўзнинг ўзаги ундош товушлардангина
иборат бўлади. Ўзакни ташкил этувчи ундош товушлар
ўзак ундошлар дейилади. Ўзак ундошлар сўздаги умумий
маънони ифодалайди. Ўзак ундошларнинг олдига,
орасига, орқасига унли ва ноўзак ундошларнинг
қўшилишидан сўз ҳосил бўлади. Масалан:

كَتَبَ -- катаба -- ёзди (мз),
يَكْتُبُ -- йактубу -- ёзади (мз),
كَاتِبٌ -- катибун -- ёзувчи,
مَكْتُوبٌ -- мактубун -- ёзилган нарсa,
كِتَابٌ -- китабатун -- ёзиш,
كِتَابٌ -- китабун -- китоб,
مَكْتَبٌ -- мактабун -- ёзув столи,
مَكْتَبَةٌ -- мактабатун -- кутубхона,
كُتُبٌ -- кутубун -- китоблар.

Бу сўзларнинг барчасида иштирок этган ва умуман

«ёзув» маъносини ўзига сингдирган товушлар к, т, б ундош товушларидир. Демак бу сўзларнинг ҳаммаси учун ўзак умумий бўлиб, у «ктб»дир. К, т, б ундошлари ўзак ундошлардир. Шунга ўхшаш «хрж» ўзаги «чиқув», «дхл» ўзаги «кирув», «дрс» ўзаги «ўрганув» маъноларини ифодаловчи ўзаклардир.

Ўзаклар кўпинча араб тилида икки ундошли (масалан: يَدٌ — «йд», قَمٌ — «фм»), уч ундошли (масалан: صَبْرٌ — «сбр», طَالِبٌ — «тлб»), тўрт ундошли (масалан: تَرْجَمَةٌ — «тржм», دَخَرَجٌ — «дхрж»), беш ундошли (масалан: سَفَرَجَلٌ — «сфржл», عَنْدَكَيْبٌ — «ндлб») бўлиши мумкин. Феъллар эса фақат уч ва тўрт ундош ўзакдан иборат бўлади.

Бу ўзак турлари ичида энг кўп тарқалгани уч ундошли ўзаклардир.

Ўзакни ташкил этувчи ундошларнинг характерига боғлиқ ҳолда ўзаклар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Иккиланган ўзак. Иккинчи ва учинчи ундошлари бир хил товушдан иборат бўлган ўзак иккиланган ўзак дейилади. Масалан:

سِرٌ — сиррун — сир → «срр»,

مَادَّةٌ — маддатун — модда → «мдд».

2. Ҳамзали ўзак. Таркибида ҳамза товуши мавжуд бўлган ўзак ҳамзали ўзак дейилади. Масалан:

قِرَاءَةٌ — қира'атун → «қр'»,

إِيمَانٌ — 'иманун → «'мн»,

مَسْئَلَةٌ — мас'алатун → «с'л».

3. Заиф ўзак. Таркибида و, ي, ёки улар ўрнида келувчи ا (алиф) ҳарфи мавжуд бўлган ўзак заиф ўзак дейилади. Масалан:

قَوْل — қавлун —> «қвл»,

يَسَار — йасарун —> «йср»,

مَدَار — мадарун —> «двр».

4. Солим ўзаклар. Юқоридаги ҳар уч банд хусусиятлари йўқ бўлган, ҳаммаси ҳар хил товушлардан иборат бўлган ўзак солим ўзак дейилади. Масалан:

غَرِيق — гарйқун —> «грқ»,

مُسْلِم — муслимун —> «слм».

Баъзан бир ўзак ҳам иккиланган, ҳам ҳамзали (أُم — 'уммун —> «'мм»), ҳам ҳамзали, ҳам заиф (إِيَاء — 'итя'ун —> «'тй»); ҳам иккиланган, ҳам заиф (وَدَاد — 'идадун —> «вдд») бўлиши ҳам мумкин.

Сўзларнинг ўзагини аниқлаш араб тилида алоҳида ҳалмият касб этади. Чунки кўпчилик лугатларда сўзлар ўзак эътибори билан алфавит тартибида бўлади.

§ 18. НОЎЗАК ҲАРФЛАР

Юқорида айтганимиздек, сўз ўзак ундошлар ҳамда ўзак таркибига кирмайдиган унли ва ундош товушлар мажмуидан иборат бўлади. Араб тилида ўзак таркибига кирмайдиган унли ва ундошларни ифодаловчи ҳарфлар 10 та. Улар ноўзак ҳарфлар дейилади: ت، ن، س، ا، و، ء، ل، ي، م.

Бу ҳарфларни ёдда сақлашни енгиллатиш мақсадида улар иштирокида гап тузилган — 'الْيَوْمَ تَنَسَاءُ — 'алйавма тансаҳу — «сен бугун уни унутасан». Бу жумладаги ي، و ҳарфлари ундош товушларни ифодалаганда ҳам, чўзиқ унлиларни ифодалаганда ҳам ноўзак бўлиши мумкин.

Шунингдек ت ҳарфи ې ҳарфини ҳам билдиради. Демак, сўз таркибида учраган шу 10 ҳарф ўзак ҳарф ҳам, ноўзак ҳарф ҳам бўлиб келиши мумкин. Масалан: مَحْكُومٌ — маҳкумун сўзидаги биринчи م ноўзак, иккинчи م ўзак ҳарфдир. Шунингдек, مَوْلُودٌ — мавлудун сўзидаги биринчи و ўзак ҳарф, иккинчи و ноўзак ҳарфдир.

Сўз таркибида юқоридаги 10 та ҳарфдан бошқа ҳарфлар мавжуд бўлса, у албатта ўзак ҳарф ҳисобланади. Масалан: ضابطٌ дабитун сўзида ط, ب, ض ўзак ҳарфлар, ا (алиф) ноўзак ҳарф, مُسْتَشْرِقٌ — мусташриқун сўзида ق, ش ўзак ҳарфлар, م, س, ت ноўзак ҳарфлар ҳисобланади.

Сўз таркибидаги ҳарфларни ўзак ва ноўзакларга ажратиш анча мураккаб масаладир. У маълум даражада тажриба, араб тили морфологиясидан билим талаб қилади. Иккинчи томондан, сўздаги ҳарфларни бундай таҳлил қила билишнинг катта аҳамияти бор. Сўзнинг морфологик таркибини ўрганиш, унинг вазнини аниқлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Сўз ясалишидаги кўпчилик грамматик категориялар эса, ўзининг маълум вазнига эга.

§ 19. СЎЗ ВАЗНЛАРИ

Ҳар бир грамматик категория араб тилида ўзининг вазн деб аталмиш муайян шакли — моделига эга. Араб тилшунослари вазнга асос қилиб ف, ع, ل ҳарфларини олишган. Бунда ف ҳарфи биринчи ўзак ундошни, ع ҳарфи иккинчи ўзак ундошни, ل ҳарфи эса учинчи ўзак ундошни ифодалайди. Агар сўз тўрт ёки беш ундошли

Ҳикдан иборат бўлса, тўртинчи ва бешинчи ундошларни ифодалаш учун ҳам **ل** ҳарфи олинади.

V Ёки бу сўзнинг вазнини аниқлаш учун ўша сўзнинг вазнини аниқлаш ва улар ўрнига тартибни бузмаган ҳолда **ل** ҳарфларини қўйиш керак. Бунда ҳаракатлар ва ноўзак ҳарфлар ўзгартирилмасдан ўз ўрнида қолаверади. Масилан, **طالِب** сўзида биринчи ундош **ط** бўлиб, уни **ف** билан алмаштирилади. Иккинчи ўзак ундош **ل** бўлиб, у **ع** билан ва учинчи ўзак ундош **ب** бўлиб, у **ل** билан алмаштирилади. «Фатҳа», «касра», «танвин дамма» ҳаракатлари, шунингдек ноўзак ҳарф **ا** (алиф) ўзгаришсиз қолади:

فَاعِلٌ > طالِبٌ

Демак, **طالِب** сўзининг вазни **فَاعِلٌ** экан. Шунингдек, **مَجْلِسٌ** сўзининг вазни **مَفْعُولٌ**, **مَكْتُوبٌ** сўзининг вазни **مَفْعُولٌ**, **مُتَرْجِمٌ** сўзининг вазни **مُسْتَفْعَالٌ** дир.

Араб тилидаги сўзларнинг кўпчилиги уч ундошли бўлган феъллардан турли вазнлар асосида шаклланиб кетган. Бу сўзларнинг морфологик таркибини ўрганиш учун сўзларнинг вазнини билиш катта аҳамиятга эга.

§ 20. ОТ КЕСИМЛИ ГАП

Кесими феълдан бошқа сўз туркумидан ифодаланган гап от кесимли гап дейилади («Маҳмуд студентдир», «Бу журналдир», «Сен тўқувчи қизсан» каби).

Араб тилида от кесимли гапларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Гапнинг эгаси олдин, кесими кейин келади.

2. Гапнинг эгаси аниқ ҳолатда, кесими ноаниқ ҳолатда келади:

أَنَا طَالِبٌ — Мен студентман,

هَذَا كِتَابٌ — Бу китобдир.

3. Гапнинг кесими жинси ўзгариши мумкин бўлган сўздан иборат бўлса, эганинг жинсига мослашади. Масалан:

أَحْمَدُ مُهَنْدِسٌ — Аҳмад инженердир,

فَاتِمَةُ مُهَنْدِسَةٌ — Фотима инженердир.

أَنَا مُدْرِسٌ — Мен ўқитувчи (эркак)ман,

أَنَا مُدْرِسَةٌ — Мен ўқитувчи (аёл)ман.

4. Гапнинг эгаси кўрсатиш олмошидан иборат бўлса, у кесимнинг жинсига мос вариантда келади. Масалан:

هَذَا بَيْتٌ — Бу уйдир,

هَذِهِ غُرْفَةٌ — Бу хонадир,

ذَلِكَ كِتَابٌ — Ўша (наrsa) китобдир,

تِلْكَ مَجَلَّةٌ — Ўша (наrsa) журналдир.

5. Ўзбек тилидаги кесимга қўшилиб келувчи боглама (-дир) араб тилида ишлатилмайди.

6. Гапнинг эгаси юқори, кесими паст интонация билан талаффуз қилинади. Бошқача айтганда, интонация гап охирига бориб пасаяди:

مُحَمَّدٌ فَلَاحٌ — Муҳаммад деҳқондир.

§ 21. ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида отлар уч грамматик сонга эга: бирлик, иккилик ва кўплик сонлар.

Ҳолирча биз кўрган сўзлар бирлик сондаги сўзлар бўлиб, у иккилик ва кўплик соннинг ҳосил бўлиши учун асос қисобланади.

§ 22. ОТЛАРДА ИККИЛИК СОН

Грамматик иккилик сон гап икки предмет ёки воқеа ҳолати ҳақида кетганида ишлатилади ва у қуйидагича шаклланади:

1. Сўз охиридаги танвин дамма ўрнига **اَن** — ани қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

اَيْتَان — иккита уй,

شَارِعَان — иккита кўча.

2. Аниқлик артикли қўшилиб келган сўзларда ҳам бу қўшимча ўзгармайди:

اَلشَّارِعَان — **اَلشَّارِعُ**, **اَلْاَيْتَان** — **اَلْاَيْتُ**.

3. «Та марбута» билан тугаган сўзлар иккилик сонда бўлганда, та мамдудага ўзгаради. Масалан:

جَرِيدَتَان — иккита газета,

اَلْمَجَلَّتَان — иккита журнал.

4. **اَو** — ҳарфлари билан тугаган сўзлардан **•** белгиси

ўрнига **وَ** — ва ни қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

صَحْرَاوَان — иккита саҳро.

5. Айрим икки ундошли ўзақдан иборат сўзлардан ҳам **وَ** қўшимчасини қўшиш воситасида. Масалан:

أَخَوَانٍ -> أَخ - икки ака-ука,

أَبَوَانٍ -> أَب - ота-она.

Бундай сўзларнинг айримларидан эса умумий қоида асосида:

يَدَانٍ -> يَد - иккита қўл,

قَمَانٍ -> قَم - иккита оғиз.

6. йани - يَان - қўшимчаси билан тугаган сўзлардан қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

مُسْتَشْفِيَانٍ -> مُسْتَشْفَى - иккита шифохона,

مَعْنِيَانٍ -> مَعْنَى - икки маъно.

§ 23. ОТЛАРДА КЎПЛИК СОН

Араб тилида кўплик сон гап иккидан ортиқ предмет ёки воқеа-ҳодиса тўғрисида кетганида ишлатилади. Кўплик сон ўзининг морфологик хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1. Тўғри кўплик (جَمْعٌ سَالِمٌ - жам'ун салимун).

2. Синиқ кўплик (جَمْعٌ مُكْسَرٌ - жам'ун мукассарун).

§ 24. ТЎҒРИ КЎПЛИК

Сўзнинг охирига маълум қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўладиган кўплик тўғри кўплик дейилади. Тўғри кўплик қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Касб-ҳунар, мансаб, қариндош-уруғчилик муносабатини билдирувчи музаккар сўзлардан охиридаги танвинни олиб ташлаб, وَن - уна қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

مُهَنْدِسُونَ -> مُهَنْدِس - эркак инженерлар,

فَلَاحُونَ -> فَلَاح - эркак деҳқонлар.

Ал артикли билан келган сўзлардан ҳам юқоридаги қўшимча ёрдамида шаклланади. Масалан:

الْفَلَاحُونَ -> الْفَلَاحُ, الْمُهَنْدِسُونَ -> الْمُهَنْدِسُ

2. Бу қўшимча ёрдамида баъзан эркак кишини билдирмайдиган сўзлардан ҳам кўплик ҳосил бўлади. Масалан:

سِنُونَ -> سَنَ - йиллар.

3. Касб-ҳунар, мансаб, қариндош-уруғчилик муносабатини билдирувчи муаннас сўзлардан -атун қўшимчасини олиб ташлаб, -атун қўшимчасини қўйиш билан. Масалан:

طَالِبَاتٌ -> طَالِبَةٌ - студент қизлар,

تَلْمِيذَاتٌ -> تَلْمِيذَةٌ - ўқувчи қизлар.

4. Бундай кўпликдаги сўзлар аниқ ҳолатда бўлса, танвин қўшимчасисиз ёзилади. Масалан:

التَّلْمِيذَاتُ -> التَّلْمِيذَاتُ, الطَّالِبَاتُ -> الطَّالِبَاتُ

5. Айрим жонсиз предмет ёки абстракт тушунчани билдирувчи сўзлардан ҳам шу йўсинда кўплик ҳосил бўлади. Масалан:

اِنْتِقَاضَاتٌ -> اِنْتِقَاضٌ - қўзғолонлар,

مُظَاهَرَاتٌ -> مُظَاهَرَةٌ - намоишлар.

6. Одамни билдирмайдиган айрим музаккар сўзлардан ҳам шу йўсинда кўплик ҳосил қилинади. Масалан:

اِعْلَانَاتٌ -> اِعْلَانٌ - эълонлар,

امْتِحَانَاتٌ -> امْتِحَانٌ - имтиҳонлар.

§ 25. СИНИҚ КЎПЛИК

Сўзнинг ўзагини ташкил этувчи ундошлар орасидаги унлиларнинг ўзгариши, ноўзак ундошларнинг кириши, умуман, сўз ички таркибининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи кўплик синиқ кўплик дейилади. Масалан:

— **أَنَاسٌ** -> **إِنْسَانٌ**, китоблар, — **كُتُبٌ** -> **كِتَابٌ** одамлар.

Синиқ кўплик ҳар бир сўздан ўзига хос вазнда ҳосил бўлади. Бу вазнлар анчагина бўлиб, уларни маълум қоида асосида тартибга солиб бўлмайди. Бирлик сонда бир хил вазнда бўлган сўзнинг кўплиги ҳар хил вазнда бўлиши ёки бирликда ҳар хил вазнда бўлган сўзларнинг кўплиги бир хил вазнда бўлиши мумкин. Араб тилида синиқ кўпликнинг энг кўп учрайдиган вазнлари қуйидагилардир:

- | | | | |
|----------------------|--------------------|----------------------|--------------|
| 1. أَفْعَالٌ | — قَلَمٌ | —> أَقْلَامٌ | — қаламлар, |
| | — نَهْرٌ | —> أَنْهَارٌ | — дарёлар. |
| 2. فُعُولٌ | — طَيْرٌ | —> طُيُورٌ | — қушлар, |
| | — قَلْبٌ | —> قُلُوبٌ | — юраклар. |
| 3. فِعَالٌ | — رَجُلٌ | —> رِجَالٌ | — одамлар, |
| | — جَمَلٌ | —> جِمَالٌ | — туялар. |
| 4. فُعْلٌ | — رَسُولٌ | —> رُسُلٌ | — элчилар, |
| | — مَدِينَةٌ | —> مَدَنٌ | — шаҳарлар. |
| 5. فُعَالٌ | — طَالِبٌ | —> طُلَّابٌ | — талабалар, |
| | — كَاتِبٌ | —> كُتَّابٌ | — ёзувчилар. |
| 6. أَفْعَلَةٌ | — مَتَاعٌ | —> أَمْتَعَةٌ | — матоқлар, |
| | — رَغِيفٌ | —> أَرْغِفَةٌ | — обинонлар. |

7. فَعْلٌ	- غُرْفَةٌ	- غُرْفٌ ->	- хоналар,
	خُلْسَةٌ	خُلْسٌ ->	- ганимат пайтлар.
8. فَعَالِلٌ	- جَرِيدَةٌ	- جَرَانْدٌ ->	- газеталар,
	رِسَالَةٌ	رَسَائِلٌ ->	- мактублар.
9. فَوَاعِلٌ	- قَاعِدَةٌ	- قَوَاعِدٌ ->	- қоидалар,
	عَامِلَةٌ	عَوَامِلٌ ->	- омиллар.
10. أَفْعُلٌ	- لِسَانٌ	- أَلْسُنٌ ->	- тиллар,
	بَحْرٌ	أَبْحَرٌ ->	- денгизлар.
11. فُعْلَاءٌ	- خَلِيفَةٌ	- خُلَفَاءٌ ->	- халифалар,
	أَمِيرٌ	أَمْرَاءٌ ->	- амрлар.
12. أَفْعِلَاءٌ	- قَرِيبٌ	- أَقْرَبَاءٌ ->	- қариндошлар,
	وَكِيٌّ	أَوْلِيَاءٌ ->	- авлиёлар.
13. فُعْلَانٌ	- بَلَدٌ	- بُلْدَانٌ ->	- ўлкалар,
	قَضِيبٌ	قُضَبَانٌ ->	- таёқлар.
14. فُعَالِلٌ	- تَرْجَمَةٌ	- تَرَاجِمٌ ->	- таржималар,
	دَسْكَرَةٌ	دَسَاكِرٌ ->	- қишлоқлар.
15. مَفَاعِلٌ	- مَنَظَرٌ	- مَنَاطِرٌ ->	- манзаралар,
	مَجْلِسٌ	مَجَالِسٌ ->	- йиғинлар.
16. فَعَالِلٌ	- سُلْطَانٌ	- سُلَاطِينٌ ->	- подшоқлар.
	عَصْفُورٌ	عَصَافِيرٌ ->	- чумчуқлар.
17. مَفَاعِلٌ	- مِفْتَاحٌ	- مَفَاتِيحٌ ->	- калитлар,
	مِسْكِينٌ	مَسَاكِينٌ ->	- бечоралар.

18. $\text{مَرْضَى} \rightarrow \text{مَرِيضٌ}$ — беморлар,
 $\text{مَوْتِي} \rightarrow \text{مَيِّتٌ}$ — ўликлар.
 19. $\text{مَوَايَا} \rightarrow \text{مَزَيَّةٌ}$ — хусусиятлар,
 $\text{هَدَايَا} \rightarrow \text{هَدِيَّةٌ}$ — совгалар.

Араб тилида камроқ учрайдиган бошқа вазндаги кўплик ҳам учраб туради.

Бу кўпликларни охиридаги қўшимчасига қараб, уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Танвин қўшимчаси билан тугайдиган кўплик вазнлари:

... نَعَالٌ، أَفْعَالٌ، فُعْلٌ، فُعُولٌ، أَفْعُلٌ

2. Танвин қўшимчаси билан тугамайдиган кўплик вазнлари:

مَقَاعِلٌ، فَعَالِلٌ، مَقَاعِلٌ، فَعَالِلٌ، فَوَاعِلٌ، فَعَالِلٌ

3. Алиф ёки алиф мақсура билан тугайдиган кўплик вазнлари:

فَعَالَا، فَعَالِي، فَعَلِي

Булар келишикларда турланганида ҳар хил қўшимчалар қабул қилади. Шунинг учун буларга кўпроқ эътибор бериш керак.

Юқорида айтганимиздек, синиқ кўпликнинг шаклланишида маълум қонуният йўқ. Шу сабабли ҳар бир сўз ўзининг кўплик вазни билан бирга ўрганилгани мақсадга мувофиқдир.

§ 26. СИФАТ

Предметнинг белгисини билдирувчи бу сўз туркуми араб тилида асосан уч ундош ўзакли сўзлардан иборатдир. Сифатлар ҳам отлар каби музаккар ва муаннас жинсларга, бирлик, иккилик, кўплик сонларга эга. Си-

сифатдаги бирлик, иккилик сонларнинг ҳосил бўлиш усули оғавдан фарқ қилмайди. Сифатнинг кўплик шакли одатда у одамларнинг белгисини билдириб келганида ишлатилмайди.

Ариб тилида сифатларнинг 20 дан ошиқ вазни мавжуд. Шулардан қуйидаги ўнтаси энг кўп учрайдиган наслардир:

	Вазнлар				Мисоллар
	мз	мн			
1	فَاعِلٌ	فَاعِلَةٌ	بَارِدٌ -	بَارِدَةٌ	— совуқ,
			حَامِضٌ -	حَامِضَةٌ	нордон.
2	فَعِيلٌ	فَعِيلَةٌ	كَبِيرٌ -	كَبِيرَةٌ	катта,
			طَوِيلٌ -	طَوِيلَةٌ	узуң.
3	فُعْلٌ	فُعْلَةٌ	صَلْبٌ -	صَلْبَةٌ	қаттиқ,
			مُرٌّ -	مُرَّةٌ	аччиқ.
4	فَعِلٌ	فَعِلَةٌ	تَعِبٌ -	تَعِيبَةٌ	чарчоқ,
			عُشْنٌ -	عُشْنَةٌ	дағал.
5	فُعْلٌ	فُعْلَةٌ	صَغْبٌ -	صَغْبَةٌ	қийин,
			بَخْسٌ -	بَخْسَةٌ	арзон.
6	فَعَلٌ	فَعَلَةٌ	حَسَنٌ -	حَسَنَةٌ	яхши,
7	فُعِيلٌ	فُعِيلَةٌ	جَيِّدٌ -	جَيِّدَةٌ	яхши.
			لَيِّنٌ -	لَيِّنَةٌ	юмшоқ.
8	فُعُولٌ	فُعُولَةٌ	جَسُورٌ -	جَسُورَةٌ	жасур,
			رَأُوفٌ -	رَأُوفَةٌ	раҳмдил.
9	أَفْعَلٌ	أَفْعَلَةٌ	أَبْيَضٌ -	أَبْيَضَةٌ	оқ,
			أَعْرَجٌ -	أَعْرَجَةٌ	оёқсиз.
10	فُعْلَانٌ	فُعْلَانِي	طَمَانٌ -	طَمَانِي	чанқоқ,
			عَطْشَانٌ -	عَطْشَانِي	ташна.

Жадвалдан кўриниб турибдики, **فَعُولٌ** вазнидаги сифат музаккар ва муаннас жинсда ўзгармайди.

Бу вазнлар ичида энг кўп учрайдигани **فَعِيلٌ** ва **فَعِلٌ** вазнларидир. Қолганлари нисбатан камроқ учрайди.

Буларнинг ичида **أَفْعَلٌ** (мн. **أَفْعَالٌ**) вазни танвин қўшимчасини қабул қилмайди. Бу вазндаги сифатлар асосан рангни ва жисмоний хусусиятни ифодаловчи сифатлардир. Масалан:

أَخْضَرٌ — зангор,

أَحْمَرٌ — қизил,

أَهْدَبٌ — узун киприкли,

أَشْهَلٌ — кўккўз.

Бу сифатларнинг кўплиги синиқ кўплик вазнидадир.

§ 27. АНИҚЛОВЧИ

Араб тилида аниқловчилар ўзининг морфологик хусусиятларига кўра икки турга бўлинади:

1. Мослашган аниқловчи.

2. Мослашмаган аниқловчи.

Аниқловчилар аниқлаб келаётган от аниқланмиш дейилади.

§ 28. МОСЛАШГАН АНИҚЛОВЧИ

Мослашган аниқловчи одатда предметнинг белгисини билдирувчи сифатловчи аниқловчидир. Мослашган аниқловчи кўпинча аслий ёки нисбий сифатлардан, тартиб сонлардан, аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлардан, кўрсатиш олмошларидан ва бошқалардан ифодаланади.

Агар мослашган аниқловчи сифат, тартиб сон, сифатдош билан ифодаланган бўлса, аниқланмишдан кейин келади ва у билан тўрт жиҳатда мослашади:

1. Жинсда, яъни аниқланмиш қайси жинсда бўлса, аниқловчи ҳам ўша жинсда бўлади. Масалан:

بَيْتٌ جَدِيدٌ — янги уй,

مَدِينَةٌ جَمِيلَةٌ — чиройли шаҳар,

بَابٌ قَدِيمٌ — эски эшик,

يَدٌ طَوِيلَةٌ — узун қўл.

2. Сонда, яъни аниқланмиш қайси сонда бўлса, аниқловчи ҳам ўша сонда бўлади. Масалан:

بَيْتَانِ جَدِيدَيْنِ — иккита янги уй — **بَابَانِ قَدِيمَيْنِ** иккита эски эшик,

الطَّلَابُ الْمُجْتَهِدُونَ — тиришқоқ ўқувчи талабалар.

3. Келишиқда, яъни аниқланмиш қайси келишиқда бўлса, аниқловчи ҳам ўша келишиқда бўлади. Масалан, **دَرْسٌ كَبِيرٌ** — осон дарс, **مَدِينَةٌ كَبِيرَةٌ** — катта шаҳар.

Ислатма. Араб тилидаги келишиқлар масаласига келинмишроқ муфассал тўхталинади. Ҳозиргача учраган мисолларнинг барчаси бош келишиқдадир.

4. Ҳолатда, яъни аниқланмиш аниқ ҳолатда бўлса, аниқловчи ҳам аниқ ҳолатда бўлади ёки аксинча. Масалан:

تَلْمِيزٌ مَّالِلٌ — (номаълум) ақлли ўқувчи,

طِفْلَةٌ صَغِيرَةٌ — (номаълум) кичкина қизча,

التَّلْمِيزُ الْمَالِلُ — (маълум) ақлли ўқувчи,

الطِّفْلَةُ الصَّغِيرَا — (маълум) кичкина қизча.

Табиятан **ال** артиклини қабул қилмаса ҳам аниқ аниқланмишдан сўзлар аниқланмиш бўлиб келганида, аниқловчи албатта **ال** артикли ёрдамида аниқ ҳолатда турганини шарт. Масалан:

مِصْرُ الْقَدِيمَةِ — Қадимги Миср, مَكَّةُ الْمَكْرَمَةُ — табаррук
Макка, سَمَرَقَنْدُ الْجَمِيلَةِ — гўзал Самарқанд.

Кўрсатиш олмошларидан ифодаланган аниқловчилар аниқланмишдан олдинда туради ва у ҳам тўрт жиҳатдан аниқланмиш билан мослашади. Бундай аниқланмиш ҳар доим аниқ ҳолатда келади, чунки кўрсатиш олмошлари табиатан аниқ ҳолатдадир. Масалан:

هَذَا الْكِتَابَان — бу икки китоб..., هَذَا الشَّارِعُ — бу кўча...,
أُولَئِكَ الْمَسِيرَةُ — ўша машина..., أُولَئِكَ الْمُسْلِمُونَ — ўша
ўқитувчилар....

Аниқланмиш билан аниқловчининг ҳолатда мослашишига алоҳида эътибор бериш керак. Агар аниқланмиш аниқ ҳолатда бўлиб, аниқловчи ноаниқ ҳолатда бўлса, булар аниқловчи — аниқланмиш муносабатидан чиқиб, от кесимли гапга айланиб қолади. Масалан:

الْوَرْدَةُ الْحَمْرَاءُ — қизил атиргул,

الْوَرْدَةُ حَمْرَاءُ — атиргул қизилдир,

مِصْرُ الْجَدِيدَةِ — янги Миср, مِصْرُ جَدِيدَةٍ — Миср янгидир.

Шунингдек, аниқловчи кўрсатиш олмошидан иборат бўлганида, аниқланмиш аниқ ҳолатда келиши шарт. акс ҳолда кўрсатиш олмоши гапнинг эгаси, от гапнинг кесимига айланади. Масалан:

هَذَا التِّلْمِذُ نَشِيطٌ — Бу ўқувчи бола гайратлидир.

هَذَا تِلْمِذٌ — Бу ўқувчидир.

أُولَئِكَ الْأَطْفَالُ أَذْكِيَاءُ — Ўша болалар зийракдирлар.

أُولَئِكَ الْأَطْفَالُ — Ўшалар болалардир.

أُولَئِكَ الْأَطْفَالُ أَذْكِيَاءُ — Ўшалар зийрак болалардир.

Аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги мослашувнинг яна бир хусусияти шуки, булар ўртасидаги сонда мослашув қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Агар аниқланмиш от кўпликда бўлса ва у одамни (шакли) билдирса, аниқловчи ҳам албатта кўпликда бўлади. Масалан:

فَلَاخٌ عَقْلًا — ақлли деҳқон → فَلَاخُونَ عَقْلًا — ақлли деҳқонлар,

مُدرِّساتٌ مُجتهداتٌ — тиришқоқ муаллима → مُدرِّساتٌ مُجتهداتٌ — тиришқоқ муаллималар.

2. Агар аниқланмиш от кўпликда келса ва у одамни (шакли) билдирмайдиган сўз бўлса, аниқланмишнинг муайянкар ёки муаннаслигидан қатъи назар аниқловчи бирлик сонда муаннасда келади. Масалан:

بَيْتٌ جَدِيدٌ — янги уй → بُيُوتٌ جَدِيدَةٌ — янги уйлар,

غُرْفَةٌ كَبِيرَةٌ — катта хона → غُرَفٌ كَبِيرَةٌ — катта хоналар.

3. Аниқловчи кўрсатиш олмоши билан ифодаланганидан ҳам бу қоида ўз кучини сақлайди. Масалан:

هَذَا الدَّهْقَانُ — бу деҳқон... → أُولَئِكَ الدَّهْقَانُونَ — ўша деҳқонлар,

هَذِهِ الطَّبِيبَةُ — бу врач аёл... → هَؤُلَاءِ الطَّبِيبَاتُ — бу врач аёллар,

هَذَا الْبَابُ — бу эшик... → هَذِهِ الْأَبْوَابُ — бу эшиклар,

هَذِهِ الْمَدِينَةُ — бу шаҳар... → هَذِهِ الْمَدَنُ — бу шаҳарлар...

4. Манкур мослашув қойдаси от кесимли гапдаги эга билан кесим ўртасида бўладиган мослашувга ҳам қўлланилади. Масалан:

الْبُيُوتُ كَبِيرَةٌ — Уй каттадир → الْبُيُوتُ كَبِيرَةٌ —

уйлар каттадир.

هَذَا الْقَلَمُ — У қаламдир → تِلْكَ الْقَلَامُ — у қаламлардир.

§ 29. НИСБИЙ СИФАТ

Нисбий сифат предметнинг белгисини бошқа предметга ёки тушунчага нисбатан билдиради. У кўпинча белгиси аниқланиб келаётган аниқланмишнинг ишланган материалини, келиб чиқдан жойини, бирор предметга мансублигини ва шунга ўхшаш бошқа белгиларини билдиради.

Нисбий сифат ҳам аслий сифат каби музаккар ва муаннас шаклларга эга.

Нисбий сифатнинг музаккари асосан отдан охиридаги -ун қўшимчасини олиб ташлаб, ўрнига ^ي -ийун қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Муаннас нисбий сифат эса, кўпчилик сифат қатори музаккар охирига -атун қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

^{عُشْب} — ёғоч → мз. ^{خَشَبِي}, мн. ^{خَشَبِيَّة} — ёғочдан ишланган ^{الْبَيْتُ الْعَشَبِي} — ёғочдан ишланган уй, ^{مِلْعَقَةُ خَشَبِيَّة} — ёғоч қошиқ.

^{ذَهَب} — олтин → мз. ^{ذَهَبِي}, мн. ^{ذَهَبِيَّة} — олтиндан ясалган, ^{إِبْرِيْقُ ذَهَبِي} — олтин кўза, ^{سَاعَةٌ ذَهَبِيَّة} — олтин соат.

! ёки ^ي ҳарфи билан тугаган отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида ^ي — қўшимчасидан олдин ! ёки ^ي ҳарфлари ^و га айланади. Маслан:

^{دُنْيَا} — дунё → ^{دُنْيَوِي}, ^{دُنْيَوِيَّة} — дунёвий,

^{أَسِيَا} — Осиё → ^{أَسِيَوِيَّة} — осиели, осиеча,

^{فَرَنْسَا} — Франция — ^{فَرَنْسِي}, ^{فَرَنْسِيَّة} — француз, французча.

Иу сўзлардан баъзан нисбий сифат бошқачароқ
шаклда ҳам ҳосил бўлади:

دُنْيَاوِيَّةٌ , دُنْيَاوِيٌّ -> دُنْيَا

آسِيَاوِيَّةٌ , آسِيَاوِيٌّ -> آسِيَا

Айрим сўзлардан эса, олдинги | (алиф) тушиб қолиб,

қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан:

قَرْشِيَّةٌ , قَرْشِيٌّ -> قَرْشَا

أُورُوبِيَّةٌ , أُورُوبِيٌّ -> أُورُوبَا - Европа

Та марбута билан тугаган сўзлардан нисбий сифат
ҳосил бўлганида, мазкур ҳарф тушиб қолади. Масалан:

خُرَافِيَّةٌ , خُرَافِيٌّ -> خُرَافَت - хурофот

جُمْهُورِيَّةٌ , جُمْهُورِيٌّ -> جُمْهُورِيَا - жумҳурият

Айрим отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида,
қўшимч вазни ҳам бироз ўзгаради. Масалан:

مَدَنِيَّةٌ , مَدَنِيٌّ -> مَدَنِيَا - шаҳарли, мадинали,

فَرَضِيَّةٌ , فَرَضِيٌّ -> فَرَضِيَا - фарзга тегишли.

Икки ўзак ундошдан иборат айрим отлардан нисбий
сифат ҳосил қилинганида, у ҳарфи орттирилади.
Масалан:

شَقَوِيَّةٌ , شَقَوِيٌّ -> شَقَا - оғзаки,

سَنَوِيَّةٌ , سَنَوِيٌّ -> سَنَّا - йиллик,

يَدَوِيَّةٌ , يَدَوِيٌّ -> يَدَا - қўлда ишланган.

Баъзи сўзлардан икки хил нисбий сифат ҳосил
бўлади. Масалан:

رُوحِيَّةٌ , رُوحِيٌّ -> رُوح - руҳий, спиртли,

رُوحَانِيَّةٌ , رُوحَانِيٌّ -> رُوح - руҳоний.

Айрим синиқ кўпликдаги отлардан ҳам нисбий сифат ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:

دَوْلَة — кўпл. دَوْلَى → دَوْلِيّ, دَوْلِيّ — давлатлараро

صَحْفَة — кўпл. صُفُفٌ → صُفُفِيّ, صُفُفِيّ — журналист.

Нисбий сифатлар гапда кўпинча мослашган аниқловчи бўлиб келади. Масалан:

بَلَدٌ عَرَبِيّ — араб тили, بَلَدٌ إِسْلَامِيّ — мусулмон ўлка,

أَمْرٌ دُنْيَوِيّ — дунёвий иш, إِنْسَانٌ فَارِسِيّ — форс тили,

Географик номлардан ҳосил бўлган нисбий сифат ўша ерли ёки ўша ерда туғилган, яшаган кишини ифодалайдиган от вазифасида келиши мумкин. Масалан:

مِصْرِيّ — мисрлик киши, مِصْرِيّ — мисрлик аёл,

إفْرِيقِيّ — африкалик, إفْرِيقِيّ — африкалик аёл.

§ 30. КЕЛИШИКЛАР

Араб тилида исм гуруҳига кирувчи сўзларда уч келишик мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги ва тушум келишиги. Келишиклар ўзига хос қўшимчаларга эга ва бу қўшимчалар отнинг гапдаги бажараётган вазифаси билан узвий боғлиқ:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	— -ун	— -у
2	Қаратқич келишиги	— -ин	— -и
3	Тушум келишиги мж.	— -ан	— -а
	Тушум келишиги мн.	— -ан	— -а

Бу турланиш уч келишикли турланиш дейилади ва шу йўсинда турланувчи сўзлар уч келишикли сўзлар дейилади. Масалан:

№	Келишикләр	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		мз	мн	мз	мн
1	Бош келишик	كِتَابٌ	مَجْلَدٌ	الْكِتَابُ	الْمَجْلَدُ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابٍ	مَجْلَدٍ	الْكِتَابِ	الْمَجْلَدِ
3	Тушум келишиги	كِتَابًا	مَجْلَدًا	الْكِتَابَ	الْمَجْلَدَ

Араб тилида от ва сифатларнинг асосий қисми уч келишликли сўзлар ҳисобланади ва улар юқоридаги жадвал асосида турланади. Булар ноаниқ ҳолатда келганида танвин қўшимчаси билан тугайдиган бирлик ва синиқ кўпликдаги сўзлардир. مَدِينَةٌ , مَعْبَدٌ , كَلْبَةٌ , دَفْتَرٌ , (бирлиги قَلْبٌ) (бирлиги أَجْنَحَةٌ) , (قَلَمٌ) (бирлиги أَقْلَامٌ) , (قَلْبٌ) (бирлиги قُلُوبٌ) (бирлиги جَنَاحٌ) каби сўзлар шулар жумласидандир.

§ 31. ИККИЛИК ВА ТЎҒРИ КЎПЛИК ШАКЛИДАГИ СЎЗЛАРНИНГ КЕЛИШИҚДА ТУРЛАНИШИ

Иккилик сондаги сўзлар келишиқда қуйидагича турланади:

№	Келишикләр	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		мз	мн	мз	мн
1	Бош келишик	كِتَابَانِ	مَجْلَدَانِ	الْكِتَابَانِ	الْمَجْلَدَانِ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابَيْنِ	مَجْلَدَيْنِ	الْكِتَابَيْنِ	الْمَجْلَدَيْنِ
3	Тушум келишиги	كِتَابَيْنِ	مَجْلَدَيْنِ	الْكِتَابَيْنِ	الْمَجْلَدَيْنِ

Жадвалдан кўриниб турганидек, иккилик сондаги сўзнинг қаратқич ва тушум келишиқлари бир хил қўшимчага эга.

Шунингдек, аниқ ҳолда ҳам, ноаниқ ҳолда ҳам бир хил келишиқ қўшимчаларини оладилар.

Шу билан бирга музаккар ва муаннас сўзлар ҳам келишикларда бир хил қўшимчага эга бўлади.

Музаккар тўғри кўпликдаги сўзлар келишикларда қуйидагича турланади:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	فَلَاخُونَ	الْفَلَاخُونَ
2	Қаратқич келишиги	فَلَاخِينَ	الْفَلَاخِينَ
3	Тушум келишиги	فَلَاخِيْنَ	الْفَلَاخِيْنَ

Муаннас тўғри кўпликдаги сўзларнинг келишикда турлиниши қуйидагичадир:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	فَلَاخَاتُ	الْفَلَاخَاتُ
2	Қаратқич келишиги	فَلَاخَاتِ	الْفَلَاخَاتِ
3	Тушум келишиги	فَلَاخَاتِ	الْفَلَاخَاتِ

Жадваллардан кўриниб турганидек, музаккар ва муаннас тўғри кўпликдаги сўзларда қаратқич ва тушум келишиклари бир хил қўшимча оладилар ҳамда аниқ ва ноаниқ ҳолатларда келишик қўшимчалари ўзгармайди.

Илгари айтиб ўтганимиздек, кўрсатиш олмошлари келишикда турланмайди. Лекин уларнинг иккилик сондаги вариантлари қаратқич ва тушум келишигида бошқача шаклда бўлади:

№	Келишиклар	Яқиндаги предмет		Узоқдаги предмет	
		мз	мн	мз	мн
1	Бош келишик	هَٰؤُلَاءِ	هَٰؤُلَاءِ	ذَٰلِكَ	تَٰئِكَ
2	Қаратқич келишиги	هَٰؤُلَاءِ	هَٰؤُلَاءِ	ذَٰلِكَ	تَٰئِكَ
3	Тушум келишиги	هَٰؤُلَاءِ	هَٰؤُلَاءِ	ذَٰلِكَ	تَٰئِكَ

Гапнинг эгаси, от кесими гапнинг эгаси ва кесими ҳамда уларнинг мослашган аниқловчилари кўпинча бош келишикда келади.

Бирор предлог билан келган ёки мослашмаган аниқловчи бўлиб келган от ўзининг мослашган аниқловчилари билан бирга қаратқич келишигида, воситасиз тўлдирувчи бўлиб келган отлар эса тушум келишигида келади (Бу масалага кейинроқ муфассал тўхталинади).

§ 32. ИККИ КЕЛИШИКЛИ ОТЛАР

Араб тилида қаратқич ва тушум келишиги бир хил қўшимчага эга бўлган қатор сўзлар мавжуд. Булар икки келишликли сўзлар дейилади. Икки келишликли сўзларга асосан қуйидагилар мансубдир:

1. ال артиклини олмайдиган, лекин аниқ ҳолатда деб ҳисобланувчи танвин қўшимчасини олмайдиган сўзлар. Масалан:

مِصْرُ — Миср, إِسْمَاعِيلُ — Исмоил,

فَاتِمَةُ — Фотима, يُونُسُ — Юсуф.

2. ال артиклини олиши мумкин бўлган, танвин билан тугамайдиган бирлик сондаги отлар ёки сифатлар ноаниқ ҳолатда келганида:

صَحْرَاءُ — саҳро, جَوْعَانُ — очиққан,

أَبْيَضُ — оқ(мз), أَكْبَرُ — энг катта.

3. Ноаниқ ҳолатда ҳам танвин қўшимчаси билан тугамайдиган ва ноаниқ ҳолатда келган синиқ кўпликдаги от ва сифатлар. Масалан:

جَرَائِدُ (бирл. جَرِيدَةٌ) — газеталар,

قَوَاعِدُ (бирл. قَاعِدَةٌ) — қоидалар,

أَمْرَاءُ (бирл. أَمِيرٌ) — амирлар.

1. **فِي** — да, ичида (бу ва бундан кейинги предлогларнинг асосий маъносигина берилади). **فِي الْمَعْهَدِ** — институтда.

2. **إِلَى الْمَسَاءِ** — оқшомгача. — га, ...гача. **إِلَى**

3. **مِنَ الصُّبْحِ** — тонгдан. — дан. **مِنَ**

4. **عَلَى الطَّائِلَةِ** — стол устида. — да, устида, устига. **عَلَى**

5. **عَنِ الدَّرْسِ** — дарс ҳақида. — ҳақида. **عَنِ**

6. **بِالْقَلَمِ** — қалам воситасида. — билан, воситасида. **بِ**

7. **لَدَى الْأَسْتَاذِ** — домла ҳузурида. — да, қошида, ҳузурида. **لَدَى**

8. **مَعَ الصَّدِيقِ** — дўст билан бирга. — билан бирга. **مَعَ**

9. **لِلطَّالِبِ** — студентда бор. — нинг, ...да бор. **لِ**

10. **كَالشَّمْسِ** — қуёш каби. — дек, каби. **كَ**

11. **حَتَّى الصَّبَاحِ** — тонггача. — гача. **حَتَّى**

12. **مُنْذُ سَنَتَيْنِ** — икки йилдан буён. — дан буён. **مُنْذُ**

II. От-предлоглар. Бу гуруҳга ўзининг отлик хусусиятини йўқотмаган, от сифатида ишлатилиши мумкин бўлган, лекин шу билан бирга предлог вазифасида ҳам келиши мумкин бўлган сўзлар киради. Булар предлог вазифасида ишлатилганида кўпинча тушум келишигида келади:

1. **دَاخِلَ الْمَدْرَسَةِ** — мактаб ичида. — ичида, ичига. **دَاخِلَ**

2. **خَارِجَ الْبَيْتِ** — уй ташқарисида. — ташқарида, ташқарига. **خَارِجَ**

3. عَبْرَ — орқали. عَبْرَ الْهَوَاءِ — ҳаво орқали.
4. خَلَالَ — давомида. خَلَالَ الْعُطْلَةِ — каникул давомида.
5. بَيْنَ — орасида. بَيْنَ التَّلْمِيزَيْنِ — икки ўқувчи орасида.
6. قُرْبَ — яқинида. قُرْبَ النَّافِذَةِ — дераза яқинида.
7. أَمَامَ — олдида. أَمَامَ الْوَالِدَيْنِ — ота-она олдида.
8. إِزَاءَ — қаршисида. إِزَاءَ النَّافُورَةِ — фонтан қаршисида.
9. وَرَاءَ — орқасида, орқасига. وَرَاءَ الْجِدَارِ — девор орқасида.
10. فَوْقَ — устида, устига. فَوْقَ الْمَاءِ — сув устида.
11. تَحْتَ — остида, остига. تَحْتَ الشَّجَرَةِ — дарахт остида.
12. خَلْفَ — орқасида, орқасига. خَلْفَ فَاطِمَةَ — Фатиманинг орқасида.
13. عِنْدَ — ...да, ҳузурида. عِنْدَ الْمُدِيرِ — бошлиқ ҳузурида.
14. حَوْلَ — атрофида, ҳақида. حَوْلَ الْمَسْئَلَةِ — масала ҳақида.
15. حَوْلَى — қарийб, тахминан. حَوْلَى مِثْرَ — тахминан бир метр.

Бу сўзлар баъзан мустақил сўз сифатида бошқа предлогларни қабул қилиши мумкин:

إِلَى الْأَمَامِ — олдинга, олға.

III. Мураккаб предлоглар. Булар икки-уч сўздан иборат бўлиб, юқоридаги предлогларга нисбатан мураккаброқ муносабатларни ифодалайди:

1. لِأَجْلِ — ...ни деб, йўлида.
2. فِي سَبِيلِ — ...ни деб, йўлида.
3. خِلَافًا لِّ — ...га қарамай.
4. خُرُفًا مِنْ — ...дан қўрқиб.
5. فَضْلًا عَنْ — ...дан ташқари.
6. عَلَى مَقَرَّةٍ مِنْ — ёнида, яқинида.
7. بِالْقُرْبِ مِنْ — ёнида, яқинида.
8. بِجَانِبِ — ёнида, яқинида.
10. بِالرُّغْمِ مِنْ — ...га қарамасдан.
11. بِصَرْفِ النَّظَرِ عَنْ — ...дан ташқари.
12. بِالنَّظَرِ إِلَى — сабабли.
13. نَظَرًا إِلَى — сабабли.
14. عَوَضًا عَنْ — ...нинг бадалига.
15. عَوَضًا لِّ — ...нинг бадалига.
16. نَتِيجَةً لِّ — натижасида.
17. بِوَسِيطَةٍ — воситасида.

Юқоридагилардан **ب**, **ل**, **ك** предлоглари ва шу предлоглар билан тугаган мураккаб предлоглар ўзидан кейинги сўзга қўшиб ёзилади. Масалан:

بِالرِّيشَةِ — перо билан, **بِالسَّيْفِ** — қиличдек.

ل предлоги **ال** артикли билан келган сўзларга қўшилганида, артиклдаги васлани ҳамза (İ) ёзувда тушиб қолади. Масалан:

لِلْعَكْمِ - ل + الْعَكْمُ — ҳукм учун.

Қолган предлогларнинг барчаси ўзидан кейинги сўздан ажратиб ёзилади.

Предлоглар асосан исм гуруҳидаги сўзларнинг олдида келади ва улар билан муносабатга киришади, лекин улар айрим феълларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. У ёки бу феъл ўзидан кейин турган предлог билан боғлиқ ҳолда турли маъноларни билдириши мумкин.

§ 35. МОСЛАШМАГАН АНИҚАОВЧИ (ИЗОФА)

Араб тилида мослашган аниқловчи кўпинча ўзбек тилидаги сифатловчи аниқловчиларга ўхшаб кетса, ўзбек тилидаги қаратқичли аниқловчиларга («шаҳарнинг дарвозаси», «факультет студенти» каби) кўпроқ мос келадиган ибора мослашмаган аниқловчидир. Мослашмаган аниқловчи билан аниқланмишдан ташкил топган бирикма араб тилида إِضَافَةٌ — 'идафатун - изофа дейилиб, уни ташкил этувчи аниқланмиш مَضَافٌ — мудафун- музоф, мослашмаган аниқловчи эса مَضَافٌ إِلَيْهِ — мудафун 'илайҳи — музоф илайҳи деб юритилади. Бундан кейин ушбу қўлланмада ҳам шу терминлар қўлланилади.

Изофада музоф илайҳи мослашган аниқловчи каби аниқланмишдан кейин келади, лекин улар ўртасида тўрт жиҳат бўйича мослашиш мавжуд эмас. Аксинча, изофада музоф билан музоф илайҳининг ўзаро муносабатга киришувининг бошқача характери мавжуд яъни музоф ل ар-тиклисиз ва танвин қўшимчасисиз келади, музоф илайҳи эса ҳар доим қаратқич келишигида келади. Масалан:

كِتَابُ طَالِبٍ – (номаълум) студентнинг китоби,

بَابُ بَيْتٍ – (номаълум) уйнинг эшиги.

Музоф **ال** артиклини қабул қилмайди. Унинг аниқ-ноаниқлиги музоф илайҳининг ҳолатига боғлиқ. Агар музоф илайҳи аниқ ҳолатда бўлса, музоф ҳам аниқ ҳолатда ҳисобланади. Масалан:

كِتَابُ الطَّالِبِ – (маълум) студентнинг (маълум) китоби,

بَابُ الْبَيْتِ – (маълум) уйнинг (маълум) эшиги.

Гапдаги вазифасига қараб, изофа ҳар уч келишикда келиши мумкин. Бунда фақат изофанинг музоф қисми келишикда турланади, музоф илайҳининг келишиги ўзгармайди. Масалан:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	كِتَابُ طَالِبٍ	كِتَابُ الطَّالِبِ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابُ طَالِبٍ	كِتَابُ الطَّالِبِ
3	Тушум келишиги	كِتَابُ طَالِبٍ	كِتَابُ الطَّالِبِ

Араб тилида қуйидаги бешта сўз бирлик сонда келиб, изофанинг музофи вазифасини бажарганида, унинг келишиги ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар ёрдамида шаклланади:

أَبُ – ота, حَمٌ – қайната, أُخٌ – ини,

هَنْ – нарса, ذُو – соҳиб(и), эга(си).

№	Келишиклар	Аниқ ҳолатда	Ноаниқ ҳолатда
1	Бош келишик	أَبُو الطَّالِبِ	أَبُو طَالِبٍ
2	Қаратқич келишиги	أَبِي الطَّالِبِ	أَبِي طَالِبٍ
3	Тушум келишиги	أَبَا الطَّالِبِ	أَبَا طَالِبٍ

Эслатма. Бу сўзлар иккилик ёки кўплик сонда бўлганида, улар умумий қоида асосида турланади.

Агар музоф иккиликдаги ёки музаккар тўғри кўпликдаги отдан иборат бўлса, сўз охиридаги ن ёки ن кўшимчалари тушиб қолади.

№	Келишиклар	Иккилик мз	Иккилик мн	Тўғри кўплик мз
1	Беш келишик	كُتَابُ الطَّالِبِ	مَجَلَّتَا الطَّالِبِ	فَلَاكُمُ الْقُرْئَةُ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابِي الطَّالِبِ	مَجَلَّتِي الطَّالِبِ	فَلَاكُمُ الْقُرْئَةُ
3	Тушум келишиги	كِتَابِي الطَّالِبِ	مَجَلَّتِي الطَّالِبِ	فَلَاكُمُ الْقُرْئَةُ

Агар музоф муаннас тўғри кўплик ёки синиқ кўпликдаги отдан иборат бўлса, келишикларда умумий қоида бўйича турланади:

طَلَبَاتُ الْكَلْبَةِ — факультет студент қизлари,

أَقْلَامُ التَّلْمِيذِ — ўқувчининг ручкалари.

Байъзан изофа уч ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши мумкин. Бунда ўртадаги сўзлар ўзидан олдинги сўзга нисбатан музоф илайҳи, ўзидан кейинги сўз учун эса музоф вазифасини бажаради ва шунинг учун ўзида ҳам музофлик, ҳам музоф илайҳилик хусусиятларини мужассамлаштирган бўлади яъни ال артиклини қабул қилмаган и қаратқич келишигида бўлади. Масалан:

كِتَابُ مُدَرِّسِ الْمَدْرَسَةِ

— мактаб ўқитувчиси китоби,

بَيْتُ أَسْتَاذِ مَعْهَدِ الطَّبِّ

— тиббиёт институти профессорининг уйи.

Бундай иборалар изофа занжири деб юритилади.

Ҳоқо изофада музофнинг ёки музоф илайҳининг ўзига праша мослашган аниқловчиси ҳам бор бўлиши мумкин. Агар музофнинг мослашган аниқловчиси мавжуд бўлса, у музоф илайҳидан кейин келади:

لِبَاسُ الْقَلَّاحِ الْجَدِيدُ — деҳқонинг янги кийими,

غُرْقَةُ الطَّالِبِ الْوَاسِعَةِ — студентнинг кенг хонаси.

Музофнинг мослашган аниқловчиси ўзидан олдин келадиган аниқловчи бўлганида ҳам у музоф илайҳидан кейин келади. Масалан:

لِبَاسُ الْقَلَّاحِ هَذَا — деҳқоннинг бу кийими,

غُرْقَةُ الطَّالِبِ تِلْكَ — студентнинг ўша хонаси.

Агар мослашган аниқловчи музоф илайҳига тегишли бўлса, у умумий қоида бўйича ифодаланади.

Масалан:

لِبَاسُ هَذَا الْقَلَّاحِ — Бу деҳқоннинг кийими...

غُرْقَةُ ذَلِكَ الطَّالِبِ — Ўша студентнинг хонаси...

Агар изофада ҳам музоф, ҳам музоф илайҳи мослашган аниқловчига эга бўлса, аввал изофа, сўнг музоф илайҳининг, ундан сўнг музофнинг мослашган аниқловчилари келади. Масалан:

دَفْتَرُ الطَّالِبِ الْمُجْتَهِدِ الْجَدِيدِ

— Тиришқоқ студентнинг янги дафтари,

مِحْفَظَةُ التَّلْمِيذَاتِ الْعَاقِلَاتِ هَذِهِ

— Ақлли ўқувчи қизларнинг бу портфели.

Изофа билан келган мослашган аниқловчилар, хусусан музоф билан музоф илайҳининг роди бир хил бўлса ёки изофа занжири бўлганида кўп чалкашликларга сабаб бўлади. Шунинг учун бундай изофа бирикмаси **ب، فې، ل** каби предлоғлар ёрдамида изофа бўлмаган бирикмаларга айлантириб юборилади. Масалан:

رِئَاسَةُ مَجْلِسِ الْجُمْهُورِيَّةِ الْجَدِيدَةِ الْأَعْلَى —

янги республиканинг Олий мажлиси раёсати

Изофа эмас — رِئَاسَةُ الْمَجْلِسِ الْأَعْلَى لِلْجُمْهُورِيَّةِ الْجَدِيدَةِ янги республиканинг Олий мажлиси раёсати

Изофа — كِتَابُ الدِّينِ الْإِسْلَامِيِّ الْمُقَدَّسُ — Ислом динининг муқаддас китоби

Изофа эмас — الْكِتَابُ الْمُقَدَّسُ لِلدِّينِ الْإِسْلَامِيِّ — Ислом динининг муқаддас китоби.

§ 36. ИЗОФАНИНГ ВАЗИФАСИ

Юқорида кўрганимиздек, изофа бир предметнинг иккинчи предметга (шахсга) тегishли ёки мансуб эканлигини билдиради ва у ўзбек тилида қаратқич келишиги билдирган маънога мосдир. Масалан:

غُرْفَةُ الطَّالِبِ — талабанинг хонаси,

بَابُ الْمَعْهَدِ — институт эшиги,

حَدِيقَةُ الْمَدِينَةِ — шаҳар парки.

Бундан ташқари изофа яна қуйидаги грамматик маъноларни ифодалаши мумкин:

1. Предметнинг ишланган материалини билдиради. Бунда предмет музоф, предмет ишланган материал музоф илайҳи ўрнида келади:

بَيْتُ خَشَبٍ — ёғоч уй,

سَاعَةٌ ذَهَبٍ — олтин соат,

رِيشَةُ قَوْلَادٍ — пўлат перо.

2. «Нил дарёси», «Ўзбекистон жумҳурияти» каби изоҳловчи — изоҳланмиш муносабатини ифодалайди. Бунда изоҳловчи музоф, изоҳланмиш музоф илайҳи ўрнида келади. Масалан:

نَهْرٌ دَجَلَةٌ — Дажла дарёси,

مَدِينَةُ طَرَابُلُسَ — Триполи шаҳри,

صَحِيفَةُ الْأَهْرَامِ — «Ал-аҳром» газетаси,

مَجَلَّةُ الْمُصَوِّرِ — «Ал-мусаввар» журнали.

3. Бутуннинг қисмини ифодалайди. Бунда **جَمِيعٌ** — барча, **عِدَّةٌ** — бир неча, **شَتَّى** — барча, **بَعْضٌ** — айрим, **كُلُّ** — ҳамма, ҳар бир каби сўзлар музоф, бутунни ифодаловчи сўз эса кўпликда музоф илайҳи бўлиб келади. Масалан:

بَعْضُ الْكُتُبِ — баъзи китоблар,

شَتَّى الْمَبَادِينِ — барча соҳалар,

عِدَّةٌ أَقْسَامٍ — — бир неча қисмлар,

كُلُّ الطَّلَابِ — барча студентлар.

Эслатма. Агар музоф илайҳи кўпликда ва аниқ ҳолатда бўлса, **كُلُّ** сўзи «барча», «ҳамма», музоф илайҳи бирликда ва ноаниқ ҳолатда бўлса, «ҳар бир» сўзи маъносини билдиради. Масалан:

كُلُّ النَّاسِ — барча одамлар,

كُلُّ إِنْسَانٍ — ҳар бир инсон

4. Агар музоф ўтимли феълдан шаклланган сифатдош ёки ҳаракат номидан иборат бўлса, музоф илайҳи шу сифатдош ёки ҳаракат номининг воситасиз тўлдирувчисини билдиради. Масалан:

شُرْبُ الْمَاءِ — сув(ни) ичиш,

تَطْوِيرُ الْعِلَاقَةِ — алоқани ривожлантириш,

مُفَسِّرُ الْقُرْآنِ — Қуръонни тафсир қилувчи.

5. Баъзан музоф илайҳи иш-ҳаракатнинг ёки отнинг пайтини билдириши мумкин, Масалан:

عُطْلَةُ الشَّتَاءِ — қишки каникул,

رِحْلَةُ الشَّتَاءِ وَ الصَّيْفِ — қишки ва ёзги саёҳат,

إِذَاعَةُ الْمَسَاءِ — оқшомги эшиттириш.

6. Гоҳо музоф ўрнида сифат ёки сифат вазифасидаги бошқа сўз келиши мумкин. Бундай изофадаги музоф илайҳи ўша сифат билдирган белгининг доирасини чегаралаб келади. Масалан:

طَوِيلُ الْقَامَةِ — қомати узун (узун қоматли),

حَسَنُ الرَّجُلِ — юзи чиройли (гўзал юзли),

حَسَنُ الْخُلُقِ — хулқи чиройли (чиройли хулқли).

Бу мисоллардан кўриниб туриптики, юқоридаги изофаларнинг ўзи бутунлигича қандай, қанақа, саволларига жавоб бўлади ва бошқа бирор отнинг аниқловчиси бўлиб келади. Шунинг учун бу изофанинг музофи ўзидан олдин аниқланмиш бўлиб келган от билан жинсда, сонда, келишишда мослашади.

Изофадан олдинги от музаккар бўлса, қуйидагича турланади:

№	Келишиклар	Бирлик	Иккилик	Кўплик
1	Бош келишик	رَجُلٌ طَوِيلُ الْقَامَةِ	رَجُلَانِ طَوِيلَا الْقَامَةِ	رَجَالٌ طَوِيلَاتُ الْقَامَةِ
2	Қаратқич келишиги	رَجُلٌ طَوِيلُ الْقَامَةِ	رَجُلَيْنِ طَوِيلِي الْقَامَةِ	رَجَالٌ طَوِيلَاتُ الْقَامَةِ
3	Тушум келишиги	رَجُلًا طَوِيلَ الْقَامَةِ	رَجُلَيْنِ طَوِيلِي الْقَامَةِ	رَجَالًا طَوِيلَاتُ الْقَامَةِ

Изофадан олдинги от муаннас бўлса, қуйидагича турланади:

№	Келишиклар	Бирлик	Иккилик	Кўплик
1	• Бош келишик	شَاةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةِ	شَاةَانِ طَوِيلَا الْقَامَةِ	شَاةَاتٌ طَوِيلَاتٌ الْقَامَةِ
2	Қаратқич келишиги	شَاةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةِ	شَاةَيْنِ طَوِيلَي الْقَامَةِ	شَاةَاتٌ طَوِيلَاتٌ الْقَامَةِ
3	Тушум келишиги	شَاةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةِ	شَاةَيْنِ طَوِيلَي الْقَامَةِ	شَاةَاتٌ طَوِيلَاتٌ الْقَامَةِ

Бу маънодаги изофанинг бошқаларидан фарқи шуки, ўзидан олдинги от аниқ ҳолатда бўлса, изофанинг музофи ال артиклини ҳам қабул қилиши керак. Масалан:

الرَّجُلُ الطَّوِيلُ الْقَامَةِ → رَجُلٌ طَوِيلٌ الْقَامَةِ
 الشَّابَّةُ الطَّوِيلَةُ الْقَامَةِ → شَابَةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةِ

§ 37. ҚЎШИЛИБ ЁЗИЛУВЧИ – БИРИКМА ОЛМОШЛАР

Кишилик олмошларининг иккинчи тури бирикма олмошлар дейилади ва улар у ёки бу сўздан кейин шу сўзга қўшиб ёзилади. Бирикма олмошлар қайси сўзга қўшилиб келганига боғлиқ ҳолда ўзбек тилидаги бош келишикдан бошқа бешта келишикдаги кишилик олмошларидан бирини билдиради (масалан, менда, сендан, унинг, уларга, бизни ва ҳ.о.).

Бирикма олмошлар отга, предлогларга, феълга ва юк-ламаларга қўшилиб келиши мумкин.

Бирикма олмошлар қуйидаги шаклга эга:

Шахс	Жинс	Бирлик		Иккилик		Кўплик	
		аж.о.м.	қўш.о.м.	аж.о.м.	қўш.о.м.	аж.о.м.	қўш.о.м.
III	мз	هُوَ	هُ	هُمَا	هُمَا	هُم	هُم
	мн	هِيَ	هَا	هُمَا	هُمَا	هُنَّ	هُنَّ
II	мз	أَنْتَ	كَ	كُمَا	كُمَا	أَنْتُمْ	كُمْ
	мн	أَنْتِ	كِ	أَنْتُمَا	كُمَا	أَنْتُنَّ	كُنَّ
I	мз, мн	أَنَا	أَنَا			نَحْنُ	نَا

§ 38. ОТГА ҚЎШИЛУВЧИ ОЛМОШЛАР

Отга қўшилиувчи олмошлар одатда эгаликни билдиради ва ўзбек тилида эгалик аффикслари бажарган вазифани бажаради (-им, -инг, -и, -си). Бошқача айтганда, қаратқич келишигида келган кишилик олмошлари билан вазифадор (менинг ...им, сенинг ...инг, унинг ...си (и) ва ҳ.). Масалан:

بَيْتٌ —> بَيْتُهُ — унинг (мз) уйи ёки уйи.

شَعْبٌ —> شَعْبُكَ — сенинг (мз) халқинг ёки халқинг.

«Та марбута» ҳарфи билан тугаган отларга бу олмошлар қўшилганида, у «та мамдуда»га ўзгариб кетади. Масалан:

غُرْفَةٌ —> غُرْفَتُهَا — унинг (мн) хонаси,

كَلْبَةٌ —> كَلْبَتُنَا — бизнинг факультетимиз.

«Алиф мақсура» ҳарфи билан тугаган отларга олмошлар қўшилганида, у «алиф»га ўзгаради. Масалан:

مُسْتَشْفَى —> مُسْتَشْفَاكُم — сизларнинг (мз) шифохонангиз,

ذِكْرِي —> ذِكْرَاهَا — унинг (мн) хотираси.

Олмош қўшилиб келган отларни изофа сифатида тасаввур қилиш керак. Бунда от музоф, қўшилиб ёзилган олмош музоф илайҳи вазифасини бажаради. Масалан:

كِتَابُهُ —> كِتَابُ مُحَمَّدٍ

دَفْتَرُهَا —> دَفْتَرُ فَاطِمَةَ

Демак от музоф сифатида ҳар уч келишикда келиши мумкин. Келишик бирикма олмошдан олдинги қўшимча билан ифодаланади.

Бош к. بَيْتَكَ — сенинг (мз) уйинг,

Қар. к. فِي بَيْتِكَ — сенинг (мз) уйингда,

Туш. к. بَيْتَكَ — сенинг (мз) уйингни.

От қаратқич келишигида келганида ёки « - ай» қўшимчаси билан тугаганида, III шахс бирикма олмошларидаги «у» товуши «и» товушига ўзгаради. Масалан:

$\text{هُ} \rightarrow \text{هُمَا}$
 $\text{هُمَا} \rightarrow \text{هُمَا}$
 $\text{هُمْ} \rightarrow \text{هُمْ}$
 $\text{هُنَّ} \rightarrow \text{هُنَّ}$

Масалан:

$\text{بَيْتَهُ} \rightarrow \text{فِي بَيْتِهِ}$
 $\text{بَيْتُهُمَا} \rightarrow \text{فِي بَيْتَيْهِمَا}$
 $\text{بَيْتُهُمْ} \rightarrow \text{فِي بَيْتِهِمْ}$
 $\text{بَيْتُهُنَّ} \rightarrow \text{فِي بَيْتِهِنَّ}$

I шахс бирлик олмоши қўшилганида, от ҳар уч келишикда бир хил кўринишда бўлади. Масалан:

Бош к. غُرَّتِي — менинг хонам,

Қар. к. فِي غُرَّتِي — менинг хонамда,

Туш. к. غُرَّتِي — менинг хонамни.

Юқорида айтилганидек, олмош қўшилган от изофанинг музофи билан бир хил мавқеда тургани сабабли, отнинг мослашган аниқловчиси мавжуд бўлса, у олмошдан кейин умумий қоидага мувофиқ аниқ ҳолатда келади, чунки музоф илайҳи ўрнида келувчи олмошлар табиатан аниқ ҳолатдадир. Масалан:

унинг (мз) уйи — بَيْتُهُ ,

унинг (мз) янги уйи — بَيْتُهُ الْجَدِيدُ ,

унинг (мз) бу уйи — بَيْتُهُ هَذَا .

От иккилик ёки музаккар тўғри кўпликда бўлса, олмош изофа қондаси асосида қўшилади. Масалан:

Бош к. غُرَقَتَانِ → غُرَقَتَاهُ — унинг (мз) икки хонаси,

Қар. к. فِي غُرَقَتَيْهِ → فِي غُرَقَتَيْنِ — унинг (мз) икки хонасида,

Туш. к. رَأَيْتُ غُرَقَتَيْهِ → رَأَيْتُ غُرَقَتَيْنِ — унинг (мз) икки хонасини кўрдим.

Бош к. مُعَلِّمَانِ → مُعَلِّمَاهَا — унинг (мн) икки домласи

Қар. к. مِنْ مُعَلِّمَيْنِ → مِنْ مُعَلِّمَيْهَا — унинг (мн) икки домласидан

Туш. к. — رَأَيْتُ مُعَلِّمَيْنِ → رَأَيْتُ مُعَلِّمَيْهَا — унинг (мн) икки домласини кўрдим.

І шахс бирлик олмоши иккилик ва музаккар тўғри кўпликдаги отга қўшилганида, -йа деб ўқилади. Масалан:

Бош к. كِتَابَانِ → كِتَابَايَ — иккита китобим,

Қар. к. فِي كِتَابَيْنِ → فِي كِتَابَايَ — иккита китобимда,

Туш. к. رَأَيْتُ كِتَابَيْنِ → رَأَيْتُ كِتَابَايَ — иккита китобимни кўрдим.

§ 39. غَيْرُ СЎЗИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

غَيْرُ сўзи ўзидан кейинги сўз билан доим изофа муносабатида бўлади. Бунда музоф илайҳи от бўлса, غَيْرُ сўзи «...дан бошқа» маъносини ифодалайди. Масалан:

غَيْرُ الطَّالِبِ — студентдан бошқа,

غَيْرُ هَذِهِ الْمَجْلَةِ — бу журналдан бошқа.

سُوزِ غَيْرِ бұзи уюшиқ бұлақларда ғам ишлатилиши мумкин ва бунда бирикма олмошлар ғам иштирок этадилар. Масалан:

مَحْمُودٌ وَمُحَمَّدٌ وَغَيْرُهُمَا — Махмуд, Мұхаммад ва бошқалар,

مِنْ مَحْمُودٍ وَمُحَمَّدٍ وَغَيْرِهِمَا — Махмуд, Мұхаммад ва бошқалардан,

رَأَيْتُ مَحْمُودًا وَمُحَمَّدًا وَغَيْرَهُمَا — Махмуд, Мұхаммад бошқаларни кўрдим.

سُوزِ غَيْرِ сифатдан олдин келиб мураккаб сифат ҳосил қилади. Бунда ўша сифатдаги белгининг мавжуд эмаслиги ифодаланади:

جَمِيلٌ — чиройли,

غَيْرُ جَمِيلٍ — хунук,

مَالِعٌ — шўр,

غَيْرُ مَالِعٍ — шўр эмас.

Бу мураккаб сифат белгиси билдирилиб келаётган отдан кейин келади ва от билан келишиқда سُوزِ غَيْرِ сўзи, жинсда, сонда, ҳолатда эса сифат мослашади. Масалан:

بَيْتٌ غَيْرُ بَعِيدٍ — узоқ бўлмаган уй,

فِي بَيْتٍ غَيْرٍ بَعِيدٍ — узоқ бўлмаган уйда,

رَأَيْتُ بَيْتًا غَيْرَ بَعِيدٍ — узоқ бўлмаган уйни кўрдим.

بَلَدٌ غَيْرُ بَعِيدٍ — узоқ бўлмаган қишлоқ.

فِي الْقَرْيَةِ غَيْرِ الْبَعِيدَةِ — узоқ бўлмаган қишлоқда.

رَأَيْتُ الْقَرْيَةَ غَيْرَ الْبَعِيدَةِ — узоқ бўлмаган қишлоқни кўрдим.

Бош. к. $\text{الْقَرَّتَيْنِ غَيْرِ الْبَعِيدَتَيْنِ}$ — узоқ бўлмаган икки қишлоқ.

Қар. к. $\text{فِي الْقَرَّتَيْنِ غَيْرِ الْبَعِيدَتَيْنِ}$ — узоқ бўлмаган икки қишлоқда.

Туш. к. $\text{رَأَيْتُ الْقَرَّتَيْنِ غَيْرِ الْبَعِيدَتَيْنِ}$ — узоқ бўлмаган икки қишлоқни кўрдим.

Бундан ташқари غَيْرِ сўзи эргашган қўшма гапларда ҳам ишлатилади ва уларга кейинчалик тўхталинади.

§40. ПРЕДЛОГЛАРГА ҚЎШИЛУВЧИ ОЛМОШЛАР

Юқорида таъкидланганидек, бирикма олмошлар предлогларга ҳам қўшилиши мумкин. Бунда олмошлар барча предлогларга қўшиб ёзилади.

Предлогларга қўшилиб келган олмошлар ўзбек тилидаги жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ва айрим кўмакчилар билан келган кишилик олмошларини билдиради («менда», «сендан», «бизга», «сенинг ҳақингда», «улар учун» ва ҳ.о.).

$\text{عِنْدَهُمْ} = \text{عِنْدَ} + \text{هُمْ}$ — уларда (мз),

$\text{مِنْكُمْ} = \text{مِنْ} + \text{كُمْ}$ — сизлардан (мз)

$\text{عَنْهُمْ} = \text{عَنْ} + \text{هُمْ}$ — улар (мн) ҳақида.

Бирикма олмошлар барча сўзлар учун бир хил бўлса-да, предлогларга қўшилувчи олмошлар қуйидаги ўринларда бошқаларидан фонетик жиҳатдан ажралиб туради:

1. إِلَى , عَلَى билан тугаган предлогларга (إِلَى , عَلَى ва ҳ.о.) олмошлар қўшилганида, мазкур қисм «-ай» га ўзгаради. Масалан:

إِلَيْكُمْ = إِلَى + كُمْ – сизларга (мз)

عَلَيْهِمْ = عَلَى + هُمْ – уларга (мн)

لَدَيْنَا = لَدَى + نَا – бизда

2. Қисқа «а» билан тугаган предлогларга I шахс бирлик олмоши қўшилганда, «а» товуши қисқа «и» га ўзгаради. Масалан:

عِنْدِي = عِنْدَ + ي – менда,

مَعِي = مَعَ + ي – мен билан бирга,

فُرْبِي = فُرْبَ + ي – ёнимда.

3. Ундош билан тугаган предлогларга I шахс бирлик олмоши نِي _ шаклида қўшилади. Масалан:

مِنِّي = مِنْ + ي – мендан,

عَنِّي = عَنْ + ي – мен ҳақимда.

4. فِى предлогига I шахс бирлик олмоши қўшилганида, ى ҳарфи ташдидланади. Масалан:

فِي = فِي + ي

5. لِ предлогига олмошлар қўшилганида, у ل га ўзгаради:

لَكُمْ = لَ + كُمْ – сизларга (мз),

لَنَا = لَ + نَا – бизга,

لَهُ = لَ + هُ – унга (мз).

Эслатма. لِ предлогига I шахс бирлик олмоши қўшилганида, юқоридаги ўзгариш содир бўлмайди. Масалан:

لِي = لَ + ي ёки لِي – менда.

6. **ی _** (алиф мақсура) билан тугаган предлогларга I шахс бирлик олмоши қўшилганида, мазкур **ی** ҳарфи иккиланади. Масалан:

إِلَى = إِلَى + ی – менга,

عَلَى = عَلَى + ی – менга, менда,

لَدَى = لَدَى + ی – менда.

7. **لَ (مَذْ) مِنْذُ, حَتَّى** предлогларига олмошлар умуман қўшилмайди.

§ 41. СЎРОҚ ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Таркибидаги сўроқнинг маъносига қараб, сўроқ гаплар учга бўлинади:

1. Умумий сўроқ гап. « Ҳа » ёки « йўқ » сўзлари жавоб бўла оладиган сўроқ гап умумий сўроқ гапдир. Умумий сўроқ гаплар гапнинг бошига қўйиладиган **هَلْ** ёки **أَلَمْ** юкламалари ёрдамида шаклланади:

هَلْ أَنْتَ طَالِبٌ؟ – Сен (мз) студентмисан?

أَمْ هِيَ فَلَانَةٌ؟ – у (мн) деҳқон аёлми?

Умумий сўроқ гаплар паст интонация билан бошланиб, юқори интонация билан тугайди.

هَلْ هُوَ مُدَرِّسٌ؟ – У (мз) ўқитувчими?

Баъзан умумий сўроқ гап сўроқ юкламалари иштирокисиз ҳам ҳосил бўлади. Бунда гапнинг сўроқ эканлиги оҳанг воситасида ифодаланади. Масалан:

هُوَ مُدَرِّسٌ – У (мз) ўқитувчидир,

هُوَ مُدَرِّسٌ؟ – У (мз) ўқитувчими?

2. Махсус сўроқ гап. Муайян сўроқ олмошлари ёрдамида ясаладиган ва тўла жавобни талаб қиладиган сўроқ гаплар махсус сўроқ гаплар дейилади.

Махсус сўроқ гаплар одатда сўроқ олмошлари билан бошланади. Араб тилида қуйидаги сўроқ олмошлари мавжуд: **مَا** ёки **مَاذَا** - нима, **مَنْ** - ким, **كَيْفَ** - қандай, қандай қилиб, **أَيْنَ** - қаерда, **مَتَى** - қачон, **أَيُّ (أَيِّ)** - қайси, **كَمْ** - қанча, нечта, неча.

Бу олмошлар олдига турли предлоглар қўйилиб, янги сўроқ олмошлари ҳосил қилинган: **لِمَاذَا** ёки **لِمَ** - нимага, **مِنْ + مَا** - кимдан, **مِنْ + مَنْ** - нима учун, нима сабабли, **مِمَّنْ = مِنْ + مَنْ** - кимдан, **مِنْ + إِلَى** - нимадан, **إِلَى** - қаерга, **مِنْ** - қаердан, **إِلَى** - қачонгача, **بِكَمْ** - қанчадан ва ҳ.о. Масалан:

أَيْنَ أَبُوكَ؟ — Отангиз қаерда?

مِنْ أَيْنَ هَذِهِ التُّفَاحَةُ؟ — Бу олма қаердан?

إِلَى مَتَى أَنْتُمْ هُنَا؟ — Сизлар (мз) бу ерда қачонгача (бўласизлар)?

Бу сўроқ олмошлари ичида **أَيُّ** ва **كَمْ** олмошлари ўзига хос характерга эга:

1. **أَيُّ** олмоши қайси сўз билан бириккан бўлса, ўша сўз билан жинсда мослашади: мз — **أَيُّ**, мн — **أَيُّ**. Шунингдек, ўзи бириккан сўз билан изофа ҳосил қилади ва бунда **أَيُّ** сўзи музоф, бириккан сўз эса ноаниқ ҳолда, бирликда музоф илайҳи бўлиб келади:

أَيُّ كِتَابٍ؟ — қайси китоб?

أَيُّ جَرِيدَةٍ؟ — қайси газета?

مِنْ أَيِّ مَدِينَةٍ أَنْتُمْ؟ — Сиз қайси шаҳардансиз?

Айрим тарихий ёдгорликларда булар ўртасида жинс-
да мослашмаганликни ҳам кўришимиз мумкин. Масалан:

أَيُّ لُغَةٍ؟ — қайси тил?

2. كَمْ олмоши ўзидан кейинги отни ноаниқ ҳолда
тушум келишигида келишга мажбур қилади. Масалан:

كَمْ طَالِبًا هُنَا? — Бу ерда қанча студент бор?

كَمْ مَجْلَدًا فِي الْمَكْتَبَةِ? — Кутубхонада қанча журнал бор?

Баъзан كَمْ олмоши ўзидан кейинги сўзни қаратқич
келишигида келтириши мумкин (гоҳи مِّن предлоги билан).

Бунда كَمْ олмоши эҳтиросни билдирувчи «қанчалар»
маъносини ифодалайди. Масалан:

كَمْ طِفْلًا فِي الدَّارِ? — Ҳовлида қанчалар бола бор!

كَمْ مِنْ فِتْنَةٍ قَلِيلَةٍ... — Қанчалар оз гуруҳ...

III. Альтернатив сўроқ гаплар. Икки ва ундан ортиқ
предмет ёки фикрдан бирини таклиф этиш маъносидаги
сўроқ гаплар альтернатив сўроқ гаплардир. Бундай
сўроқ гап هَل ёки أ юкласи билан бошланади ва таклиф
қилинаётган предмет (фикр) ўртасига أ ёки هَل юкласи
қўйилади. Масалан:

هَلْ أَنْتَ طَبِيبٌ أَمْ مُهَنْتِسٌ؟ — Сиз (мз) врачмисиз ёки инженерми-
сиз?

أَمْ هِيَ فِي الْمَدْرَسَةِ أَوْ فِي الْمَكْتَبَةِ? — У (мн) мактабдами ёки
кутубхонадами?

§ 42. АЖРАТИШ ОЛМОШЛАРИ

От кесимли гапларнинг кесими баъзан аниқ ҳолатдаги сўздан иборат бўлади. Қиёсланг: Бу ҳаётдир —> Бу (сиз билан менга маълум бўлган) ҳаётдир. Буни ўзбек тилида қуйидаги ибора ёрдамида ифодалаш мумкин: «Ҳаёт дегани мана шу».

Биринчи вариант «Бу ҳаётдир» илгари ўрганганимиз умумий қоида асосида шаклланади: **هَذِهِ حَيَاةٌ**.

Иккинчи вариантдаги иборани ифодалаш учун гапнинг эгаси билан кесими ўртасига уларга жинсда ва сонда мос бўлган кишилиқ олмоши қўйилади ҳамда шу кишилиқ олмоши ажратиш олмоши деб юритилади:

هَذِهِ هِيَ الْحَيَاةُ. Масалан:

هَذَا هُوَ الدِّينُ الْإِسْلَامِيُّ — Ислом дини дегани мана шу.

§ 43. ПРЕДЛОГЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ОТ КЕСИМЛИ ГАП

Баъзан гапнинг кесими предлог билан келган отдан иборат бўлади. Бунда, табиийки, эга билан кесим жинсда ва сонда ўзаро мослашмайди. Кесим ноаниқ ҳолатда келади деган қоидага ҳам амал қилинмайди. Бундай кесим эганинг мавжудлик ўрнини ёки пайтини билдириш учун хизмат қилади. Масалан

الطَّالِبُ فِي الْكَلْبَةِ — Студент факультетдадир.

الْفَلَاةُ فِي الْحَقْلِ — Деҳқон (мн) далададир.

الْأَمْتِحَانَاتُ فِي الْأُسْبُوعِ الْقَادِمِ — Имтиҳонлар келаси ҳафтада.

Баъзан гапнинг эгаси кесимдан кейин келади ва у ноаниқ ҳолатда бўлади. Бундай гапдаги кесим ўзбекчага ҳол шаклида таржима қилиниб, ўзбекча гапдаги кесим «бор» ёки «йўқ» сўзлари билан ифодаланади. Масалан:

عَلَى الطَّائِلَةِ كِتَابٌ — Стол устида китоб бор.

فِي الْمَدِينَةِ حَدِيْقَةٌ — Шаҳарда парк бор.

От кесим **ل** предлоги билан келган бўлса, кўпинча бундай гапда эғалик маъноси ифодаланган бўлади. Эга билан кесимнинг ўрни алмашса, албатта, юқорида айтилган маъно хусусиятлари уларда ўз аксини топади. Масалан:

الْقَلَمُ لِلطَّالِبِ — Қалам студентникидир.

لِلطَّالِبِ قَلَمٌ — Студентда қалам бор.

§ 44. كَانَ ФЕЪЛИ ҲАҚИДА

كان феълининг маъноси «бўлмоқ» дир. Бу феъл ўтган замонда шахс-сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўшлик
III	мз	كَانَ	كَانَا	كَانُوا
	мн	كَانَتْ	كَانَا	كَانُوا
II	мз	كَنتَ	كَنتَما	كَنتُمْ
	мн	كَنتَ	كَنتَما	كَنتُمْ
I		كَنتَ		كَنتَ

Ўзбек тилидаги «бўлмоқ» феъли каби араб тилида ҳам бу феъл икки вазифани бажаради:

1. Мустақил феъл вазифасини. Масалан:

أَمْسِ كُنْتُ فِي الْقَرْيَةِ — Кеча мен қишлоқда бўлган эдим.

2. От ёки сифат билан бирга келиб, ўтган ёки келаси замонда турган қўшма феълнинг ёрдамчи феъли вазифасини. Бунда бу феъл билан келган от ёки сифат ноаниқ ҳолатда эга билан жинсда ва сонда мослашгани ҳолда тушум келишигида келади. Масалан:

كَانَ الطَّالِبُ مَرِيضًا – Студент касал эди.

كَانَتْ فَاطِمَةُ طَالِبَةً – Фотима студент эди.

كُنَّا تَلَامِيذَ – Биз ўқувчи бўлган эдик.

§ 45. لَيْسَ ФЕЪЛИ ҲАҚИДА

لَيْسَ феъли гарчи маъно жиҳатидан ҳозирги замонни билдирса-да, фақат ўтган замон шаклида ишлатилади ва у қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	لَيْسَ	لَيْسَا	لَيْسُوا
	мн	لَيْسَتْ	لَيْسَتَا	لَيْسُوا
II	мз	لَسْتُ	لَسْتَا	لَسْتُمْ
	мн	لَسْتِ	لَسْتُمَا	لَسْتُمْ
I		لَسْتُ		لَسْتُ

لَيْسَ феъли икки маънода ишлатилади:

1. Мустақил феъл маъносида. Бунда у «йўқ» деб таржима қилинади:

لَيْسَ لِي كِتَابٌ – Менда китоб йўқ.

لَيْسَتْ عَلَى الطَّائِلَةِ مَجَلَّةٌ – Стол устида журнал йўқ.

2. Кўмакчи феъл маъносида. Бунда у «эмас» деб таржима қилинади:

لَيْسَ الْكِتَابُ لِي – Китоб меники эмас.

لَيْسَتِ الْمَجَلَّةُ عَلَى الطَّائِلَةِ – Журнал стол устида эмас.

Агар қўшма феълдаги асосий маънони ифодаловчи қисм предлогсиз от ёки сифатдан иборат бўлса, у икки хил ифодаланиши мумкин:

и) эга билан жинсда ва сонда мослашгани ҳолда
новиниқ ҳолда тушум келишигида келади. Масалан:

لَيْسَ الطَّالِبُ مَرِيضًا — Студент касал эмас.

لَسْنَا تَلَامِيذًا — Биз ўқувчилар эмасмиз.

б) юқоридаги каби эга билан мослашгани ҳолда
предлоғи билан қаратқич келишигида келади. Масалан:

لَيْسَتْ فَاطِمَةُ بِمَرِيضَةٍ — Фотима касал эмас.

لَسْتُ بِفَاعِلٍ — Гофил эмасман.

§ 46. ФЕЪЛ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Иш-ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи бу сўз туркуми
араб тили грамматикасида жуда катта ўрин тутати, чун-
ки жуда кўп бошқа туркум сўzlари ҳам асосан феъл
ўзгаришлари заминида ясалади.

Феъллар, илгари айтганимиздек, уч ўзак ундошли ва
тўрт ўзак ундошлиларга бўлинади ва уларнинг кўпчили-
гини уч ўзак ундошли феъллар ташкил этади.

Бу ўзак ундошлар атрофидаги унлиларни ўзгарти-
риш, у ёки бу ўзак ундошни иккилантириш, бирор ноў-
лак ундошни киритиш йўли билан феълларнинг ҳосила
шакллари ясалади. Ҳосила шаклдаги феълларнинг, таби-
ийки, мазмунида ҳам ўзгариш содир бўлади. Ҳосила
шакллари боблар деб аташ қабул қилинган. Уч ўзак ун-
дошли феълларнинг 15 та, тўрт ўзак ундошли феъллар-
нинг 4 та боби мавжуд. Бу бобларга уларни ўзаро фарқ-
лаш учун ном қўйилган. Араб тадқиқотчилари уч ўзак
ундошли феълнинг бошланғич шаклини **فِعْلٌ ثَلَاثِيٌّ مُجَرَّدٌ** —

фи'луи суласиййун мужаррадун, тўрт ўзак ундошли
феълнинг бошланғич шаклини эса **فِعْلٌ رُبَاعِيٌّ مُجَرَّدٌ** —
фи'луи руба'иййун мужаррадун деб, қолган бобларни эса

шу бобнинг ҳаракат номи (масдари) атамаси билан атаганлар. Масалан, **بَابُ التَّنْعِيلِ** — бабу-ттаф'или — таф'ил боби, **بَابُ الْإِفْتِعَالِ** — бабу-л'ифти'али — ифтиол боби ва ҳ.к.з. Замоनावий адабиётларда бу бобларга тартиб рақами берилган ва улар рим рақами билан ифодаланади. Масалан, II боб, VII боб, XII боб ва ҳ.к.

Феълнинг барча боблари ўтган ва ҳозирги-келаси замонга эга. Улар шахсда, сонда, жинсда тусланади. Феъллар араб тилида аниқ ва мажҳул нисбатга эга. Бундан ташқари феълларнинг 5 та майли мавжуд.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, араб тилидаги феъллар инфинитив — феълнинг ноаниқ шаклига эга эмас. Шунинг учун замоनावий лугатларда феълнинг ўтган замон III шахс бирлик музаккар шакли шартли равишда инфинитив сифатида қабул қилинган. Масалан:

كَتَبَ — асл маъноси: у (мз) ёзди, шартли маъноси: ёзмоқ.

§ 47. УЧ ЎЗАК УНДОШЛИ ФЕЪЛЛАР

Уч ўзак ундошли феъллар араб тилида феълларнинг асосий қисмини ташкил этади. Унинг ҳаммаси бўлиб ўн беш боби мавжуд. Шундан ўн боби ҳозирги араб адабий тилида актив иштирок этади. Қолган беш боби эса қадимги араб тилида кенг ишлатилган, лекин кейинчалик истеъмолдан чиқиб кетган.

§ 48. I БОБ ФЕЪЛИНИНГ ЎТГАН ЗАМОНИ

I бобдаги кўпчилик феълларнинг ўтган замони **فَعَلَ** шаклида ҳосил бўлади. Масалан: **ذَهَبَ** — кетмоқ, **دَخَلَ** — кирмоқ, **خَرَجَ** — чиқмоқ. Бундан ташқари қисман **فَعِلَ** ва **فَعُلَ** шаклидаги феъллар ҳам учраб туради. Масалан:

حَسَن — ичмоқ, عَلِمَ — билмоқ, نَظَّات — покиза бўлмоқ, حَسَن — янни бўлмоқ ва ҳ.к.

Умуман, I боб феълининг ўтган замони فَعِلَ қолипига бўлиб, فَعِلَ ва فَعِلَ шакллари ҳам ўтимли, ҳам ўтим-сиз феъллар бўлиши мумкин. فَعِلَ шаклидаги феъллар ҳама фақат ўтимсиз феъллардир.

I боб феъли ўтган замонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	فَعِلَ	فَعِلَا	فَعِلُوا
	мн	فَعِلْتُمْ	فَعِلْتُمَا	فَعِلْتُمْ
II	мз	فَعِلْتَ	فَعِلْتُمَا	فَعِلْتُمْ
	мн	فَعِلْتُمْ	فَعِلْتُمَا	فَعِلْتُمْ
I		فَعِلْتُ		فَعِلْتُ

Масалан: كَتَبَ — У (мз) ёзди, خَرَجُوا — Улар (мз) чиқ-дилар, شَرَبْتُمْ — Сизлар (мз) ичдингизлар, نَظَّنَّا — покиза бўлдик.

Ўтган замон феълининг инкор шакли феъл олдига مَا қўйилмасини қўйиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

مَا كَتَبْتَ — у (мн) ёзмади, مَا خَرَجْنَا — улар (мн) чиқиш-мади, مَا شَرَبْنَا — сиз (икки киши) ичмадингиз.

I боб феъли мажҳул нисбатининг ўтган замони ҳар уч шаклидаги феъллардан فَعِلَ вазнида ҳосил бўлади. Маса-лан:

ضَرَبَ — урмоқ —> ضَرِبَ — урилмоқ,

شَرِبَ — ичмоқ —> شَرِبَ — ичилмоқ.

Мажҳул нисбатнинг шахс-сонда тусланиши аниқ нисбатдаги феълнинг тусланишидан фарқ қилмайди.

Мажҳул нисбат феълининг ишлатилиши араб тилида бир оз мураккаброқ. У ўзбек тилидаги мажҳул нисбат феъли ифодаламайдиган тушунчаларни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан: سَأَلَ — сўрамоқ, فَسَأَلْتُ — мен сўрадим, шунинг мажҳул нисбати سَأَلْتُ — «мен сўрадим» маъносидан ташқари «мендан сўрадилар» маъносини ҳам билдиради. Шунингдек, غَضِبَ — газабланмоқ, فَغَضِبْتُ — мен газабландим, غَضِبْتُ — эса «мен газаб остида қолдим», «мендан газабландилар» маъносини ифодалайди.

Ўтган замон феъли олдидан (аниқ ва мажҳул нисбатларида) لَفَعْتُ ёки لَفَعْتُ юкламаси келиши мумкин ва у ишҳаракатнинг ўтган замонда бажариб бўлинганлигини билдиради. Масалан:

لَفَعْتُ — сўраганман, сўраган эдим,

لَفَعْتُ — у (мз) чиққан, чиққан эди.

§ 49. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ЎТГАН ЗАМОНДА ТУСЛАНИШИ

Нотўғри феълларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Иккиланган феъллар. Иккинчи ва учинчи ўзак ундошлари бир хил товушдан иборат бўлган феъллар иккиланган феъллар дейилади. Бундай феълларнинг айрим шахс-сонларида бир хил ундошлар ёнма-ён келади. Масалан:

حَبَّ —> حَبَّ — севмоқ, تَلَّلَ —> تَلَّلَ — озаймоқ,

مَسَّ —> مَسَّ — тегиб кетмоқ, دَبَّ —> دَبَّ — судралмоқ.

Бу феъллар ўтган замонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	فَعَلَ	فَعَلَا	فَعَلُوا
	мн	فَعَلْتَ	فَعَلْتَا	فَعَلْتُمْ
II	мз	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمَا	فَعَلْتُمْ
	мн	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمْ
I		فَعَلْتُ		فَعَلْتُ

Яна бир мисол:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	مَسَّ	مَسَا	مَسُوا
	мн	مَسَّتْ	مَسَّتَا	مَسَّتُمْ
II	мз	مَسَّتُمْ	مَسَّتُمَا	مَسَّتُمْ
	мн	مَسَّتُمْ	مَسَّتُمْ	مَسَّتُمْ
I		مَسَّتُ		مَسَّتُ

Бу феълларнинг мажхул нисбати қуйидагича туслана-

ди:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	فَعُلَ	فَعَلَا	فَعَلُوا	مُسَّ	مَسَا	مَسُوا
	мн	فَعَلْتَ	فَعَلْتَا	فَعَلْتُمْ	مَسَّتْ	مَسَّتَا	مَسَّتُمْ
II	мз	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمَا	فَعَلْتُمْ	مَسَّتْ	مَسَّتُمَا	مَسَّتُمْ
	мн	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمْ	فَعَلْتُمْ	مَسَّتْ	مَسَّتُمْ	مَسَّتُمْ
I		فَعَلْتُ		فَعَلْتُ	مَسَّتُ		مَسَّتُ

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, айрим мисолларда бир хил ўзак ундошлар уюшган. Бундай ундошлар билан улар орасидаги унли қисқа бўлса ва у унли билан бугинини ташкил этса содир бўлади. Масалан:

فَعَلْتُ —> فَعَلْتُ , فَعَلْتُ —> فَعَلْتُ ва ҳ.к.

Агар бир хил икки ундошнинг иккинчиси сукунли бўлса ва у бўгинни ёпаётган бўлса, уюшиш содир бўлмайди. Масалан: $\text{فَلَلَنْ} \rightarrow \text{فَلَلَنْ}$.

II. Ҳамзали феъллар. Ўзак таркибида ҳамза товуши иштирок этган феъл ҳамзали феъл дейилади. Ҳамзанинг қайси ўзак ундош ўрнида келишига қараб, бу феъллар уч турга бўлинади:

1. Биринчи ўзак ундоши ҳамзадан иборат феъл. Масалан:

أَسَفَ — афсусланмоқ, أَمَرَ — буюрмоқ,

أَمَل — умид қилмоқ, أَكَلَ — емоқ,

أَسَرَ — асир қилмоқ, أَذِنَ — рухсат бермоқ.

Буларнинг ўтган замонда тусланиши солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	أَمَر	أَمَرَا	أَمَرُوا
	мн	أَمَرْت	أَمَرْتَا	أَمَرْتُمْ
II	мз	أَمَرْت	أَمَرْتُمَا	أَمَرْتُمْ
	мн	أَمَرْت	أَمَرْتُمَا	أَمَرْتُمْ
I		أَمَرْتُمْ		أَمَرْتُمْ

Мажҳул нисбатда ҳам фонетик ўзгариш содир бўлмайди.

2. Иккинчи ўзак ундоши ҳамзадан иборат феъллар. Масалан:

قَادَ — қамраб олмоқ, سَأَلَ — сўрамоқ, قَارَ — қасос олмоқ.

Буларнинг тусланиши ҳам солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	سَاكُ	سَاكَا	سَاكُو
	мн	سَاكُتْ	سَاكَا	سَاكُنْ
II	мз	سَاكُتْ	سَاكُنَا	سَاكُنُمْ
	мн	سَاكُتْ	سَاكُنَا	سَاكُنْ
I		سَاكُتْ		سَاكَا

Бундай феълларнинг мажхул нисбатида ҳам товуш ўзгариши содир бўлмайди, лекин имлода ҳамзанинг ёзилиши билан боғлиқ ўзгаришлар бўлади. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	سُكِلْ	سُكِلَا	سُكِلُو
	мн	سُكِلْتُ	سُكِلْنَا	سُكِلْنَا
II	мз	سُكِلْتُ	سُكِلْنَا	سُكِلْنَا
	мн	سُكِلْتُ	سُكِلْنَا	سُكِلْنَا
I		سُكِلْتُ		سُكِلْنَا

3. Учинчи ўзак ундоши ҳамзадан иборат феъллар.

Масалан: قَرَأَ – ўқимоқ,

جَآ – яширинмоқ,

بَطَلُو – секинламоқ,

جَرَّوْ – журъатли бўлмоқ.

Бу феъллар шахс-сонда тусланганида, ҳамза товуши имлоси қоидалари асосида айрим ўзгаришлар содир бўлади. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	قَرَأَ	قَرَأَا	قَرَأُوا	جَرَّوْ	جَرَّوْ	جَرَّوْ
	мн	قَرَأْتُ	قَرَأْنَا	قَرَأْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا
II	мз	قَرَأْتُ	قَرَأْنَا	قَرَأْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا
	мн	قَرَأْتُ	قَرَأْنَا	قَرَأْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا	جَرَّوْنَا
I		قَرَأْتُ		قَرَأْنَا	جَرَّوْنَا		جَرَّوْنَا

Мажҳул нисбатда ҳам ҳамзанинг имлосига алоқадор ўзгаришлар содир бўлади. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	فَرِي	فَرَا	فَرُوا	جَرِي	جَرَا	جَرُوا
	мн	فَرَيْتَ	فَرَيْتَا	فَرَيْنَ	جَرَيْتَ	جَرَيْتَا	جَرَيْنَ
II	мз	فَرَيْتَ	فَرَيْتُمَا	فَرَيْتُمْ	جَرَيْتَ	جَرَيْتُمَا	جَرَيْتُمْ
	мн	فَرَيْتَ	فَرَيْتُمَا	فَرَيْتُنْ	جَرَيْتَ	جَرَيْتُمَا	جَرَيْتُنْ
I		فَرَيْتَ		فَرَيْتَا	جَرَيْتَ		جَرَيْتَا

III. Заиф феъллар. Ўзак таркибида و – «в» ёки ى – «й» ундоши мавжуд бўлган феъллар заиф феъллар дейилади. Ўзак таркибида учровчи و – «в», ى – «й» ундошлари, шунингдек улар ўрнида келиши мумкин бўлган ا – алиф ҳарфи ҳарфи иллатлар (ар. حُرُونُ عَلِيٍّ – ҳуруфу ‘иллатин) дейилади. Бу феъллар و ёки ى ундошининг тушиб қолиши ёки бошқа товушга ўзгариши билан боглиқ бўлган айрим хусусиятларга эга.

و – «в» ёки ى – «й» ундошининг қайси ўзак ундош ўрнида келишига қараб, заиф феъллар учга бўлинади:

1. Солимсифат феъллар (ар. مَعَالٍ – миъ’алун). Булар ўзагининг биринчи ундоши و – «в» ёки ى – «й» товушидан иборат бўлган феъллардир. Масалан:

وَصَلَ – етиб келмоқ,

يَقَطُّ – ҳушёр турмоқ,

يَتَمُّ – етим бўлмоқ,

يَسِرُّ – қулай бўлмоқ.

Бундай феъллар ва уларнинг мажҳул нисбати ўтган замонда тусланганида солим феъллардан мутлақо фарқ қилмайди.

2. Ажваф феъллар. Булар иккинчи ўзак ундоши **و** — «ёки **ی** — «й» товушидан иборат бўлган феъллардир. Ажваф феъллар шахс-сонда тусланганида катта товуш утгарилари содир бўлади.

Агар иккинчи ўзак ундош бўлган **و** ёки **ی** ҳарфи «-аян-», «-ави-», «-аву-», «-айа-», «-айи-», «-айу-», товуш бирикмалари таркибида келса ва учинчи ўзак ундош билан бўгин ёпилмаса, юқоридаги товуш бирикмаларини «а» га айланади ва **ا** (алиф) билан ёзилади. Масалан:

قَالَ —> قَالُوا — айтмоқ,

سَارَ —> سَارُوا — бормоқ, кезмоқ,

خَالَ —> خَالُوا — қўрқмоқ.

Агар учинчи ўзак ундош билан бўгин ёпилса, яъни у тугуни билан тугаса, иккинчи ўзак ундош ва ундан олдинги қисқа «а» тушиб қолади:

قُلْتُ —> قُلْتُمْ

خَفْتُ —> خَفْتُمْ

سِرْتُ —> سِرْتُمْ

Хуллас, ажваф феъллар қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мэ	قَالَ	قَالَا	قَالُوا	سَارَ	سَارَا	سَارُوا
	ми	قَالَتْ	قَالَتَا	قَالْنَ	سَارَتْ	سَارَتَا	سَارْنَ
II	мэ	قُلْتُ	قُلْتُمَا	قُلْتُمْ	سِرْتُ	سِرْتُمَا	سِرْتُمْ
	ми	قُلْتَ	قُلْتُمَا	قُلْتِن	سِرت	سِرْتُمَا	سِرْتِن
I		قُلْتُ		قُلْنَا	سِرْتُ		سِرْنَا

Ажваф феълларнинг мажҳул нисбатидаги «-уви», «-уйи-» товуш бирикмалари «й» га ўзгаради. Масалан:

قِيلَ —> قَوْلٌ — айтилмоқ, дейилмоқ,

سِيرَ —> سَيْرٌ — юрилмоқ, сайр қилинмоқ.

Булар ўтган замонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	قِيلَ	قِيلَا	قِيلُوا	خِيفَ	خِيفَا	خِيفُوا
	мн	قِيلَتْ	قِيلَتَا	قِيلْنِ	خِيفَتْ	خِيفَتَا	خِيفْنِ
II	мз	نَلَتْ	نَلَتَا	نَلْتُمْ	خَلَتْ	خَلَتَا	خَلْتُمْ
	мн	نَلَتْ	نَلَتَا	نَلْتُنْ	خَلَتْ	خَلَتَا	خَلْتُنْ
I		نَلْتُ		نَلْنَا	خَلْتُ		خَلْنَا

Бу тусланишдан кўриниб туриптики, айрим феълларнинг I, II шахси ва III шахс кўплик муаннас шакллари аниқ ва мажҳул нисбатларда бир хил кўринишга эга. Қиёсланг:

خَفَى —> خَفِيَ, خَفَتْ, خَفْنِ ва ҳ.к.

خِيفَ —> خِيفَتْ, خِيفَتَا, خِيفْتُمْ ва ҳ.к.

سَارَ —> سَارَتْ, سَارَتَا, سَارْتُمْ ва ҳ.к.

سِيرَ —> سِيرَتْ, سِيرَتَا, سِيرْتُمْ ва ҳ.к.

3. Ноқис феъллар. Учинчи ўзақ ундоши و — «в» ёки ى — «й» ундошидан иборат бўлган заиф феъллар ноқис феъллар дейилади. Масалан:

(ب ك ي) ўзаги — йигламоқ,

(د ن و) ўзаги — яқинлашмоқ,

(ل ق ي) ўзаги — учратмоқ,

Ноқис феълларнинг ўтган замонда қуйидаги кўринишлари мавжуд:

а) **فَعِلَ** вазнидаги ноқис феълнинг тусланиши қуйида-

гича:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	بَكِيَ	بَكَيَا	بَكَوْا	دَتَا	دَتَوَا	دَتَوْا
	мн	بَكَتْ	بَكَتَا	بَكَنْ	دَتَتْ	دَتَتَا	دَتَوْنْ
II	мз	بَكَتْ	بَكَتَمَا	بَكَتُمْ	دَتَوْتُ	دَتَوْتَمَا	دَتَوْتُمْ
	мн	بَكَتْ	بَكَتَمَا	بَكَتْنْ	دَتَوْتُ	دَتَوْتَمَا	دَتَوْتْنْ
I		بَكَتْ		بَكَتَا	دَتَوْتُ		دَتَوْتَا

Даллатма: 1. III шахс бирлик музаккар шаклида учинчи ўлак ундош **ي** – «й» бўлса, алиф мақсура билан, **و** – «о» бўлса, **ا** (алиф) билан ёзилади.

2. Бирикма олмош қўшилганида, феъл охиридаги алиф мақсура **ا** (алиф) ҳарфига ўзгаради. Масалан, **رَمَى** – «отди», **رَمَاهُ** – уни отди.

б) **فَعِلَ** вазнидаги ноқис феъллар қуйидагича туслана-

ди:

(**ل ق ي**) ўзаги – учратмоқ.

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	لَقِيَ	لَقِيَا	لَقُوا
	мн	لَقِيتْ	لَقِيَتَا	لَقِيْنْ
II	мз	لَقِيتْ	لَقِيَتَمَا	لَقِيْتُمْ
	мн	لَقِيتْ	لَقِيَتَمَا	لَقِيْتْنْ
I		لَقِيتْ		لَقِيْنَا

Эслатма: Ноқис феъллар ичида **فَعَلَ** вазнига тушади-гани деярли йўқ.

в) ҳар уч типдаги феълнинг мажҳул нисбати бир хил вазнда тусланади:

لَتَى —> لَتَى , دَتَى —> دَتَى , بُكِيَ —> بُكِيَ .

Бу мажҳул феълларнинг охирги қисми **لَتَى** феълининг аниқ нисбатидаги қисми билан бир хил бўлганлиги сабабли, шахс-сонда тусланиши ҳам **لَتَى** феълининг аниқ нисбати билан бир хилдир. Масалан,

Шахс	Жинс	Биралик	Иккилик	Кўплик	Биралик	Иккилик	Кўплик
III	мз	بُكِيَ	بُكِيَ	بُكُوا	دَتَى	دَتَا	دَتُوا
	мн	بُكِيَتْ	بُكِيَتْ	بُكِيْنَ	دَتَيْتَ	دَتَيْتَا	دَتَيْنَ
II	мз	بُكِيَتْ	بُكِيَتْ	بُكِيْتُمْ	دَتَيْتَ	دَتَيْتَا	دَتَيْتُمْ
	мн	بُكِيَتْ	بُكِيَتْ	بُكِيْنُ	دَتَيْتَ	دَتَيْتَا	دَتَيْنُ
I		بُكِيَتْ		بُكِيْنَا	دَتَيْتَ		دَتَيْنَا

§ 50. ИККИ ЁҚЛАМА НОТУҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ЎТҒАН ЗАМОНДА ТУСЛАНИШИ

Ўзакдаги ундошлардан иккитаси ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар икки ёқлама нотўғри феъллар дейилади. Бу тоифадаги феъллар ҳақида гап кетганида, « (ҳамза) товуши қам ҳарфи иллатлар таркибига киритилади.

Ҳарфи иллатларнинг қайси ўринда турганлигига қараб, бу феъллар ўзига хос йўл билан тусланади. Буларни уч турга бўлиш мумкин:

1. Биринчи ва иккинчи ўзак ундошлари ҳарфи иллатлардан иборат бўлган феъллар. Масалан:

وَال — паноҳ сўрамоқ, يَسْ — умидсизланмоқ,

(وَب) — қайтмоқ, (ءى د) — пишиқ бўлмоқ.

Солимсифат феъллар ўтган замонда солим феъллар билан фарқ қилмаганлиги сабабли, وَال ва يَسْ феъллари тинидаги феъллар ҳам солим феъллар каби тусланади.

وَال (у), آء (и) феълларида эса, ажваф феълларда бўладиган ўзгаришлар содир бўлади. Масалан,

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	мз	أَب	أَبَا	أَبَا	آء	آءَا	آءُوا
	мн	أَبْت	أَبْتَا	أَبْن	آءْت	آءْتَا	إِءْن
II	мз	أَبْت	أَبْتَمَا	أَبْتَم	إِءْت	إِءْتَمَا	إِءْتَم
	мн	أَبْت	أَبْتَمَا	أَبْتْن	إِءْت	إِءْتَمَا	إِءْتْن
I		أَبْت		أَبْتَا	إِءْت		إِءْتَا

2. Ҳақдаги биринчи ва учинчи ундошлар ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар. Масалан,

أَلَى (и) — келмоқ, وَطِنَ (а) — топтамоқ,
1. 11 сони саналмиш от билан жинсда тўғри мослашадиган ҳар уч келишикда ҳам танвинсиз тушум келишигида келади. Саналмиш от эса ноаниқ ҳолатда бирликда тушум келишигида келади. 1 сони учун أَحَدٌ – إِحْدَى варианти ишлатилади. Мас.,

فِي مَدِينَتِنَا أَحَدٌ عَشَرَ مَتْحَفًا – Шаҳримизда 11 та музей бор,

فِي مَدِينَتِنَا إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – Шаҳримизда 11 та кутубхона бор,

فِي أَحَدٍ عَشَرَ مَتْحَفًا – 11 та музейда,

فِي إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 11 та кутубхонада

زُرْنَا أَحَدَ عَشَرَ مَوْسِمًا – 11 та музейни томоша қилдик.

2. 12 сони ҳам саналмиш от билан шундай муносабатда бўлади. Фақат 2 сони اثْنَا، اثْنَتَا шаклида, қаратқич

ва тушумда эса اثْنَى، اثْنَتَيْنِ шаклида бўлади. Мас.,

لِجَارِنَا اثْنَا عَشَرَ رَدًا – Қўшнимизнинг 12 та боласи бор,

جَاءَتِ اثْنَتَا عَشْرَةَ طَالِبَةً – 12 та толиба келди,

فِي اثْنَى عَشَرَ يَوْمًا – 12 та уйда,

فِي اثْنَتَيْنِ عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 12 та кутубхонада.

3. 13—19 гача бўлган сонлар ҳар доим танвинсиз тушум келишигида бўлади. Бирлар хонасининг жинси саналмиш от жинсига тескари, ўнлар хонасининг жинси саналмиш от жинси билан бир хил бўлади. Мас.,

سَبْعَةَ عَشَرَ عَامًا — 17 йил,

فِي سَبْعَةِ عَشَرَ عَامًا — 17 йилда,

تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً — 19 та шаҳар,

فِي تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً — 19 та шаҳарда,

أَرْبَعَ عَشْرَةَ طَاوِلًا — 14 та стол.

§ 157. 20 — 99 гача СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. 21, 31, 41 ва бошқалардаги 1 рақами учун кўпинча **وَاحِدٌ** — **وَاحِدَةٌ** варианты олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бирлар хонаси билан ўнлар хонаси **وَ** боғловчиси ёрдамида бирикади ҳамда саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келади. Сонлар эса ҳар уч келишикда уч хил турланади:

وَاحِدٌ وَثَلَاثُونَ مِثْرًا — 31 метр,

وَاحِدَةٌ وَعِشْرُونَ مَجَلَّةً — 21 та журнал,

فِي وَاحِدٍ وَثَلَاثِينَ مِثْرًا — 31 метрда,

قَرَأْتُ وَاحِدَةً وَعِشْرِينَ مَجَلَّةً — 21 та журнални ўқидим,

تَمَنُّ وَاحِدَةً وَعِشْرِينَ مَجَلَّةً — 21 та журналнинг нархи.

2. 22, 32, 42 каби сонларда 2 рақами учун **اِثْنَانِ** —

اِثْنَانِ сўзлари олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бу сонларнинг саналмиш от билан бирикуви 21, 31, 41 кабиларнинг бирикуви билан бир хил бўлади. Мас.,

اثنان وعشرون كتاباً – 22 та китоб,

في اثنين وعشرين كتاباً – 22 та китобда,

قرأت اثنين وعشرين مجلداً – 22 та китоб ўқидим,

اثنان وعشرون مجلداً – 52 та журнал,

في اثنين وعشرين مجلداً – 52 та журналда,

أشترت اثنين وعشرين مجلداً – 52 та журнал сотиб олдим.

3. 23, 33, 43 ва ундан юқори сонларда бирлар хонаси саналмиш от билан жинсда тескари мослашади. Ўнлар хонаси билан ў боғловчиси ёрдамида бирикади. Ҳар уч келишикда турланади. Саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишида келади. Мас.,

تِسْعَةٌ وَأَرْبَعُونَ مِثْرًا – 49 метр,

فِي تِسْعَةٍ وَأَرْبَعِينَ مِثْرًا – 49 метрда,

سِتُّ وَثَمَانُونَ رِشَةً – 86 та перо,

أَشْتَرْتُ سِتًّا وَثَمَانِينَ رِشَةً – 86 та перо сотиб олдим.

4. 20 – 90 гача яхлит сонлар билан келган саналмиш от бирликда тушум келишигида ноаниқ ҳолатда келади. Ҳаптадаги вазифасига кўра, келишикларда соннинг ўзи турланади. Мас.,

عشرون كتاباً – 20 та китоб,

في عشرين كتاباً – 20 та китобда,

قرأت عشرين كتاباً – 20 та китоб ўқидим,

§ 158. 100 ВА УНДАН ОРТИҚ САНОҚ СОНЛАР

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларни билиш керак:

1. 100, 1000 каби яхлит сонлар саналмиш от билан мувофақ ҳосил қилади. Музоф илайҳи бўлиб келган саналмиш от ноаниқ ҳолатда бирликда келади. Мас.,

4. Юзлик сонлар ичида ўнлик ва бирлик сонлар ҳам ариқлаш бўлса, аввал юзликлар, сўнг бирлик ва охирида ўнлик хонаси ёзилади. Саналмиш от 11 дан 99 гача қандай тарзда бўлса, бунда ҳам шундай тарзда бўлади. Мас.,

687 та уй — سِتْمِئَةٍ وَسَبْعَةٍ وَثَمَانُونَ بَيْتًا

687 та уйда — فِي سِتْمِئَةٍ وَسَبْعَةٍ وَثَمَانِينَ بَيْتًا

687 та уй қурдик — بَنَيْنَا سِتْمِئَةً وَسَبْعَةً وَثَمَانِينَ بَيْتًا

946 та хона — تِسْعُمِئَةٍ وَسِتٍّ وَأَرْبَعُونَ عُقْرَةً

946 та хонада — فِي تِسْعُمِئَةٍ وَسِتٍّ وَأَرْبَعِينَ عُقْرَةً

946 та хона қўрдик — رَأَيْنَا تِسْعُمِئَةً وَسِتًّا وَأَرْبَعِينَ عُقْرَةً

5. Яхлит сонлардан кейин 1 ёки 2 сони қўшилса, у қуйидагича бўлади:

502 та қалам — خَمْسُمِئَةُ قَلَمٍ وَ قَلَمَانِ

1001 кеча — أَلْفٌ لَيْلَةٍ وَلَيْلَةٌ

6. Агар минглар хонаси ўн минггача бўлса, «минг» сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва у олдинги рақам билан изофага киришади. Юзлар хонаси юқорида кўрганимиздек ёзилади. Мас.,

11000 та китоб — خَمْسَةُ أَلْفٍ كِتَابٍ

1231 та журнал — خَمْسَةُ أَلْفٍ وَ مِئَتَانِ وَ خَمْسُونَ وَ ثَلَاثُونَ مَجَلَّةً

7. Агар минглар хонаси юзликлардан иборат бўлса, (мас., 365723), минг сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва шу тартибда ёзилади. Мас.,

365723 та китоб — ثَلَاثُمِئَةٍ وَ خَمْسَةُ وَ سِتُّونَ أَلْفًا وَ سَبْعُمِئَةٍ وَ ثَلَاثَةٌ

وَ عِشْرُونَ كِتَابًا

8. Миллион ёки миллиард сўzlари иштирок этганида, улар минглардан олдин келади ва уларнинг ёзилиши мингликлар каби бўлади:

سَبْعَةُ مِائَيْنَ وَ سِتِّمِئَةٍ وَ ثَلَاثَةٌ وَ ثَمَانُونَ أَلْفًا وَ خَمْسُمِئَةٍ
وَ ثَمَانِيَةٌ وَ عِشْرُونَ دَفْتَرًا

§ 159. КАСР СОНЛАР

Каср сонлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Махражи ўн ва ундан оз рақам билан ифодаланган бўлиб, сурати 1 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан فُعْلُ ёки فُعْلُ вазнида ҳосил бўлади.

Мас., $1/3$ — ثُلُثٌ ёки ثُلُثٌ , $1/9$ — تُسْعٌ ёки تُسْعٌ .

Эслатма. Махражи 6 дан иборат бўлса, каср сон سُدُسٌ ёки سُدُسٌ шаклида ҳосил бўлади.

2. Махражи 10 ва ундан оз рақам билан ифодаланган бўлиб, сурати 2 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан бош келишида فُعْلَانِ , қаратқич ва тушум келишида فُعْلَيْنِ вазнида ҳосил бўлади. Мас.,

$2/5$ — خُمُسَانِ (خُمُسَيْنِ), $2/7$ — سُبُعَانِ (سُبُعَيْنِ)

3. Юқоридаги каби сонларнинг сурати 3-9 гача бўлса, сурати билан махражи изофа ҳосил қилади. Бунда сура-ти музоф бўлиб, муаннаса келади, махражи ноаниқ ҳо-латда أَفْعَالِ вазнида келади. Мас.,

$5/6$ — $\text{خُمُسَةُ أَمْسَاسٍ}$, $8/9$ — $\text{ثَمَانِيَةُ أَتْسَاعٍ}$.

4. $1/2$ шаклидаги каср сон نِصْفٌ — ярим сўзи билан ифодаланади.

5. Сурати ва махражи 10 дан юқори рақам билан ифодаланган бўлса, جُزْءٌ сўзи ёрдамида синтактик йул билан шаклланади. Мас.,

16/19 , سِتَّةَ عَشَرَ جُزْأً مِنْ تِسْعَةِ عَشَرَ جُزْأً -

اِثْنَانِ وَخَمْسُونَ جُزْأً مِنْ سَبْعَةِ وَتِسْعِينَ جُزْأً - 52/97 .

§ 160. ТАҚСИМ СОН ВА ПРОЦЕНТ

Тақсим сон қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Саноқ сонни икки марта такрорлаш билан. Мас.,

وَاحِدٌ وَاحِدٌ - битта-биттадан,

اِثْنَانِ اِثْنَانِ - иккита-иккитадан.

2. مَفْعَلٌ ёки فُعَالٌ вазнида:

ثَلَاثٌ - учтадан, مَثَلَتٌ - учтадан,

رَبَاعٌ - тўрттадан, سَبَاعٌ - еттитадан.

Маъно жиҳатидан сонга алоқадор сифатлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Сон ўзагидан ҳосил қилинган II боб феълининг мажҳул нисбат сифатдоши шаклида. Мас.,

مُثَلَّثٌ - уч (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.к.).

مُرَبَّعٌ - тўрт (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.к.).

2. مَفْعَلٌ ёки فُعَالٌ вазнидаги сонлардан يٌ ёрдамида ҳосил қилинган нисбий сифат шаклида. Мас.,

رَبَاعِيٌّ - тўрт (бурчакли, томонли, қаторли ва ҳ.к.).

خَمْسَائِيٌّ - беш (бурчакли, томонли, қаторли ва ҳ.к.).

مَقْنَوِيٌّ - икки (бурчакли, томонли, қаторли ва ҳ.к.).

Араб тилида процент فِي ёки بَ предлоги билан яълуви (المِئَةُ) (المِائَةُ) сўзи ёрдамида ифодаланади Мас.,

تِسْعَةُ عَشَرَ فِي الْمِائَةِ - 19 фоиз,

اِثْنَانِ وَخَمْسُونَ بِالْمِئَةِ - 52 фоиз ва ҳ.к.

§ 161. ТАРТИБ СОНЛААР

Тартиб сонлар қуйидагича ясалади:

1. Тартиб сонлар мослашган аниқловчи каби тартиб билдирилаётган отдан кейин келиб, у билан мослашган аниқловчи каби мослашади.

2. 1 – 10 гача тартиб сонлар саноқ сонларнинг ўзагидан **فَاعِلٌ** (мн. **فَاعِلَةٌ**) вазнида ҳосил бўлади. Фақат “биринчи” сўзи **أَوَّلٌ** (мн. **أَوَّلَى**) ва “олтинчи” сўзи **سَادِسٌ** (мн. **سَادِسَةٌ**) шаклида ҳосил бўлади. Мас.,

بَيْتُ خَامِسٌ – бешинчи уй,

الْبَيْتُ الْخَامِسُ – бешинчи уй,

فِي الْبَيْتِ الْخَامِسِ – бешинчи уйда,

رَأَيْتُ الْبَيْتَ الْخَامِسَ – бешинчи уйни кўрдим.

غُرْفَةُ سَادِسَةٍ – олтинчи хона,

الْفُرْقَةُ السَّادِسَةُ – олтинчи хона,

فِي الْفُرْقَةِ السَّادِسَةِ – олтинчи хонада,

دَخَلْنَا الْفُرْقَةَ السَّادِسَةَ – олтинчи хонага кирдик.

3. 11 – 19 гача тартиб сонларда аввал бирлик хонаси тартиб сон шаклида, ўнлик хонаси саноқ сон шаклида келади ҳамда булар доим танвинсиз тушум келишигида ишлатилади. Улар тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда тўғри мослашади. “Биринчи” сўзи ўрнида **حَادٍ** (

الْحَادِي), мн. **حَادِيَةٌ** (мн. **الْحَادِيَةُ**) сўзи ишлатилади. Мас.,

الدَّرْسُ الْحَادِي عَشَرَ – ўн биринчи дарс,

الْفُرْقَةُ الثَّانِيَةُ عَشَرَ – ўн иккинчи хона,

الْجِلْدُ التَّاسِعُ عَشَرَ – ўн тўққизинчи жилд.

4. 20 ва ундан юқори яхлит сонлар саноқ сонлардан фарқ қилмайди. Фақат улар отдан кейин аниқ ҳолатда келади. Мас.,

الْفَرْقَةُ الْعِشْرُونَ — йигирманчи хона,

فِي الْفَرْقَةِ الْعِشْرِينَ — йигирманчи хонада,

الْمَحْبُوسُ الْمِئَةُ — юзичи тутқин,

عِنْدَ الْمَحْبُوسِ الْمِئَةِ — юзичи тутқинда,

الْمِئَةُ الْآلِفُ — мингичи кеча,

حَتَّى الْمِئَةِ الْآلِفِ — мингичи кечагача.

5. 21 — 99 гача яхлит бўлмаган тартиб сонларнинг аввал бирлар хонаси тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда

мислланган ҳолда, ¹боғловчисидан кейин ўнлар хонаси (ҳар миқдори ҳам тартиб сон шаклида) келади ва улар от билан

қилинишида мослашади. Мас.,

الْفَرْقَةُ الثَّلَاثُونَ وَ الثَّمَانُونَ — ўттиз учинчи дарс,

فِي الْفَرْقَةِ الثَّلَاثِينَ وَ الثَّمَانِينَ — ўттиз учинчи дарсда,

الْصَّفْحَةُ السَّادِسَةُ وَ الثَّمَانُونَ — саксон олтинчи бет,

فِي الصَّفْحَةِ السَّادِسَةِ وَ الثَّمَانِينَ — саксон олтинчи бетда.

6. 100 дан юқори тартиб сонларда ҳам шу услуб сақланади ва бунда юзлик хона олдин келади. Мас.,

الْصَّفْحَةُ الثَّلَاثِيَّةُ وَ السَّابِعَةُ وَ الثَّمَانُونَ — уч юз саксон еттинчи бет,

فِي الصَّفْحَةِ الثَّلَاثِيَّةِ وَ السَّابِعَةِ وَ الثَّمَانِينَ — уч юз саксон еттинчи бетда,

الْفَرْقَةُ الْمِئَتَانِ وَ الثَّمَانُونَ وَ الثَّمَانُونَ — икки юз қирқ тўққизинчи хона,

إِلَى الْفَرْقَةِ الْمِئَتَيْنِ وَ الثَّمَانِينَ وَ الثَّمَانِينَ — икки юз қирқ тўққизинчи

хонада.

Наъзан юзлар ва минглар хонаси бирлар ва ўнликлардан ортирага ўтиши ҳам мумкин. Бунда ўртага ²бедъ предлоги қўйилади. Мас.,

الْمِئَةُ الرَّابِعَةُ وَ السَّبْعُونَ بَعْدَ الثَّلَاثِينَ — уч юз етмиш тўртинчи

хона.

§ 162. ВАҚТ, ОЙ, КУН ВА ЙИЛНИ ИФОДАЛАШ

Вақтии ифодалаш қуйидагича бўлади:

1. Соат бўйича вақтни ифодалаш учун тартиб сон ишлатилади:

السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ — соат 5, فِي السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ عَشْرَةَ — соат 12 да.

2. 1 сони ўрнида тартиб сон эмас, саноқ сон **وَاحِدَةً** ишлатилади: السَّاعَةُ الْوَاحِدَةُ لَيْلًا — тунги соат 1.

3. Вақтни ифодалашда фақат 12 гача бўлган рақамлар ишлатилади. Шунинг учун сонлардан кейин **صَبَاحًا** — эрталаб, **نَهَارًا** — кундузи, **مَسَاءً** — оқшом, **لَيْلًا** — тун каби сўзлар қўшиб қўйилади. Мас.,

السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ صَبَاحًا — соат эрталабки 5,

فِي السَّاعَةِ السَّادِسَةِ مَسَاءً — соат 18 да.

حَتَّى السَّاعَةِ الثَّانِيَةِ نَهَارًا — соат 14 гача.

4. “Роппа-роса” сўзи қуйидагича ишлатилади:

الآن السَّاعَةُ الثَّانِيَةِ عَشْرَةَ تَمَامًا — Ҳозир соат роппа-роса 12.

فِي السَّاعَةِ الثَّامِنَةِ بِالصَّبْطِ مَسَاءً — Соат роппа-роса 20 да.

5. 30 минутгача бўлган вақт тартиб сондаги соатга **وَ** боғловчиси ёрдамида саноқ сон билан ифодаланган минутни қўшиш билан ҳосил қилинади. Мас.,

السَّاعَةُ الثَّلَاثَةُ وَخَمْسُ دَقَائِقَ — Соат 3 дан 5 минут ўтди.

السَّاعَةُ الْوَاحِدَةُ وَثَلَاثُ عَشْرَةَ دَقِيقَةً — Соат 1 дан 13 минут ўтди.

السَّاعَةُ الرَّابِعَةُ وَالرَّبْعُ — Соат 4 дан 15 минут ўтди.

السَّاعَةُ الْعَاشِرَةُ وَالثَّلَاثُ لَيْلًا — Соат 22 дан 20 минут ўтди.

6. “Ярим” сўзи (**نِصْفٌ**) ҳам **وَ** боғловчиси ёрдамида ясалади. Мас.,

السَّاعَةُ الْحَادِيَةُ عَشْرَةَ وَ النِّصْفُ — соат 11 ярим.

7. 30 минутдан ортиқ бўлган вақт кейинги соатни тартиб сон билан ифодалангандан кейин **إِلَّا** юкламаси воситасида кейинги соатга етмаган минутни саноқ сонда дефтириш йўли билан ифодаланади ва бу саноқ сон тушум келишигида келади. Мас.,

السَّاعَةُ الثَّالِثَةُ إِلَّا سِتُّ دَكَائِنَ — Соат 2 дан 54 минут ўтди.

في السَّاعَةِ الْوَاحِدَةِ إِلَّا رُبْعًا — Соат 12 дан 45 минут ўтганда.

8. Баъзан 30 минутдан ошган вақт кичкина рақамни ташкил этса, қуйидагича шаклланиши ҳам мумкин:

السَّاعَةُ الرَّابِعَةُ وَ النِّصْفُ وَ أَرْبَعُ دَكَائِنَ — Соат 4 дан 34 минут ўтди.

Кунни ифодалаш учун ҳам тартиб сон ишлатилади. Мас.,

الْيَوْمُ الْعَاشِرُ مِنْ شَهْرِ حَزْرَانَ — 10 июнь,

الْيَوْمُ الْخَامِسُ وَ الْعِشْرُونَ مِنْ شَهْرِ الْمَهْرَلِ — 25 сентябрь.

Баъзан шәр сўзи тушиб қолиши ҳам мумкин. Мас.,

الْيَوْمُ الْعَاشِرُ مِنْ رَجَبٍ — ражаб ойининг 20-чиси.

Баъзан эса **مِنْ** предлоги ишлатилмаслиги мумкин. Бунда тартиб сон билан ой номи изофа ҳосил қилади. Мас.,

سَادِسُ أَنْوَلٍ — 6 апрель.

Йилни ифодалашда тартиб сон ҳам ишлатилиши мумкин. Мас.,

فِي السَّنَةِ الْآلِفِ وَ الثَّمَانِيَةِ وَ الثَّانِيَةِ وَ الثَّمَانِينَ — 1992 йилда,

فِي السَّنَةِ الثَّانِيَةِ وَ الثَّمَانِينَ بَعْدَ الْآلِفِ وَ الثَّمَانِينَ — 1882 йилда.

Ҳозирги араб тилида йилни ифодалаш учун саноқ сон ишлатилмоқда ва у “йил — سَنَةٌ، عَامٌ” сўзи билан изофа ҳосил этади. Бунда “йил” сўзи музоф, саноқ сон музоф илайҳи бўлиб келади. Лекин шунга қарамай, соннинг ўнлар хонаси “йил” сўзи билан саналмиш от билан қандай мослашса, шундай мослашади. Мас.,

1654 йил، سَنَةُ أَلْفٍ وَ سِتْمِئَةٍ وَ أَرْبَعٍ وَ خَمْسِينَ،

1654 йилда، عَامَ أَلْفٍ وَ سِتْمِئَةٍ وَ أَرْبَعَةٍ وَ خَمْسِينَ،

1582 йилда، سَنَةُ أَلْفٍ وَ خَمْسِمِئَةٍ وَ ائْتَيْنِ وَ ثَمَانِينَ،

1582 йилда، عَامَ أَلْفٍ وَ خَمْسِمِئَةٍ وَ ائْتَيْنِ وَ ثَمَانِينَ.

§ 163. ИСТИСНОЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

“Истиснолик” термини ўзбек тили грамматикасида ишлатилмайди, чунки у алоҳида грамматик категория ҳисобланмайди.

Истисноликни конкрет тасаввур қилиш учун “Сендин ўзга кимни дерман, ёри жононим — ўзинг”, “Боғимизда гилосдан бошқа ҳамма мевалар мавжуд” мисолларини келтириш kifoya. Бу мисоллардаги “сендин ўзга”, “гилосдан бошқа” иборалари истисноликни билдиради.

Араб тилида истисноликни ифодалаш учун истисно қилинаётган сўздан олдин қуйидаги юкламалар қўйилади:

غَيْرٌ، سِوَى، عَدَا، خِلَا، حَاشَا، إِلَّا

Булар ичида энг кўп ишлатиладигани **إِلَّا** юкламасидир. Унинг қуйидаги морфологик хусусиятлари мавжуд:

1. Истиснолик иштирок этган гап бўлишли (тасдиқ) гап бўлса, **إِلَّا** юкламасидан кейинги сўз тушум келишигидан келади. Мас.,

وَصَلَ الْجَمِيعُ إِلَّا سَلِيمًا — Салимдан бошқа ҳамма келди.

رَأَيْتُ الْأَقْلَامَ عِنْدَ جَمِيعِ الطُّلَابِ إِلَّا مَحْمُودًا

Маҳмуддан бошқа барча студентларда қалам кўрдим.

2. Агар гап бўлишсиз маънодаги (инкор) гап бўлса,

أَلَا дан кейинги сўз қайси сўздан истисно қилинаётган бўлса, ўша сўзнинг келишигини қабул қилади. Мас.,

لَمْ يُسَافِرِ الضُّيُوفُ إِلَّا كَرِيمًا — Каримдан бошқа меҳмонлар сафарга мунаммидлар (الضُّيُوفُ — бош келишикда),

مَا رَأَيْتُ الْفُلَّاحِينَ إِلَّا مَحْمُودًا — Маҳмуддан бошқа деҳқонларни кўрмадим. (الْفُلَّاحِينَ — тушум келишигида),

لَمْ أَسْلَمْ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا سَلِيمًا — Салимдан бошқа ҳеч кимга салом бермадим. (عَلَى أَحَدٍ — қаратқич келишигида).

3. Агар бўлишсиз (инкор) маънодаги гапда истиснолик мавжуд бўлса-ю, қайси сўздан истисно қилинаётганлиги мавжуд бўлмаса, أَلَا дан кейинги истисно шу أَلَا юклаганиси бўлмаганида қайси келишикда бўлса, ўша келишикда ишлатилади ва бундай гап бўлишсиз шаклда эмас, балки “фақат” сўзи ёрдамида бўлишли (тасдиқ) гап шаклида таржима қилинади. Мас.,

مَا ذَهَبَ إِلَّا حَسَنًا — Фақат Ҳасан кетди (Ҳасандан бошқаси кетмади),

لَمْ أَرَ إِلَّا زَيْدًا — Фақат Зайдин кўрдим (Зайддан бошқасини кўрмадим).

4. حَسَنًا, خَلَا, عَدَا юкламаларидан кейинги истисно сўз қаратқич келишигида ҳам, тушум келишигида ҳам ишлатилиши мумкин:

أَسْتَبَقْتُ كُلَّهُمْ حَسَنًا (يَدًا) — Зайддан бошқа ҳаммалари уйғонишди,

أَسْتَبَقْتُ كُلَّهُمْ حَسَنًا (يَدًا) — Зайддан бошқа ҳаммалари уйғонишди.

Агар حَسَنًا, خَلَا юкламалари олдидан مَا юклаганиси келса, бу юкламаларнинг мазмуни ўзгармайди, лекин булардан кейинги истисно фақат тушум келишигида келади. Мас.,

مَا عَدَا مُحَمَّدًا — Маҳмуддан бошқа,

مَا خَلَا زَيْنَبَ — Зайнабдан бошқа.

5. سَوَى غَيْرُ сўзларидан кейинги сўз қаратқич келишигида келади, чунки бу сўзлар ўзларидан кейинги ис-
тисно билан изофа ҳосил қилади (غَيْرُ сўзининг ишлати-
лишига юқорида тўхталинган — §39). Мас.,

حَضَرَ الدَّرْسَ جَمِيعُ الطَّلَبَةِ غَيْرُ كَرِيمٍ —

Каримдан бошқа барча талабалар дарсда ҳозир бўлишди.

لَمْ يَشَارِكْ فِي السَّابِقَةِ سِرَى مُحَمَّدٍ

— Конкурсда Муҳаммаддан бошқаси иштирок этмади.

§ 164. МАВҲУМ ОТЛАР

Иш-ҳаракат, сифат ёки ҳолат ҳақидаги мавҳум тушун-
чаларни ифодаловчи отлар мавҳум (абстракт) отлар де-
йилади. Мавҳум отлар араб тилида қуйидаги тур сўзлар
охирига **يَّة** — қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилина-
ди:

1. Отларга. Мас., **إِنْسَانٌ** — инсон → **إِنْسَانِيَّةٌ** — инсоният, **أَبَدٌ** — абад → **أَبَدِيَّةٌ** — абадият.

2. Масдарга. Мас., **أَشْتَرَاكَ** — қатнашиш → **أَشْتِرَاكِيَّةٌ** — социализм.

3. Сифатдошга. Мас.,

مَسْتَوِلٌ — жавобгар → **مَسْتَوِلِيَّةٌ** — жавобгарлик,

قَابِلٌ — иқтидорли → **قَابِلِيَّةٌ** — қобилият.

4. Сифатга. Мас., **أَغْلَبُ** — энг кўп → **أَغْلَبِيَّةٌ** — кўпчилик,

حُرٌّ — эркин → **حُرِّيَّةٌ** — эркинлик.

5. Олмошга. Мас., **كَيْفٌ** — қандай → **كَيْفِيَّةٌ** — кайфият, **هُوَ** — у

→ **هُوَِيَّةٌ** — шахсият.

§ 165. КИЧРАЙТМА ОТЛАР

Ўзбек тилида -ча, -чоқ, -чак аффикслари ёрдамида кичрайтма отлар ҳосил бўлганидек, араб тилида ҳам кичрайтма отларнинг айрим ҳосил бўлиш вазнлари мавжуд:

1. Уч ундош ўзакли сўزلардан **فَعِيلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Мас.,

كَلْبٌ → **كَلِيبٌ** — кучук,

رَجُلٌ → **رَجِیلٌ** — кичкина одам.

2. Иккинчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган отлардан **فَعِيلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Мас.,

غَلَامٌ → **غَلِیمٌ** — кичкина хизматкор,

جَمِیلٌ → **جَمِیلٌ** — чиройли (кичкина).

3. Биринчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган сўزلардан **قَوَاعِلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Мас.,

قَارِسٌ → **قَوَیرِسٌ** — кичик чавандоз,

كَاتِبٌ → **كَوَتِيبٌ** — кичик котиб,

خَادِمٌ → **خَوَدِیمٌ** — кичик хизматкор.

4. Нотўғри ўзакли сўزلардан ҳам шу нотўғрилиқнинг оқибатида мос ўзгаришга учраган ҳолда ҳосил бўлади. Мас.,

أَبٌ → **أَبِیٌ** — (аслида **أَبُو**) — эшикча, **بُتٌّ** → **بُتِیٌ** —

ададдон,

سَمٌّ → **سَمِیٌ** — (аслида **سَمٌ**) — ўғилча, **بَنٌ** → **بَنِیٌ** —

(аслида **بَنٌ**) — исмча, **بَنَتْ** → **بَنِیَّةٌ** — қизча.

5. Тўрт ҳарфдан иборат бўлган отлардан иккинчи

ундош товушдан кейин “-ай” қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Мас.,

عَقِيرَبْ → عَقْرَبْ — чаёнча, مَسْجِدْ → مَسْجِدْ — масжидча.

6. Агар сўзнинг охиридан иккинчи бўғинда “а, у, и” чўзиқ унлиларидан бири мавжуд бўлса, булар чўзиқ “й”га ўзгариб кетади. Мас.,

مَقْبِيحْ → مِفْتَاحْ — чумчуқча, عَصْفُورْ → عَصْفِيرْ — калитча.

7. Беш ундош ўзакли сўзлардан кичрайтма сўз ҳосил қилинганида, охириги ўзак ундош тушиб қолади. Мас.,

سُقَيْرْجْ → سَقَرَجَلْ — булбулча, عَنَدِيثْ → عَنَدَلِيْبْ — беҳича.

8. Муаннас сўзлардан ясалган кичрайтма отларда ҳам муаннаслик белгиси тушиб қолмайди. Мас.,

هَرِيرَاءْ → هَرَاءْ — мушукча, قَلْبَعَاءْ → قَلْعَاءْ — қалъача, حَمِيرَاءْ → حَمِيرَاءْ — қизил (кичкина).

9. “ё - та марбута” ҳарфисиз ҳосил бўлган муаннас отлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинганида, охирида ё ҳарфи қўшиб қўйилади:

أَرِضَاءْ → أَرْضْ — кичик ер, قُومِيْنَاءْ → قُومِيْنْ — қуёшча, شَمْسْ

10. ان — қўшимчаси билан тугаган от ва сифатлардан кичрайтма отлар ҳосил қилинганида ҳам қўшимчаси сақланиб қолади:

سَلْمَانْ → سَلْمَانْ — Сулаймон ёки кичик Салмон,

كُسْلَانْ → كُسْلَانْ — дангасача,

سُكْرَانْ → سَكْرَانْ — кичкина маст (одам).

11. Кичрайтма от шакллари айрим предлогларда ҳам қўлланилади ва шу предлоглардаги маънонинг оз ёки кўпроқ эканлигига ишора қилади. Мас.,

قَبِيلٌ — бир оз олдин, —> قَبْلَ

فَوْقَ — бир оз устида, —> فَوْقَ

بَعْدَ — бироз кейин. —> بَعْدَ

§166. ДОНА ОТЛАР

Дона отлар бир хил предметлар ичидан бир донасини биладиради ва у от охирига “и-та марбута” ҳарфини қўшиб билан ҳосил қилинади. Мас.,

جَزَرَةٌ — (бир дона) сабзи, —> (умуман) сабзи — جَزَرٌ

بَصَلَةٌ — (бир бош) пиёз, —> (умуман) пиёз — بَصَلٌ

تَبَنَةٌ — сомоннинг бир чўпи. —> (умуман) сомон — تَبَنٌ

Йўлардан ташқари у ёки бу предмет жуда кўп учрайдиган, ҳосил бўладиган, тўпланадиган ўринни биладирувчи отлар ҳам бўлиб, у араб тилида **أَسْمُ الْكَثْرَةِ**

деп йиғилади ва у **مَفْعَلَةٌ** вазнида ҳосил бўлади:

مَبْطَحَةٌ — тарвуз экилган полиз, —> тарвуз — بَطِيحٌ

مَلْبَنَةٌ — сут комбинати, —> сут — لَبَنٌ

مَأْسَدَةٌ — йўлбарс кўп учрайдиган ўрмон. —> йўлбарс — أَسَدٌ

§ 167. КИШИ НОМЛАРИ

Кишиларга қўйиладиган номлар содда (арабча — **فَعْلٌ مُرْتَبِعٌ**) ва мураккаб (арабча — **مُرْكَبٌ**) бўлиши мумкин.

Содда номлар биргина сўздан иборат бўлади. Мас.,

كَرِيم — Карим, سَلِيم — Салим.

Мураккаб номлар икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлиб, қуйидаги шаклларда бўлади:

1. Изофа шаклидаги номлар. Мас.,

عَبْدُ اللَّهِ — Абдуллоҳ, سَيِّفُ الدِّينِ — Сайфиддин,

أَمْرُ الْقَيْسِ — Имрау-лқайс, عَبْدُ مَنَابٍ — Абдуманноф.

2. Икки сўзнинг изофа бўлмаган бирикувидан ҳосил бўлган номлар. Мас.,

حَضْرَ مَوْت — Ҳадрамавт, بَعْلُ بَكْ — Баалбак.

3. Гап шаклидаги номлар. Мас.,

تَأْبَطُ شَرًّا — Тааббата шарран (жоҳилият шоирининг исми. Луғавий маъноси — у ёвузликни қўлтиғига қистирди).

Араб халқида ўтмишда номлар қуйидаги элементлардан иборат бўлган:

1. Туғилганда қўйилган ном (арабча — عَلَمٌ). Мас.,

أَلْحَسَنُ — Ал-Ҳасан, سُلَيْمَانُ — Сулаймон,

زَيْدٌ — Зайд, طَلْحَةُ — Талҳа.

2. Ота ёки ўғил номи билан боғлиқ ҳолда ишлатилган ном (арабча — كُنْيَةٌ). Мас.,

أَبُو الْحَسَنِ — АбулҲасан, أَبُو عَبْدِ اللَّهِ — Абу Абдуллоҳ,

أَبُو عَلِيٍّ — Абу Али, ابْنُ بَطْرُطَةَ — Ибн Баттута.

3. Туғилган қабиласи, шаҳри ёки яшаган ватани номи билан боғлиқ ном (арабча — نَسَبٌ). Мас.,

الْقُرْمِزِيُّ — Аттирмизий, الْبَغَارِيُّ — Албухорий,

أَرَاكُنِي — Аррозий.

4. У ёки бу нарсага ўхшатиш, касби, ҳунари, қобилияти, таланти билан боғлиқ ном (арабча — الْقَبْ) Мас.,

مَلِكُ الْكَلَامِ — Маликулкалом (сўз подшоҳи),

شَرَفُ الدِّينِ وَ الدُّوْلَةِ — Шарафуддин вадавла (Дин ва давлат фахри).

Бу элементлар ўтмишда биргаликда бир бутунни ташкил этган ва уларнинг тартиби қуйидагича бўлган: аввал авқаб, сўнг “абу” сўзи билан бошланадиган куня, ундан кейин туғилганда қўйилган ном — алам, сўнг “ибн” сўзи билан бошланадиган куня, ундан кейин нисба ва охирида қўйилган лақаблар. Мас.,

أَبُو إِسْحَاقَ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُحَمَّدٍ الْقَارِسِيِّ الْإِسْطَخْرِيِّ

— Бу ном ўзбекчада қуйидагича талқин қилинади: Исоқнинг отаси Муҳаммаднинг ўғли Иброҳим Ал-Форисий Ал-Истахрий.

عَزُّ الدِّينِ أَبُو الْحُسَيْنِ عَلِيُّ الشَّيْبَانِيِّ الْمَعْرُوفُ بِأَبْنِ الْأَسِيرِ

Дин қуввати Ҳусайннинг отаси Ибну-л-Асир номи билан танилган Али аш-Шайбоний.

Агар АБН сўзи туғилганда қўйилган ном билан отасининг исми ўртасида турганида, бу сўздаги 1 танвин ва тугилганда қўйилган ном охиридаги танвин тушиб қолади. Мас.,

مُحَمَّدُ بْنُ زَيْدٍ — Муҳаммад ибн Зайд,

إِلَى مُحَمَّدٍ بْنِ زَيْدٍ — Муҳаммад ибн Зайдга,

رَأَيْتُ مُحَمَّدَ بْنَ زَيْدٍ — Муҳаммад ибн Зайдни кўрдим.

§ 168. ИККИ ТОМОНЛАМА МОСЛАШУВЧИ АНИҚЛОВЧИ

Сифат ва сифатдошдан ясалган мослашган аниқловчи аниқланмиш билан тўрт жиҳатда мослашиши маълум. Мас.,

بَلَدٌ جَمِيلٌ، الْمَدِينَةُ الْجَمِيلَةُ ва ҳ.к.

Бундан ташқари араб тилида яна шундай мослашган аниқловчилар ҳам мавжудки, улар ҳам ўзидан олдинги, ҳам кейинги сўз билан мослашади. Мас.,
لِي صَدِيقٌ جَمِيلٌ عَيْنُهُ — Менинг кўзи чиройли дўстим бор.

Бундай ибораларда аниқловчи ҳар доим бирликда келади. Аслида бу аниқловчи (جَمِيلٌ) ўзидан кейинги сўзни аниқлаб келади, яъни бу аниқловчининг аниқланмиши عَيْنٌ дир. Бу аниқланмиш билан аниқловчи биргаликда олдинги (صَدِيقٌ) сўзни аниқлаб келади. Морфологик жиҳатдан эса, аниқловчи жинсда ўзидан кейинги сўз билан, ҳолат ва келишиқда эса ўзидан олдинги сўз билан мослашади. Бу иборанинг охириги компоненти (عَيْنُهُ) доим бош келишиқда келади. Мас.,

— عِنْدَ الصَّدِيقِ الْجَمِيلِ عَيْنُهُ كِتَابٌ

Кўзи чиройли ўртоқнинг китоби бор.

— عِنْدَ الصَّدِيقِ الْحَسَنِ وَجْهُهُ قَلَمٌ

Юзи чиройли дўстнинг қалами бор.

— لِي صَدِيقٌ حَسَنٌ وَجْهُهُ

Менинг юзи чиройли дўстим бор.

§ 169. ТААЖЖУБНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Араб тилида таажжуб ёки ҳайратни ифодаловчи маъдум феъл шакллари мавжуд бўлиб, улар **أَفْعَالُ التَّعَجُّبِ** дейилади. Бу феъллар икки шаклда ишлатилади:

1. **مَا** юкламаси ва IV боб феъли ўтган замонининг III шахс бирлик музаккар шаклида — **مَا أَفْعَلَ**. Мас.,

جَمِيلٌ — чиройли —> **مَا أَجَمَلَ** — Қандай чиройли!

طَيِّبٌ — яхши —> **مَا أَطَيَّبَ** — Қандай яхши!

بَقِيضٌ — хунук —> **مَا أَبْقِضَ** — Қандай хунук!

Ҳайрат ва таажжуб объекти бўлган предмет тушум билишигида келади. Бунда юқоридаги феъллар от билан шунда ва сонда мослашмайди:

أَحْسَنَ الْوَلَدُ — Қандай яхши бола!

أَسْعَدَ الرَّجُلُ — Қандай бахтли одам!

أَسْعَدَ الْمَرْأَةُ — Қандай бахтли аёл!

2. Ҳайратланиш феъли IV бобнинг II шахс музаккар бирликдаги буйруқ майлида келиб, ҳайратланиш объекти предлоги билан қаратқич келишигида келади. Мас.,

أَحْسَنَ بِالْوَلَدِ — Қандай яхши бола!

أَسْعَدَ بِالْمَرْأَةِ — Қандай бахтли аёл!

Ҳар икки форма бир хил маънони ифодалайди. Шунинг билан айтиш керакки, иккинчи форма ҳозирги араб адабий тилида кам қўлланилади.

3. Агар ҳайратланиш объекти предмет бўлмай, ҳарият номи бўлса, у **أَنْ** юкламасидан кейин истак майлида бўлган феъл воситасида ҳам шаклланиши мумкин. Мас.,

مَا أَحْسَنَ بِالرَّجُلِ أَنْ يَصْدُقَ وَمَا أَقْبَحَ بِهِ أَنْ يَكْذِبَ

— Инсоннинг рост гапиргани қандай яхши ва унинг алдагани қандай ёмон!

4. Агар ҳайратланиш ўтган ёки келаси замонга тегишли бўлса, таажжуб феълидан олдин **كَانَ** феъли ўтган ёки келаси замонда қўйилади. Мас.,

مَا كَانَ أَسْعَدَ زَيْدًا — Зайд қандай бахтли эди!

مَا يَكُونُ أَسْعَدَ زَيْدًا — Зайд қандай бахтли бўлади!

5. Таажжуб баъзан **بِ** ва **لِ** юкламалари билан келган ҳайратланиш объекти ёки қўшилиб келувчи олмош билан ифодаланиши мумкин:

يَا لَهُ رَجُلًا — Бу қандай одам!

يَا لَكَ — Сен қанақасан ўзи!

§ 170. ҚАСАМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Қасам от олдига **بِ** ва **لِ** ёки **لِ** юкламаларидан бирини келтириш билан ифодаланади. Бу юкламалардан кейинги от қаратқич келишигида келади. Мас., **تَاللَّهِ، بِلِلَّهِ، وَاللَّهِ** — худо ҳақи!

Буларнинг ичида энг кўп ишлатиладигани **وَاللَّهِ** дир.

Умуман, бу юкламаларни ишлатишда қуйидаги ўзига хослик бор:

1. **أَقْسَمَ** — юкламаси ишлатилганида ундан олдин қасам ичмоқ феъли ҳам иштирок этиши мумкин. Мас.,

أَقْسَمُ بِكَ — Сенинг ҳақинг билан қасам ичаман.

أَقْسَمُ بِرَأْسِكَ — Бошинг ҳақи қасам ичаман.

2. وَ юкламаси. Мас., وَ اَللّٰهُ — Худо қақи қасам ичаман, وَ لِحَبِيِۡٔ اَبِيكَ — Отангининг соқоли қақи қасам ичаман.

وَ юкламаси бирикма олмошлар билан ишлатилмайди.

3. ۚ юкламаси. Бу юклама фақат тангри номига қўшибгина ишлатилади. Мас., ۚ تَاللّٰهُ — худо қақи қасам ичаман. ۚ تَرَبُّۤاۡلِ الْكَعْبَةِ — Каъба тангриси қақи қасам ичаман.

Бу юкламалардан ташқари баъзан ۚ юкламаси ҳам ишлатилиши мумкин. Мас., ۚ لَعْنُكَ — Сенинг ҳаётинг қақи қасам ичаман.

Шу билан бир қаторда у ёки бу масалада қасам ичиб маънада бериш, илтимос қилиш усуллари мавжуд. Мас.,

اَللّٰهُمَّ اَنْشُدْكَ اَللّٰهُ — Аллоҳдан сенинг учун сўрайман...

ۚ قَدَيْتُكَ بِنَفْسِي — Жонимни сенга фидо қилай...

§ 171. ФЕЪЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Келишиклар ичида араб тилида энг кўп қўлланиладигани тушум келишигидир. Чунки у гапда жуда кўп грамматик муносабатларни билдиради.

Кўпинча гапда воситасиз, айрим ҳолларда воситали ҳам, тўлдирувчи тушум келишигида келиши маълум. Мас.,

ۚ شَرِبْتُ الشَّايَ — Мен чой ичдим, ۚ رَكِبْتُ السَّيْفِيۡنَةَ — Мен
мамага ўтирдим.

Бу гапларда тушум келишиги гапда иштирок этаётган феъланинг характери билан боғлиқ: 1 — феъл ўтимли бўлгани учун тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчини

талаб қилади; 2 — феъл эса ўтимсиз бўлса ҳам, иш-ҳаракат ўтувчи объектни тушум келишигида бошқарувчи феълдир.

Араб тилида яна шундай феъллар мавжудки, улар икки ва ундан ортиқ сўзни тушум келишигида бошқарадилар:

1. “Билиш”, “ўйлаш”, “гумон қилиш” маъноларидаги زَعَمَ — ўйламоқ, гумон қилмоқ, وَجَدَ — топмоқ, билмоқ, حَسِبَ — ҳисобламоқ, عَدَّ — санамоқ, عَلِمَ — билмоқ, رَأَى — кўрмоқ ва шу каби, шунингдек, II ва IV бобдаги ўта ўтимли феъллар ўзидан кейин иккита сўзни тушум келишигида бошқаради. Шуларнинг бири воситасиз тўлдирувчи бўлса, иккинчиси воситали тўлдирувчи ёки бошқа гап бўлакларидир. Мас.,

$\text{ظَنَنْتُ الطَّالِبَ عَاقِلًا}$ — Студентни ақлли гумон қилдим,

$\text{أَرَى زَيْنَبَ مُجْتَهِدًا}$ — Зайнабни тиришқоқ кўряпман.

2. Яна шундай феъллар мавжудки, улар ўзидан кейин иккита сўзни тушум келишигида бошқаради: уларнинг биринчиси воситали тўлдирувчи, иккинчиси воситасиз тўлдирувчи бўлади. Мас.,

$\text{أَعْطَى مُحَمَّدًا كِتَابًا}$ — Муҳаммадга китоб беринг (мз),

$\text{عَلَّمَ ابْنَكَ الْقُرْآنَ}$ — Ўғлингизга Қуръонни ўргатинг (мз),

$\text{أَتَخَلَّلْنَ الْأَصْنَامَ إِلَهًا}$ — Бутларни илоҳ сифатида қабул қиласизларми?

3. Араб тилида “хабардор қилиш”, “билдириш”, “хабар бериш” маъноларида айрим феъллар ҳам мавжудки, улар ўзидан кейин учта отни тушум келишигида бошқаради. Мас.,

$\text{أَعْلَمَتِ الْأُمُّ كَرِيمًا الْعِلْمَ نَافِعًا}$ — Она Каримга илмни фойдали эканлигини билдирди.

§ 172. БИРГАЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Араб тилида иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилишини билдириш учун ишлатиладиган грамматик категория мавжуд бўлиб, уни биргалик тўлдирувчиси деб аташ мумкин. Бу тўлдирувчи **وَ** боғловчисидан кейин тушум келишигида келади. Мас.,

سَارَ الْعُمَّالُ وَالْثِيْلُ – Ишчилар Нил бўйлаб кетдилар.

وَمَا أَنَا ذَاهِبٌ بِتَنَارٍ وَ سَلِيمًا الْعَشَاءُ – Мана мен Салим билан кечки овқатга кетяпман.

§ 173. МАҚТОВ ВА ТАҲҚИР ФЕЪЛЛАРИ

Кишининг бирор шахс ёки предметга нисбатан яхши ёки ёмон фикрини ифодаловчи бу сўзларни феъл дейиш тўла маънода тўғри бўлмайди. Чунки улар иш-ҳаракат ёки ҳолатни билдирмайди. Бу сўзлар жинсда феъл каби тўслангани учун араб тили грамматикасида феъл деб эътибор қабул қилинган (**أَفْعَالُ الْمَدْحِ وَاللَّيْمِ**). Бу феълларга қуйидагилар киради:

1. **حَسْبًا، نِعَمَ** – ўзбек тилига “қандай яхши” деб таржима қилинади.

2. **سَاءَ، بَشَسَ، لَا حَسْبًا** – ўзбек тилида “қандай ёмон” маъносини билдиради.

Маъкур феълларнинг ўзига хослиги шундаки, улар ҳамонога қараб ўзгармайди (**لَيْسَ** феъли каби). Уларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Бу феъллардан кейинги биринчи от мақталадиган ёки таҳқирланадиган от гуруҳга мансуб маънони ифода қилади. Иккинчи от мақталадиган шахс ёки предметни

билдиради. Буларнинг ҳар иккиси ҳам бош келишикда келади. Масалан:

نَعَمْ أَلَا بُوكَ — Сенинг отанг қандай яхши!

بِئْسَ الْكَلَامُ كَلَامُهُ — Унинг гапи қандай ёмон!

2. Баъзан биринчи от ноаниқ ҳолатда келиши ҳам мумкин. Масалан:

نَعَمْ شَاعِرًا هُوَ — У қандай яхши шоир!

سَاءَتْ مَرْأَةُ زَيْنَبَ — Зайнаб қандай ёмон хотин!

3. Баъзан эса икки отдан бири тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан:

نَعَمْ زَيْدٌ — Зайд қандай яхши!

بِئْسَ الشَّرَابُ — Ичкилик қандай ёмон!

4. Мақталаётган объект гоҳи гапдан иборат бўлиши мумкин. Бунда бу феъллардан кейин مَا юкламаси қўшилади, Масалан:

نَعَمْ مَا قُلْتَهُ لِي — Менга айтган нарсанг қандай яхши!

سَاءَ مَا يَفْعَلُونَ — Қилаётган (ишлари) қандай ёмон!

5. لَا حَيْدًا, حَيْدًا — феълларидан кейин мақталадиган (тахқирланадиган) битта от келади, холос. Масалан:

حَيْدًا الْعِلْمُ — Илм қандай яхши!

لَا حَيْدًا زَيْنَبُ — Зайнаб қандай ёмон!

§ 174. СОДДА ГАПНИНГ МАХСУС ТУРИ

Махсус тур дейишга сабаб шуки, бу турдаги гап ўзбек тилида йўқ, шунинг учун у сўзма-сўз таржима қилинмайди. Бундай гапларда аввал эга, сўнг от кесимли ёки феъл кесимли гапдан иборат бўлган кесими келади:

асосий гапнинг эгасига жинсда ва сонда мослашган биринчи олмаш кесим вазифасида ишлатилаётган гапнинг бирор бўлагига қўшилиб келади. Мас.,

الْغَائِبُ حُجَّتُهُ مَعَهُ

— Йўқнинг ҳужжати ўзи билан (Мақол).

الْمَطْبُخُ مَا فِيهِ غَازٌ

— Ошхонада газ йўқ.

كُلُّ مُبْتَدَأٍ لَهُ أَنْتَهَاءٌ

— Ҳар бир бошланган нарсанинг ниҳояси мавжуд.

إِنَّ الْعُيُوبَ لَا يُمَكِّنُ سِتْرَهَا بِكَلِمَاتٍ

— Нуқсонларни сўз билан яшириб бўлмайди.

Бу содда гаплар қуйидагича шаклда бўлганида биз шуларга осон тушунар эдик.

حُجَّتُهُ الْغَائِبِ مَعَهُ

مَا فِي الْمَطْبُخِ غَازٌ

لِكُلِّ مُبْتَدَأٍ أَنْتَهَاءٌ

لَا يُمَكِّنُ سِتْرَ الْعُيُوبِ بِكَلِمَاتٍ

Мухсус турдаги олдинги гапларнинг кейинги оддий гаплардан фарқи шундаки, уларда мантикий ургу кесим ўрнида келадиган гапларнинг эгасига қаратилган бўлади.

Агар кесим ўрнидаги гапнинг кесими ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса, асосий гапдаги эга шу феълнинг мантикий воситасиз тўлдирувчиси ҳисобланади. Масалан:

أَلَشَاءَ الْمَذْبُوحَةُ لَا يُؤْلَمُهَا السَّلْمُ

Сўйилган қўйнинг териси шилинганда жони оғримайди (Сўзма-сўз: Терини шилиш сўйилган қўйни қийнамайди. Мақол: Ўзбекчадаги “Отамнинг ўлишини билганимда кепакка сотиб ердим” мақолига мос келади).

§ 175. ҚЎШМА ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Қўшма гаплар уни ташкил этган гаплар ўртасидаги муносабатнинг турларига кўра иккига бўлинади:

1. Боғланган қўшма гап.
2. Эргашган қўшма гап.

Боғланган қўшма гапни ташкил этувчи содда гаплар ўзаро тенг боғланади ва бири иккинчисига тобе бўлмайди. Бу гаплар ўзаро **فَ، ثُمَّ، بَلْ، لَكِنْ، وَ** каби боғловчилар ёрдамида бирикади.

Эргашган қўшма гапни ташкил этувчи содда гапларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, уни тўлдириб, аниқлаб ёки бошқа томондан ҳарактерлаб келади. Тўлдирилиб ёки аниқланиб келаётган гап бош гап, тобе гап эса эргаш гап дейилади. Эргаш гап бош гапни қайси томондан ҳарактерлаб келаётганлигига кўра, бир неча турларга бўлинади. Араб тилида эргаш гапларнинг: аниқловчи эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, эга эргаш гап, кесим эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, пайт эргаш гап, ҳолат эргаш гап, ўрин эргаш гап, ҳол эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, натижа эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, истисно эргаш гап каби турлари мавжуд.

§ 176. АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛАИ ҚЎШМА ГАП

Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги у ёки бу сўзнинг белгисини билдиради ва қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги қайси бўлакнинг белгисини билдирса, бевосита шу бўлакдан кейин келади.

2. Белгиси билдирилиб келаётган сўз аниқ ҳолатда бўлса, у билан аниқловчи эргаш гап ўртасига нисбий олмош қўйилади. Араб тилида нисбий олмош қуйидаги вариантларга эга:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
мз	الَّذِي	الَّذَانِ	الَّذِينَ
мн	الَّتِي	الَّتَانِ	الَّتِي، الَّتِي، الَّتِي

Бу олмошларнинг бирлик ва кўплик вариантлари келишида турланмайди. Иккилик шакли эса, келишиклари қуйидагича турланади:

Келишик	Мз	Мн
Бош кел.	الَّذَانِ	الَّتَانِ
Қар кел.	الَّذَيْنِ	الَّتَيْنِ
Тушум кел.	الَّذَيْنِ	الَّتَيْنِ

Бу нисбий олмош бош гаптаги белгиси аниқланиб келадиган бўлак билан жинсда, сонда мослашиши керак. Мас.,

رَأَيْتُ الطَّالِبَ الَّذِي يَدْرُسُ فِي جَامِعَتِنَا

— Университетимизда ўқиётган студентни кўрдим.

تَعْمَلُ الْعَامِلَاتُ اللَّوَاتِي دَخَلْنَ هَذِهِ الْحَجْرَةَ فِي هَذَا الْمَعْمَلِ

— Бу хонага кирган ишчи аёллар шу фабрикада ишланшади.

قَرَأْتُ هَذَيْنِ الْكِتَابَيْنِ اللَّذَيْنِ مَوْجُودَانِ فِي مَكْتَبَةِ الْكَلْبَةِ

— Факултет кутубхонасида мавжуд бўлган бу икки китобни ўқидим.

Эслатма. Мисоллардан кўриниб турибдики, уларнинг ўзбекча варианты аниқловчи эргаш гапли қўшма гап шаклида эмас. Ҳозирги ўзбек тилида бундай иборалар кўпинча кенгайтирилган сифатдош ёрдамида ифодаланади. Ўски ўзбек тилида эса уларнинг аниқловчи эргаш гап шаклидаги варианты мавжуд бўлган. Мас., Мен шундай

студентни кўрдимки, у университетимизда ўқийди. Ишчи аёллар, қайсики бу хонага кирдилар, шу фабрикада ишлайдилар ва ҳ.к.

3. Агар аниқловчи эргаш гапнинг эгаси бевосита белгиси билдирилаётган бўлак бўлса, шунга мос бўлган нисбий олмош аниқловчи эргаш гапнинг грамматик эгаси ҳисобланади. Мас.,

سَمِعْتُ الطَّالِبَةَ الَّتِي تَتَكَلَّمُ بِالْعَرَبِيَّةِ جَيِّدًا جَدًّا

— Араб тилида жуда яхши гаплашадиган толибани эшитдим.

4. Агар белгиси билдирилаётган бўлак аниқловчи эргаш гапнинг эгаси бўлмаса, шу сўз билан жинсда ва сўзда мослашган бирикма олмош аниқловчи эргаш гапдаги феълга ёки феълдан кейинги предлогга қўшилиб келади. Бундай олмошлар араб тилида ضَمِيرٌ عَائِدٌ қайтувчи олмош дейилади. мас.,

لَمْ أَقْرَأِ الْمَجَلَّةَ الَّتِي اشْتَرَيْتَهَا أَمْسًا

— Кеча сотиб олган журнални ўқимадим.

دَخَلْتُ الْفُرْقَةَ الَّتِي يَجْلِسُ الطُّلَّابُ فِيهَا

— Студентлар ўтиришган хонага кирдим.

5. Аниқловчи эргаш гап от кесимли гап бўлса ва нисбий олмош шу гапнинг грамматик эгаси ҳисобланса, эга билан кесим ўртасидаги ажратувчи олмош (ضَمِيرُ الْفَصْلِ) қўйилади. мас.,

آسَمَعْنَا إِلَى مُحَاضَرَةِ الْأُسْتَاذِ الَّذِي هُوَ عَالِمٌ مَشْهُورٌ فِي بَلَدِنَا

— Юртимизда машҳур устознинг лекциясини тингладик.

6. Белгиси аниқланиб келаётган сўз ноаниқ ҳолатда бўлса, нисбий олмош ишлатилмайди. мас.,

رَكِبْنَا سَيَّارَةً تَبْلُغُ سُرْعَتَهَا مِائَةً وَخَمْسِينَ كِيلُومِترًا فِي السَّاعَةِ

— Тезлиги соатига 150 км бўлган машинага ўтирдик.

§ 177. ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эга эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гапнинг эгаси вазифасини бажаради. Араб тилида эга эргаш гап бош гапнинг кесимига нисбий олмош ёрдамида боғлашиши мумкин. Мас.,

إِنَّ الَّذِي كَتَبَ هَذِهِ الرِّسَالَةَ يَذُرُّسُ فِي كَلْبِنَا

— Бу хатни ёзган (киши) факультетимизда ўқийди.

فَأَكْتَبِي حَدَّثَ لَنَا عَنْهَا هِيَ خَالَتِي

— У киши ҳикоя қилиб берган (аёл) холам бўлади.

Бундан ташқари эга эргаш гап ما юкламаси билан ҳам янгирилиши мумкин. Мас.,

يُعْجِبُنِي مَا تَقُولُ

— Гапираётган нарсанг менга ёқади.

Эслатма. Бундай гаплар ўзбек тилида кўпинча сифатдошли оборот иштирок этган содда гап сифатида ишлатилади.

Эга эргаш гап бош гапга баъзан أَنْ ёки أَن юкламалари ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Бунда кўпинча бош гап шахси номаълум бўлган қуйидаги каби иборалардан ташкил топади:

... مِنَ الْمُمْكِنِ أَنْ — ... мумкин ёки мумкинки,...

... لَا بُدَّ مِنْ أَنْ — ... зарур ёки зарурки,...

... لَا شَكَّ أَنْ — ... шубҳасиз ёки шубҳасизки,...

... مِنَ الْوَاضِحِ أَنْ — ... аниқ ёки аниқки,...

Мас., لَا بُدَّ لَنَا أَنْ نَحْفَظَ دُرُوسَنَا

— Биз дарсларимизни ёдлашимиз керак.

لَا يَجُوزُ أَنْ تَتَنَسَّى الْكَلِمَاتِ الْجَدِيدَةَ

— Ўтилган янги сўзларни унутмаслигинг керак.

لَا شَكَّ أَنْ أَوْضَاعَ الْعَالَمِ قَدْ تَغَيَّرَتْ

— Шубҳасизки, дунёдаги вазият ўзгариб кетди.

§ 178. КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапнинг кесими вазифасида келган эргаш гап кесим эргаш гап дейилади. Кесим эргаш гап ҳам бош гапга эга эргаш гап боғланган воситалар ёрдамида боғланади. Буларни фақат бош гапда англатган маъносига қарабгина фарқлаб олиш мумкин. Мас.,

أُولَئِكَ الَّذِينَ اتَّبَعْتَهُمُ الْكِتَابُ

— Ўшалар биз китобни нозил қилган одамлардир (Ўшалар шуларки, биз уларга китобни нозил қилганмиз).

Бу мисолда кесим эргаш гап нисбий олмош ёрдамида бош гапга боғланган.

هَذَا مَا قَرَأْتُهُ فِي الْأَسْبُوعِ الْفَاضِي

— Мана шу ўтган ҳафта ўқиганимдир.

Кесим эргаш гап бош гапга مَا юкламаси ёрдамида боғланган.

Кесим эргаш гап сабаб-мақсадни ифодаловчи юкламалар ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Мас.,

ذَلِكَ لِتَعْلَمُوا الْقِرَاءَةَ وَالْكِتَابَةَ

— Бу сизлар ўқиш ва ёзишни ўрганишинглар учундир.

§ 179. ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапнинг тўлдирувчиси вазифасида келувчи эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап ҳам тўлдирувчи жавоб бўлган саволларга жавоб бўлади.

Араб тилида тўлдирувчи эргаш гап бош гапдан кейин келади ва бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Ўзидан олдин келган **أَنَّ** юкламаси ёрдамида. Бунда тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси тушум келишигида келади. Мас.,

سَمِعْتُ أَنَّ هَذَا الطَّالِبَ شَابٌّ مُهَذَّبٌ

— Эшитдимки, бу студент одобли йигитдир.

عَرَفْتُ أَنَّ الْعِلْمَ نَافِعٌ

— Илмнинг фойдали эканини билдим.

2. Агар бош гапнинг кесими **قَالَ** феълидан ёки шу феълнинг бирор формасидан иборат бўлса, **أَنَّ** юкламаси шайфасида **إِنْ** юкламаси ишлатилади. Мас.,

يَقُولُ الدِّينُ الْإِسْلَامِيُّ إِنَّ اللَّهَ وَاحِدٌ

— Ислоҳ дини айтадики, Оллоҳ ягонадир.

قَالَ صَدِيقِي إِنَّهُ مِنْ بَعْضِ

— Дўстим айтадики, у касал эмиш.

3. Агар бирор сабаб билан тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси бош гапдан узоқда бўлса ва у эргаш гапнинг воситидан кейинга ўтган бўлса, **أَنَّ** (**إِنْ**) юкламасига III шайфасида музаккар бирлик қўшилувчи олмоши қўшилади ва у таржима қилинмайди. Мас.,

أَخْبَرَنِي الْمُعَلِّمُ أَنَّهُ تَوَجَّدَ فِي غُرَّةِ الدَّرْسِ بِلَكَّ كَثِيرٍ مِنَ الطَّوَالَاتِ وَالْكَرَاسِيِّ

— Ўқитувчи менга маълум қилдики, ўша аудиторияда ўқитиш стол ва стуллар мавжуддир.

4. Агар бош гапнинг кесими ўзидан кейин предлог таъаб отадиган феълдан иборат бўлса, **أَنَّ** юкламаси ўша предлогдан кейин келади. Мас.,

تَكْرُرْتُ فِي هَذِهِ الْمَشْكِلَةِ طَرِيقًا

— Бу муаммо ҳақида узоқ ўйладим.

فَكَّرْتُ طَوِيلًا فِي أَنْ هَذَا الْكِتَابَ طُبِعَ فِي السَّنَةِ الْمَاضِيَةِ

— Бу китобнинг ўтган йили нашр этилгани ҳақида узоқ ўйладим.

5. Тўлдирувчи эргаш гап баъзан бош гапга **الَّذِي** ва унинг вариантлари ёрдамида ҳам боғланиши мумкин. Бу нисбий олмошлар тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси билан мослашади. Мас.,

إِنِّي لَا أَنْسَى الَّذِينَ سَاعَدُونِي فِي أَيَّامِي الصَّعْبَةِ

— Қийин кунларимда менга ёрдам қилганларни унутмайман.

6. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга **أَنْ** юкламаси ёрдамида ҳам боғланиши мумкин. Бунда тўлдирувчи эргаш гап феъл кесимли гап бўлиши керак. Мас.,

أُرِيدُكَ أَنْ تَكْتُبَ لِي رِسَالَةً

— Менга хат ёзишингни хоҳлайман.

Эслатма. Юқоридаги мисолларнинг ўзбекча варианты кўпинча қўшма гап эмас, балки содда гапдир. Лекин булар араб тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап сифатида талқин қилиниши керак.

§ 180. ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАП

Эгаси мавжуд бўлмаган ва кесим ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган гап шахси номаълум гап дейилади. Шахси номаълум гап учун муҳими ўша иш-ҳаракатнинг бажарувчиси эмас, балки унинг бажарилиш фактидир (“Темирни қизигида бос, дейдилар” каби).

Араб тилида шахси номаълум гапнинг кесими ўтган ва қозирги-келаси замонда бўлиши мумкин ва у қуйидагича ифодаланади:

1. Кесим III шахс кўплик музаккар феъл билан ифодланади. Мас.,

يَقُولُونَ إِنَّهُ يَعْرِفُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ حَقَّ الْمَعْرِفَةِ

— Айтадиларки, у араб тилини жуда яхши билади.

كَتَبُوا أَنْ كُلَّ مُؤَلِّفَاتِهِ سَتُنَشَرُ فِي الْوَقْتِ الْقَرِيبِ

— Ёзишларича, унинг барча асарлари яқин вақт ичида нашрдан чиқади.

2. Кесим III шахс бирлик музаккар мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодаланади. Мас.,

يُقَالُ فِي هَذِهِ الْمَقَالَةِ عَنِ الْحَوَادِثِ الْأَخِيرَةِ فِي الشَّرْقِ الْأَوْسَطِ

— Бу мақолада Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар ҳақида гапирилади.

قِيلَ كَثِيرًا عَنِ الْعَمَلِيَّاتِ الْقِتَالِيَّةِ فِي الْخَلِيجِ الْعَرَبِيِّ

— Форс кўрфазигаги уруш операциялари ҳақида кўп гапирилади.

3. Баъзан бундай гапларда кесим бўлиб келган феълнинг аниқ нисбат сифатдоши гапнинг формал эгаси бўлиши мумкин. Бунда феъл музаккар бирлик аниқ нисбатда бўлади. Мас.,

... قَالَ قَاتِلْ إِنَّ ... — Айтилдики,...

... سَأَلَ سَائِلٌ أَنْ ... — Сўралдики,...

♦ 181. ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛАИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шартини билдирувчи эргаш гап шарт эргаш гап дейилади. Араб тилида кўпинча шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шарти реал (“Яхши ўқисанг, тушунасан” каби) ва нореал (“Яхши ўқиганингда эди, тушунаринг” каби) бўлиши мумкин:

1. Реал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан **إِنْ** юкламаларидан бири келиши мумкин:

إِنْ юкламалари иштирок этганида, эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ёки ўтган замонда, ёки шарт майлида келади. Лекин бу гапдан англашилган шарт маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади. Мас.,

إِنْ خَرَجْتَ مِنَ الْفُرْقَةِ خَرَجْتُ مِنْهَا

— Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِنْ تَخْرُجَ مِنَ الْفُرْقَةِ أَخْرَجَ مِنْهَا

— Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِنْ تَسْأَلُوا كَثِيرًا تَعْلَمُوا كَثِيرًا

— Кўп сўрасангизлар (мз), кўп биласизлар.

مَتَى تَخْرُجَ أَخْرَجَ

— Қачон сен чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

مَنْ زَرَعَ الْمَعْرُوفَ حَصَدَ الشُّكْرَ

— Кимки эзгулик экса, таҳсин теради.

2. **إِذَا** юкламаси ишлатилганида, ҳар икки гапдаги феъл ўтган замон шаклида келади. Лекин шартнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишлилигича қолади. Мас.,

إِذَا دَخَلَتِ الْفُرْقَةُ رَأَيْتَ الْقَنْدِيلَ فِيهَا

— Сен (мэ) хонага кирсанг, ундаги қандилни кўрасан.

3. Баъзан бош гапнинг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, бош гап эргаш гапдан олдин келиши ҳам мумкин. Мас.,

لَسْتُ مُبَالِغًا إِذَا قُلْتُ إِنَّنِي مَرِيضٌ

— Агар мен касалман десам, муболаға қилмаган бўлман.

Қуйидаги ҳолларда бош гап олдидан **فَ** юкламаси қўйилади:

1. Бош гап от кесимли гапдан иборат бўлса. Мас.,

إِنْ لَمْ تَرَ هَذِهِ الْكَارِثَةَ فَأَنْتَ سَعِيدٌ

— Агар сен бу фалокатни кўрмаган бўлсанг, бахтлисан.

2. Бош гапдаги феълдан буйруқ, илтимос, хоҳиш-истия маънолари англашилса. Мас.,

إِذَا لَمْ يَعْشُ حُرًّا بِمَوْطِنِهِ الْفَتَى
يَ مَيِّتًا وَ مَوْطِنُهُ قَبْرُ أَقْسَمِ الْقَتْلِ

— Агар инсон ўз Ватанида эркин яшамаса, уни ўлик, Ватанини қабр ҳисобла.

3. Бош гапдаги феъл **سَأَلَ**, **قَدْ** каби юкламалар билан, шунингдек **مَا** ёки **لَنْ** инкор юкламалари билан бошланган бўлса:

إِنْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ قَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ

— Агар сен улар учун кечирим сўрасанг, Оллоҳ уларни ҳеч қачон кечирмайди.

II. Нореал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олди-
дан **لَوْ** юкламаси қўйилади ва бу гапдаги феъл кўпинча
ўтган замон шаклида келади. Мас.,

لَوْ زُرْنَا الْمَسْرَحَ شَاهَدْنَا فِيهِ تَحْفِيلِيَّةً رَاقِعَةً

— Агар театрға борганимизда эди, унда ажойиб
спектакль томоша қилган бўлардик.

Бундай гапларда бош гап олдидан **لَوْ** юкламаси ҳам
қўшилиши мумкин. Бу юклама гапнинг маъносига таъсир
ўтказмайди. Мас.,

لَوْ كَانَ عِنْدِي وَقْتُ لَكْتُبْتُ مَقَالَ لِبَحْرِيَّةِ الْحَائِطِ

— Вақтим бўлганида эди, деворий газетага мақола ёз-
ган бўлардим.

Баъзан нореал шартни ифодалашда бош гап бирикма
олмош билан **لَوْ** юкламасидан иборат бўлиши ҳам мум-
кин. Мас.,

لَوْلَا لَكُنْتُ تَعْسًا

— Агар у (мз) бўлмаганида эди, мен бахтсиз бўлган
бўлар эдим.

لَوْلَاكَ لَتَهْتُمْ فِي الطَّرِيقِ

— Сен бўлмаганингда эди, йўлдан адашган бўлардим.

§ 182. ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛАР ҚЎШМА ГАП

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг
амалга ошишига тўсқинлик қилади, лекин шунга қар-
май, бош гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган бўлади ёки
амалга ошади.

Араб тилида тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин
ҳам, кейин ҳам, бош гапнинг ўртасида ҳам келиши мум-

ани ва тўсиқсиз эргаш гап олдидан қуйидаги ёрдамчи
сўзлар келиши мумкин:

1. وَإِذَا، وَلَئِنْ، وَإِنْ. Мас.,

إِنَّا نَعْرِفُ جُغْرَافِيَا الْبِلْدَانِ الْعَرَبِيَّةِ وَإِنْ لَمْ نَزُرْهَا

— Биз бормаган бўлсак ҳам, араб мамлакатлари гео-
графиясини биламиз.

2. رَغَمَ أَنْ، بِالرَّغَمِ مِنْ أَنْ، مَعَ أَنْ. — юкламалари.

Бу юкламалардан кейин эргаш гапнинг эгаси тушум
келишигида келади. Мас.,

مَعَ أَنْ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ صَعَبَةٌ نَجِيهَا جِدًا

— Араб тили қийин бўлса ҳам, биз уни жуда севамиз.

بَارِعٌ مِنْ أَنَّهَا جَاوَزَتْ السَّبْعِينَ

كَانَتْ مَمْلُوءَةً بِالنَّشَاطِ

— Ў (ми) етмишдан ошганлигига қарамай, серҳаракат
эди.

رَغَمَ أَنِّي كُنْتُ مَشْغُولًا جِدًا حَضَرْتُ هَذِهِ الْحَلَّةَ

— Мен жуда банд бўлишимга қарамай, бу тантананда
иштирок этдим.

3. مَهْمَا، وَلَوْ. — юкламалари.

Бу юкламалардан кейин феъл ўтган замонда ҳам, ҳо-
зирги келаси замонда ҳам ишлатилиши мумкин. Мас.,

أَنَا لَنْ أَعُودَ إِلَيْكَ مَهْمَا اسْتَرْحَمْتُ دُكَّاتِ فَلَسِي

— Мен сен томон ҳеч қачон қайтмайман, гарчи юра-
гим тепкилари ўтиниб сўрасалар ҳам (Қўшиқдан).

4. Булардан ташқари қуйидаги олмошлар ҳам тўсиқ-
сиз эргаш гап олдидан боғловчи вазифасида ишлатилиши
мумкин: أَيْمَنْ — ким бўлса ҳам, أَيَّمَا — нима бўлса ҳам,

كَيْفَمَا — қандай бўлса ҳам, حَيْثَمَا — қаерда бўлса ҳам,
مَتَى مَا — қачон бўлса ҳам. Мас.,

هُمْ يُعْجِبُونَ النَّاسَ كَيْفَمَا لَعِبُوا

— Қандай ўинамасинлар, одамларга улар
ёқаверадилар.

أَيُّمَنْ سَافَرَ مَعَنَا كَانَ مَبْسُوطًا

— Ким биз билан сафар қилмасин, мамнун бўлади.

حَيْثَمَا كُنْتُمْ

كُنْتُمْ مَعَكُمْ

— Сизлар қаерда бўлманг, мен ҳам сизлар билан
бўламан.

§ 183. ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи эргаш гап пайт эргаш гап дейилади. Араб тилида пайт эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Пайт эргаш гап қуйидаги ёрдамчи сўзлар билан бошланади:

1. يَتَنَمَا، حِينَ، إِذَا، لَمَّا، عِنْدَمَا، حَيْثَمَا

— бу ёрдамчи сўзлар бош гап билан эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир вақтда содир бўлганлигини билдиради. Мас.,

عِنْدَمَا قَرَأْتُ الْكِتَابَ كَانَ صَدِيقِي يَكْتُبُ الرِّسَالَةَ لِأُمِّي — Мен китоб ўқиётганимда, дўстим онасига хат ёзаётган эди.

لَمَّا اقْتَرَبَ مِنِّي حَسَمْتُ أَنَّهُ سَكْرَانٌ

— У менга яқинлашганида, унинг маст эканлигини сездим.

2. **كَلَّمَا**— ёрдамчи сўзи ҳам шу маънодаги эргаш гапни билдиради. Лекин у эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир неча марта такрорланганлигини билдиради. Мас.,

كَلَّمَا جِئْتُ إِلَيْهِ كَانَ يَقْرَأُ كِتَابًا أَمْ مَجَلَّةً

— Ҳар сафар уникига келганимда, у китоб ёки журнал ўқиётган бўларди.

Шу маънода **فِيمَا** ёрдамчи сўзи ҳам ишлатилади, лекин бунда пайт эргаш гап от кесимли гапдан иборат бўлиши керак. Мас.,

فِيمَا نَحْنُ خَارِجَ الْقَرْيَةِ رَأَيْنَا النَّهْرَ

— Биз қишлоқдан ташқаридалигимизда дарёни кўрдик.

3. **مُنْذُ أَنْ، بَعْدَ مَا، بَعْدَ أَنْ** — ёрдамчи сўзлари бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан кейин содир бўлганлигини билдиради. Мас.,

تَعَرَّفْتُ بِهِ بَعْدَ مَا وَصَلْتُ إِلَى طَشْكَند

— Тошкентга келганимдан кейин у билан танишдим.

4. Бош гапдаги иш-ҳаракат пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан олдин содир бўлса, **قَبْلَ أَنْ، قَبْلَ أَنْ** каби ёрдамчи сўзлар ишлатилади. Мас.,

قَبْلَ أَنْ تُلْتُ لَهُ عَنْ هَذَا نَكُرْتُ طَرِيْقَهُ

